



Назар Эшонқул

ШАМОЛНИ ТУТИБ БЎЛМАЙДИ

Юз йилдан бери терсоталикларнинг ғурури ва фахри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди: темир тирноқли булдозерлар уйнинг деворларини қулатар эканлар, уй билан қўшиб, ўзларининг ҳам нималаринидир бузиб, вайрон қилишаётгандек, терсоталиклар бир чеккада жимгина кузатиб туришар ва нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушуниқсиз ва мавҳум туюладиган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва ғамгин хотираларга берилиб, мунғайган алфозда ўтирардилар.

Байна момо тириклигида, гарчи бу аёлларни, эрининг полвонлик лаш-лушлари ва кийим-кечаклари ётган, полвонниг ўлиmidан сўнг ҳечқачон чироқ ёнмаган, туйнуғи шуваб ташланган ана у ҳужра каби қоронғу мусибат тўла уйи ичкарасига киритмаган бўлса-да, улар қаҳр ва ғазабини ситам билан ичига ютиб келган бу кампирни ҳурмат ва эҳтиром билан эслашарди. Бу уй Терсотада қурилган биринчи уйлардан эди ва Райим полвоннинг отаси Шукур оқсоқол бундан бир аср муқаддам туғилажак фарзандларига кенг уй ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган йилқиларга отхона солиш мақсадида Терсота сойининг октобрўясига қишлоқнинг биринчи пойдеворини қурганди. Райим полвон эса отасининг ишини давом эттирди: уйнинг орқасида боғ барпо этди ва отхона ёнида қирга туташтириб, ёзнинг жазирамасидан гўшт ва ёғларни, қимиз ва айронларни асраш учун кенг ертўла, уйнинг олдида тошдан баланд супача, от кириб чиқадиган узун, устундор айвон қурди. Байна момо эллик йилга яқин ёлғизлик даврини ана шу айвондаги устунларга суяниб ўтказди: у эри ва ўғлининг жудолик азоби қийнаган пайтлар шу устунларни қучганча йиғларди. Кейинчалик кўз ёшлари ҳам тугаб қолгач, ҳаётида гўё суянчиғи ва орқасидан йиғлаб қоладигани йўқлигини одамлардан яшириш учун ёки энди йиллар силсиласига дош беролмай путурдан кетаётган уйни буткул вайрон бўлишдан асраб қолмоқчидек, елкасини устунга суяган ҳолатда хотирасининг синиқ парчаларига тикилиб, кўзларини юмганча ғамгину мустағриқ ўтирарди.

Райим полвоннинг ўлиmidан кейин туғилган ва у ҳақда кейинчалик буткул эсларидан чиқиб кетган чўпчакларнигина эшитиб улғайган авлод уйларини равоқли ва пишиқ ғишдан кура бошлагач, бир пайтлар Терсотанинг кўрки ва ғурури бўлиб турган бу уй бирдан кўримсиз қиёфага кирди ва энди Байна момо каби уй ҳам қишлоқдаги уйлар олдида ёлғизланиб қолганди: фақат бири-бирини босиб-туртиб кириб келаётган шошқолоқ йиллар бу авлоднинг

саркаш қалбига қандайдир олис хотирани ёқиб қўйиш учун беҳуда уриниб, уй деворларига маҳзун битиклар ёзар, бекаси билан бирга бу макон ҳам аллақачон ўзининг олдинги қудрати ва виқорини йўқотиб бўлган, унут ва ташландиқ масканга айланганди. Терсоталиклар энди аеропланлар ҳақида гаплашишарди. Улар замоннинг алғов-далғовларига фарқ бўлган, ҳаётларида юз бераётган янгиликларни ҳазм қилиб улгурмасди. Йиллар билан бирга ҳамма нарса ўзгарар, фақат Байна момогина уни сезмас, гўё унинг учун вақт ўша ҳолича қотиб қолгандай, уни ҳамон ўша эллик йил олдинги - эри ва ўғлининг ўлигини аскарлар тепкилаб ўтишган устун олдидан топиш мумкин эди.

Миршаб ва аскарлар уйнинг ҳар бурчагидан ёпирилиб келишганда Байна момо эрининг мурдаси устида турарди. Райим полвонни қўлга туширолмаи юрган Замон отбоқар уни уйдан чиқаётганда отиб ўлдирган, энди полвон ростдан ҳам ўлганми, йўқми миршаблар билан пусиб-пойлаб, айвонга яқинлашиб келарди. Бироқ шу пайт яна ўқ овози жаранглади ва Райим полвондан кўз узмай келаётган аскар оёғини қучоқлаганча бақириб йиқилди. Байна момо меҳмонхона эшигидан чиқаверишда отасини отиб ташлашганини кўргач, уйга югуриб кириб кетган, қўлига отасининг милтиғини тутиб турган ўғлини кўрди - о`ғлининг кўзларида ҳам эриники каби ғазаб, телбалик ёнарди. Байна момо ўғлини огоҳлантиришга улгурмади. Бирданига бир неча ўқ овози унинг қулоғини битириб қўйди ва ўғли отасининг устига юзтубан йиқилди - йиқиларкан, энди сабза урган мўйлови титраб кетди, онасига бир зум қўрқув ва ҳижолат аралаш тикилди. Замон отбоқар югуриб келиб, унинг бошига тепди ва милтиқни бир четга улоқтирди. Қишлоқда аскарлардан бошқа ҳеч ким кўринмас, одамлар гўё сувга чўккандай ғойиб бўлган, фақат деразаларга тортилган қора пардалар бу мудҳиш жиноятга лоқайд ва бефарқ боқиб турарди. Байна момо терсоталикларни кечира олмади - кўкраги илма-тешик бўлган ўғлига қарата Замон отбоқар яна бир неча бор ўқ узаркан, у мадад излаб, уйларнинг тўйнуқларини ёпиб турган қора пардаларга бир-бир кўз тикди, бироқ у ердан совуқ сукутдан бошқа ҳеч нарса кўринмас, зулматга чўккан тўйнуқлар бу мисли кўрилмаган қотилликни жимгина томоша қилиб турарди. Миршаблар Райим полвон ва ўғлининг ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, отларига миниб жўнаркан, Замон отбоқар эри ва ўғли мурдаси устида чўкка тушган Байна момонинг елкаси оша қамчи туширди:

- Энди хору зорликда ўлиб кетасан, - хириллади у. - Молингни топшир, деганда эринг қўлига милтиқ ушлаб биз билан сичқон-мушук ўйнади. Мана, энди унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

Миршаблар Райим полвоннинг қўрадаги подаси-ю отларини ҳайдаб кетишди. Замон отбоқар отларни қувиб кетаркан, бир йўла отаси билан унинг қасосини олиши мумкин бўлган ўғлини ҳам отиб ташлаганидан хурсанд эди - у шу кетиши билан қишлоқнинг кўп нарсасини ҳайдаб кетди - энди қишлоқ бирдан минораси қулаган шаҳардек ғариб ва нотавон кўринарди. Ўн беш йиллардан сўнг Замон отбоқар қишлоққа қайтиб келганда қишлоқдан файз кетиб, одамлар яна ҳам ожиз ва ҳуркак бўлиб қолгандилар. У Райим полвондан сўнг ташландиқ ҳолатга келиб қолган сой бўйидаги боғга кенг қилиб уй қурди: у боғда уй қуриш учун ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмади. Энди у ўзи бу қишлоққа олиб келган замон ҳавосидан яйраётган қишлоқдошларини кўриш учун отда изидан бир тўда ов итларини эргаштириб айланиб юраркан, қоя остида елкасига ўтин кўтариб келаётган Байна момога дуч келди. Байна момо қариб қолган, аммо ҳали ҳам кўзлари худди ўн беш йил аввалгидек қаҳрли ва нафрат тўла эди. - Сен менга бундай қарама, - Замон отбоқар қамчисини ҳавода силкитар экан. - Эринг бу ерда бўлмаса бошқа ерда барибир ўлган бўларди. Сен эса хавотир олма, ўлсанг итларим кўмади. - Шундай деб у бўрибосарларни кўрсатди. Аммо у Байна момони бу сафар урмади. Байна момо ҳам унга бир оғиз ортиқча гапирмади. Умуман эри ва ўғлининг ўлимидан сўнг камгап ва одамови бўлиб қолганди. У Шукуроқсоқол ўз феълига яраша кенг-кенг қилиб қурган хоналарда худди бир нарсасини йўқотган каби мақсадсиз кезиб юрарди: у энди бу алғов дунёда ёлғиз ва

қаровсиз қолганди: лекин ўзининг ожизлигини ҳеч қачон билдирмас, ўзидан кўнгил сўраганларни ёмон кўрар, гўё ҳаёти ҳеч ким қиё боқа олмайдиган дахлсиз салтанатдек у ёққа бирон кишини ,хатто сўзи билан ҳам, киришга йўл қўймасди. Эрта баҳордан то кеч кузгача саҳармардондан олдиға беш-олти қўй-қўзи, эчки-улоқ ҳайдаганча дарё бўйидаги юлғунзорға тушиб кетар, у ердан қуриган шох-шабба териб, қоронғу тушганда уйиға қайтар, бир йилда икки-уч марта тегирмонға буғдой кўтариб борарди. Унинг буғдой кўтариб юришидан ори келган Олломурад тегирмончи Байна момони инсофға чақирди:

- Сиз бундай овора бўлиб юрманг, - деди у. - Бирон эркақдан бериб юборсангиз, тортиб, ўзим уйингизға олиб бориб ташлайман.

-Бу қишлоқда эркақ йўқ, - деди Байна момо зарда билан, сўнг елкасидаги буғдойни тегирмонға кираверишда туширди. Гапираётганда овози титраб кетди. Тегирмончи тилини тишлаб қолди. Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Райим полвонни қулоқ дея таъқиб қилишларига, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, бир пайтлар Райим полвоннинг малайи Замон отбоқар ихтиёриға бериб қўйгани учун қишлоқдошларини кечиролмас, уларға бўлган нафрати сусайиш ўрниға, йиллар ўтиб, ота-бола ўлдирилган оқшомдан узоқлашган сайин кўпроқ ўрни ва қадри билинаётган, ўзини ҳаётнинг барча қувончидан бир йўла маҳрум этган, ёлғизликнинг кўр мусибати аро тобора авжланиб, Байна момонинг кексалиги билан бирға инжиқ ва йўриқсиз бўлиб борарди. У баъзида қишлоқдошларини очик масҳара қиларди: «Е, сенмисан, Салом кўса, хотинингнинг иштонини кийиб юрибсанми дейман», «Ҳаким отчопормисан, бунча урғочи байталға ўхшаб қийшанглайсанг...» «Бу қишлоқнинг аёллари энди фақат хезалак туғади». Бу масҳара ва нафрат йиллар ўтиши билан Байна момони қишлоқдан бутунлай ажратиб қўйди. Энди у ёлғиз ва кимсасиз қолди. Уни ойлаб биров йўқламас, фақат эрталаб эчкиларини юлғунзорға ҳайдаб, бораётганидан, кечқурунлари қишлоқни тутган қайнаётган сут ҳидидан ҳали унинг тирик эканини билишарди. Байна момо ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди. Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларға кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишиға берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди. Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли ҳалқоб билан тўлган айвонға сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут яловидай уйининг олдидаги- орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар қўпориб ташлашға кучлари етмагач, ковлаб олишға мажбур бўлган- баланд толға осиб, офтобда қуритарди. Қиш пайтлари ғамлаб қўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпаға оёғини тикқанча хотирасиға исиниб жон сақларди. Ражаб кўса қариндошлиги кўзиб, бир неча йил олдин ғамлаб берган ўтини омборхона ортида кўса келтириб, тахлаган жойда тахи бузилмай турарди - уни Байна момо қазо қилганда маъракаға яратишди ва барча терсоталиклар Райим полвон тириклигида ҳамманинг маслаҳатгўйи бўлган, уйи ҳамиша меҳмонлар ва полвонваччалар билан тўлиб-тошадиган бу аёлнинг бунчалик нафрати ва тавқи лаънатиға сазовор нима гуноҳ қилишганини бир умр билолмай ўтишди. Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай, бу уйнинг эркақи ва орияти ўлмаган дея таъкидлаётгандай эри ва ўғлининг полвонлик ятакларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманинг кўзига ташланиб турадиган уйининг шаппатгайиға осиб қўярди: ятаклар ҳам бора-бора йиллар ҳовуриға ҳамда ҳар ойда қайта ювадиган нафрат тўла чангалларға дош беролмади: Замон қассоб ўлиmidан бир кун олдин ятаклар торда увада-

увада бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб қўядиган лахтакка ўхшаб қолганди.

Замон отбоқарнинг ўлими ҳам Байна момонинг қалбини юшата олмади: унинг ўлими тўғрисидаги хабарни келтиришганда Байна момо ўз ҳужрасида келинлик сандиғи ёнида чўкак тушганча мусибату ғамга кўмилиб ўтирарди: унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўпلام уюмига ўхшарди. Ҳужрага бош суққан Розия момо унга Замон отбоқарнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказди. Барча аёллар ҳозир қувончдан ҳаммани бир-бир қучиб чиқади деб ўйлашганди. Аммо Байна момо хабарни оқсуяқлардек хотиржам қабул қилди: у бу хабардан ажабланмади ҳам, ўтирган жойидан остонадаги аёлларга бурилиб ҳам қарамади - ҳайкалдай, гўё тошдай қотиб ўтираверди. Фақат унинг бармоқлари қалтираб турар, хонага қон ҳидидай нохуш ҳид ўтириб қолганди. Аёллар ундан жавоб кутиб узоқ ўтиришди. Орадан анча вақт ўтгач, Байна момо уларга ўгирилиб ҳам қарамай, гўё уларни кўришдан ижирғангандай ва жирқангандек алфозда «Боринглар, ўликларингга йиғланглар» деди. Унинг қаҳр тўла товуши кўпдан буён одам қадами етмаган ҳужралар ичига сингиб кетди: у ердан йигирма уч йиллик чангу ғубор гўё зардали овоздан қалтираб кетгандек жойларидан бир қимиллаб қўйди, сўнг яна ҳужраларга бу хонадон бошига тушган ғам-андухдай абадий чўкди. Шундай дея Байна момо мусибат ва ғам адо қилган бу аёлнинг йилдан-йилга кичрайиб, қариб бораётганидан ва юзларини тилим қилиб ташлаган ажинларидан уялгандай фаслма-фасл ранги ўзгариб, худди бекаси каби туссиз, рангсиз кўринишига келиб қолган ва ҳеч қачон елкасидан тушмаган желаги билан юзини аёллардан тўсиб олди; шу билан у терсоталиклар ва одамлар билан ўрнатилажак барча мулоқотлар эшигини тақа-тақ ёпди ва фақат ўзигагина маълум, бошқа ҳеч ким англай олмайдиган, бошқа ҳеч ким англашга қодир бўлмаган ўз дунёсига кириб кетди.

Байна момо сўнгги нафасигача ўз нафратига содиқ қолди. Замон отбоқарнинг ўлимидан сўнг ҳам қишлоқдошлари билан илакишиб кетолмади. Умрининг охирида бу ўжар кампир барибир ўзлариникига кўчиб бормаслигини сезгач, синглиси билан куёвининг ўзлари кўчиб келишди: аммо бу пайтда Байна момо бутунлай оёқдан қолган, фақат кун узоғи кўзини шифтга тикканча чўзилиб ётишга ярарди. Байна момони эри ва ўғлининг қабри ёнига қўйишди: эллик йил аввалги қабрни осонгина топишди; қабр деярли ҳар ҳафта тозалаб турилганидан бошқа қабрлардан яққол ажралиб турар ва ундан мискин бир андух анқирди. Унинг Райим полвондан сўнг деярли янгиланмаган, ҳатто уларга ҳам мусибат ва ёлғизлик ҳиди ўтириб қолган кўйлақларини халқ лапарларини йиғиш учун келиб, қуриб кетишган ва ўша талаба қизлардан сўнг бирон марта фойдаланилмаган торга узоқ жанглардан сўнг мағлуб бўлган кўшиннинг ўзларига ўлжа қолган туғларини осиб қўйишгандек ва қишлоқдошларидан эллик йил нафрат қилган аёл устидан ниҳоят ғалаба қилишгандек бир-бир осиб чиқишди. Талаба қизлар ўшанда Замон отбоқарникига йиғилган, пишириқ-мишириқни бошлашган аёллар қий-чув қилишаётган оқшомда келишганди. Уларнинг келиши билан Замон отбоқарникида бошланган тўй ташвишлари қўшилиб кетди. Бироқ қизлар қишлоқ иримларини назарига ҳам илишмади. Байна момоникига кела-солиб, кир ювишга тушдилар - улар ичкўйлақ, рўмол, яна Байна момога ғалати кўринган шимларини шундоқ ҳаммага кўз-кўз бўладиган жойга бемалол осиб қўйишди - улар Мели ўқитувчининг «қишлоқдаги энг кекса аёл» деган бир оғиз гапи билан Байна момоникига келиб ўрнашиб олишган, афтидан, ҳали-бери кетишмоқчига ўхшамасди. Байна момо улар билан очилиб гаплашмади ҳам. У кечқурун эчкиларни соғаркан, қизлар ҳайратдан қий-чув қилиб юбордилар: уларнинг биронтаси ҳам эчки соғишни кўрмаганди. Қизларнинг бир-иккитаси Байна момога яқинроқ келиб, унинг эчки елинига бориб келаётган қоқсуяқ қўлларига қарадилар: миршабларнинг ҳафсаласини пир қилган, худди уйнинг девори каби йиллар уқалай-уқалай жимитдек қилиб қўйган гавдасини сал олдинга эгиб турганидан унинг ўзи ҳам қари ва озғин эчкига ўхшаб қолганди.

-Агар ўғлингиз бўлганида мен сизга жон-жон деб келин бўлардим, - деди қизлардан шаддодроғи Байна момонинг эчки соғишидан завқи келиб.

Байна момо унга ўқрайиб қаради ва кўзларида бирдан алам ёнди: қизлар кўрқиб кетишди: кўз олдиларида Байна момонинг бутун танаси бирдан тутаб жўнагандай туюлди. Қизлар дуд ҳидини аниқ сезишди. Байна момо ўрнидан турди-да, қўлидаги кадини супага қўйиб, ичкари кириб кетди ва шу киргани билан эртасига эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб кетмагунча қайтиб чиқмади. Чошгоҳ пайти эчкиларини ҳайдаб кетар экан, қизларга бир оғиз ҳам гапирмади. У худди ойпарастга ўхшаб кетиб борар, эчкилари юлғунзорга эмас, Пўлат чолнинг бедапоясига қараб кетаётганини ҳам сезмай юлғунзор тарафга йўл олганди. Пўлат чол қорни шишиб кетган эчкиларни ҳайдаб келганда Байна момони уйдан тополмади: у алламаҳал, ой атрофни сутдай ёритганда шарпадай кириб келди ва уйга кириб кетиб, то миршаблар сўраб келмагунча уйдан чиқмади. Қизлар бир ҳафта унинг оғзини пойлаб овора бўлишгач, бирон нарсага эришолмай қайтиб кетишди. Улар уй олдида пайдо бўлишлари билан уйнинг таназзулга юз тутгани бирдан билиниб қолди. Улар навқирон ва гўзал эдилар, уйдан ва Байна момодан чиркинлик ва мусибат ҳиди келар, навқиронлик олдида бирдан уй ҳам, Байна момо ҳам кексайиб қолгандай эди. Улар бу уйга ўрнашиб қолган ёлғизлик ва мусибатни чўчитиб, сўнг қувиб юборишмоқчидай тинмай хохолашардилар. Талаба қизларнинг очиқ-сочиқлиги ва лорсиллаган таналарини кўз-кўз қилиш учун кийиб олган тор шиму кўйлаклари, калта сочлари-ю ғалати, оппоқ пайпоқлари ҳам табиатан текин томошани яхши ко`радиган терсоталикларнинг эътиборини тортолмади: уларнинг шаҳар атири уфуриб турган ноз ва таманнолари сирли тарзда ўлдирилган отбоқарнинг азаси орасида кўзга ташланмай қолди. Узоқ вақт фарзандсизлик азобини тортган отбоқарни қирқдан ошиб дунёга келган уч ўғлига биравракайига дабдабали тўй килиш учун казо-казоларни шахсан ўзи айтиб келиш мақсадида шаҳар тушиб кетгандан икки кундан сўнг эрталаб дарё бўйидаги юлғунзор ичидан чавақланган ҳолда топиб олишганда аллақачон тўй қозонлари қурилиб, узоқ манзиллардан баъзи меҳмонлар кела бошлаган эди. Узоқ йиллар ўзларига суянчиқ бўлиб келган отбоқарнинг ўлими худди душманларидан ўзларини асраб турган кўрғонлари қулагандек терсоталикларни бирдан мунғайтириб қўйди - улар қарийб йигирма беш йил раҳнамо ва пешволари бўлиб келган одамнинг ўлиmidан қаттиқ қайғуга тушдилар. Эртасига етиб келган миршаблар қишлоқдаги ҳар бир эркак билан гаплашиб чиқишди, сўнг улар Байна момоникига йўл олдилар - улар йигирма уч йил муқаддам отбоқар туфайли эри ва ўғлидан ажралган аёлни тўсатдан эслаб қолишганди. Бироқ улоқлар ичида улоқдан ҳам кичик жуссали, юзига йилларнинг бешафқат муҳри босилган ҳамда ёлғизликка маҳкум этилган, ҳар бир сониянинг мусибату андуҳи асорати порлаб турган кичкина, жимитдай, сочлари оппоқ бўлиб қолган кампирни кўришгач, негадир ботинишолмади - улар қаршиларидаги рамақижон кампир билан девдай Замон отбоқарни қиёслашиб, ўз шубҳаларидан уялиб кетишди, чоғи, индамай изига қайтдилар. Улар, гарчи Байна момони сўроқ қилганларида ҳам ҳеч нарсага эриша олмасдилар - у кейинги йилларда бир оғиз ҳам гапирмаган, сўзлар ва уларнинг маъноси унинг хотирасидан чиқиб кетгандай ёки ўз моҳиятини йўқотгандай, ўз қайғу ва азоби билан кунларни зўрға енгиб яшаётган эди. Замон отбоқар итдай ўлим топганди. Жасаднинг шу туриши аввал о`зи, кейин тепаси қулаб тушган улкан минорни эслатарди- кийимлар пора-пора йиртилган, аврати узиб ташланган, о`нта бармоқнинг ҳаммаси кесиб олинганди...Барибир бармоқни излаб топишолмади. Жасадни бармоқсиз кўмишга тўғри келди: бутун қишлоқ нақ ёмат майдонга айланганди: аёллар уввос соиб йиғлашар экан, энди сочлари қордай оппоқ, деярли арвоҳга айланган, қишлоқдошларининг хотирасидан ҳам чиқиб кетган Байна момо том устида Райим полвонни итдай отиб, ташлашларидан бир неча дақиқа олдин отини эгарлаш учун олиб чиқаётиб, ўққа дучор бўлган, йиллар пора-пора қилиб ташлаган жабдуқ устига чўкак тушганча тўй деб келиб, аза устидан чиқаётган меҳмонларни, тўй бераман деб, энди аза бераётган қишлоқдошларини кузатиб, худди қутлуғ бир вазифани

Ўтаб, энди дунёда армони қолмагандек, йиллар ғижимлаб ташлаган юзида бир жунунваш ифода қотиб қолган ҳолда терсоталиклар ҳаётига йигирма уч йил соя солган тош ҳайкал каби қилт этмасдан ўтирарди.

Ниҳоят бу кампирнинг ҳам ситамгар китоби ўқиб бўлинди - у лайлатулқадр кутилаётган оқшом ёғоч ва кўп йиллик андуҳлар ҳиди ўтириб қолган, содиқ қўшиндай эллик йилнинг бирон куни ҳам тарк этилмаган ғамнок ва аламли салтанати - келинлик тўшагида жимгина жони узилди - фақат ўлиши олдидан сингисини чақириб йигирма йилдан бўён очилмаган, олтмиш етти йил олдин тераклилик Кўр Сафар уста ясаган, ярим вайрона сандиққа имо қилди ва бир сўз демай тўшакқа бош қўйиб жимгина жон берди. Уни эртасига тушга яқин чиқаришди. Удумга кўра азага Ўранинг барча қишлоғидан одамлар терилиб келишди - амир замонларини кўрган, нариги асрнинг сўнгги ёдгори бўлган қишлоқдошларини сўнгги йўлга кузатиш учун барча кекса-ю ёш йиғилди. Йиғилганлар орасида Райим полвон билан ўғлини ҳимоя қилолмай, Байна момонинг бир умрлик нафратига дучор бўлган, ўша пайтда навқирон, энди шарти кетиб, парти қолган чоллар ҳам бор эди. Улар орадан эллик йил ўтгач, бу унут ва музтар гўшага биринчи бор қадам қўйишган ва тобут ортидан гуноҳкорона бўйин эгиб боришарди.

Мурдани ювиш олдидан сандиқни очишди. Аввал ўлимликка аталган кийим-кечакларни, кафанни олишди, сўнг дастаси қорайиб қолган қамчи, сопига гавҳар ўрнатилган ханжар, эркак кишининг тер ҳиди келиб турган калапўши, кўкракка тақадиган зебигардон, кампирнинг қўлида ҳеч қачон кўринмаган келинлик билагузуги, этаги каштали, ёқасига тасма урилган кенг кўйлак, ангишвона ва сарғайиб кетган Қуръонни олишди. Энг охирида сандиқдан боғичини чирк боғлаган, каптарнинг юрагидек кичкина, матоси зар сим билан тикилган, кўп йиллик қон қотиб қолган тумор ва тиғи занглаган қайчи, кўп йил турганидан бўғин-бўғин бўлиб, фақат суякнинг ўзи қолган, у ҳам қорамтир тус олиб, нақ кукунга айланиш арафасига келган, чорсининг йиртиғига пала-партиш ўраб ташланган ўнта одам бармоғи ҳам топилди...

МАЙМУН ЕТАКЛАГАН ОДАМ

Бу воқеа уч йиллар олдин бўлган эди. Шу кўчадан бир уйни ижарага олиб кўчиб келганимда чолнинг шартни кетиб, парти қолганди, у кўчанинг муюлишида мен эгаллаган уйга қўшни ҳовлида яшарди. Уни биринчи марта уйининг олдидаги эски ўриндиқда чуқур ўйга толган ҳолда кўрган эдим. У қобоклари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи баджаҳл маъбудларнинг ҳайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги нохуш бир ҳисдан орқага тортар эди. Кўзлари ҳиссиз ва ифодасиз, эгнида эллигинчи йилларнинг андозасида тикилган анча салобатли кител, бақбақаси осилиб турган ҳолда ўйчан ўтирарди. Машинадан китобларни катта этакда ташиб киритаётганимда - гўё атрофидаги оламдан энди ҳеч қандай илтифот кутмай қўйгандек, ҳеч нарсанинг қизиғи қолмагандек менга эътиборсиз бир кўз ташладида, сўнг яна ўша ҳолатида ерга қараб ўтираверди.

Бир неча кундан сўнг уй бекасидан бу чолнинг бир пайтлар тузуккина рассом бўлганини ва ҳозир ҳам сурат чизиб туришини эшитиб, ҳайрон қолдим. Уни ҳаётда омади чопмаган бирон амалдор бўлса керак, деб тахмин қилгандим. Кейинчалик чолни тез-тез ўша кителида гўё неча қадам умри қолганини ўлчаб юргандек оғир қадамлар билан уйига ёки кўча бошидаги озиқ-овқатлар дўконига қараб кетаётганини, гоҳида эса маҳалла ошхонасида овқатни титраб-қақшаб еб ўтирганини, қобоклари остида одамларга адоват билан тикилиб-тикилиб қўйганини кўриб қолардим. Заҳарли ... одамни бўғиб, ҳолдан қилиб қўядиган бу адоват менга ўшанда унинг бутун танасидан, бутун вужудидан, қоқшол бўлиб қолган барча қон томирларидан ҳамда чакалақдор ичидаги тилсимли кўрғон каби номаълум бўлган умр қалъасидан уфураётгандек туюлганди. Уни кўрсам негадир юрагим ғаш тортадиган, кўнглим беҳузур бўладиган, кайфиятим бузиладиган бўлиб қолганди, ваҳоланки, ҳали у билан салом-алиқдан нарига ўтмагандик. Менга, аввало, унинг турқи ёқмасди: ночор ҳолига қарамай одамларга кибр аралаш димоғ-фироғ билан қарар, ҳаммага ётсираб, шубҳа билан тикилар, гўё ўзини бир умр ҳар бир кишига шундай тикилиб ўтгандек тутар эди. Бир куни уй бекаси мендан чолга кечки овқат чиқариб беришни илтимос қилиб қолди. Чолнинг совуқ юзини эсладим у истҳола қилдим; бироқ йўқ дея олмадим. Эски услубда қурилган, тор табақали эшидан ичкарига кирдим: чол катта айвонда ... ўтирганча олдида ... Чолнинг уйи ҳашаматли, кенг, лекин тошлар тилган майдондай ҳувиллаб ётарди. Устун ва ромлари чириган, умуман ҳовлидан чиркин ва бадбўй ҳид келарди. Чиркин ҳид дарахтлардан, қор остида қолиб қаровсизликдан хазонликка юз тутган гулзордан, уйнинг ёғочларидан ва айвонда қалашиб ётган ҳар хил расмлар уюмидан ккелаётган эди: шалтоқ ҳид эса ахлат солинадиган ундуқадан келарди. Хаёлимга бирдан бу ундуқадаги ахлатларни чол умр бўйи сақлаб келган бўлса керак деган фикр келиб қолди. Ҳиддан кўнглим айнигудай бўлиб чол ўтирган айвонга йўл олдим. Чол менга эътибор ҳам бермади, ажабсиниб бир қараб қўйдую, ўз ишини давом эттираверди; у қандайдир бўёғи кўп сурат чизаётган эди. Нарироқда турган кичкина хонтахтани келтириб чолнинг олдида қўйдим: у шунда ҳам эътибор бермади, у ўзига овқат келтириб беришларига кўникиб қолган эди, шекилли. Шунда унинг қўллари қалтираб, бўёқларни чаплаб юбораётганини сезиб қолдим. Чолнинг олдида овқатни ҳам қўйганимдан сўнг, у чизишдан тўхтаб, хонтахтага ўгирилди ва бўёқли қўллари билан нонни бемалол синдирди, оғзига тутди; ёрилиб қолган лаблари орасидан чириган кўм-кўк тишлари кўринди. Шунда мен яна унинг қандадир баджаҳл маъбуднинг ҳайкалига жуда ўхшаб кетишини ҳис қилдим. У бу ердалигимни ҳам унутгандай, хуриллатиб, имиллаб, чолларга хос ланжлик билан овқатланар ва оғзининг икки четидан лағмоннинг суюғи яна косага оқиб тушар, боши қалт-қалт титрар, бўйинларида тиришиб қолган томирлар у ютинганда бўртиб, кўкариб кетар, кўзлари ҳорғин ёшланиб турар, ҳар дам-ҳар дамда қанжарини ўнг қўли билан қаширди. Бу унга одат эди чоғи - қаншари турли бўёқларга белинб қолганди. қўллари қошиқги мадорсизлик билан кўтараркан, унинг шу

сонияда яна ҳам ифодасиз тусга кирган юзига қараб, овқатни ҳам эплаб ичолмайдиган асабий ва рўдапо чолнинг рассом эканлигига сираям ишонгим келмасди.

- Суратларингизни кўрсам бўладими? Йигирманчи йиллардаги суратларингизни? Деб сўрадим мен унга шубҳамни билдирмасликка тиришиб. Чол бамайлихотир кавшанди-да, менга қарамасдан, ўзига бунинг алоқаси йўқдай, гўё бир уюм ахлатни кўрсатаётгандай, ижирғаниб, қўли билан айвоннинг тўрини кўрсатди. Ҳаммаси тартиб билан териб қўйилган, ва у томондан бошланади, - деди ҳирқироқ товушда унинг товуши ҳам шунчалик совуқ эдики, беихтиёр этим жунжикиб кетди; индамай айвоннинг тўрига қараб йўл олдим.

Чолнинг йигирманчи йиллардаги суратларини шу кўчадаги бир-иккита санъатдан хабардор кишилар мақташганди; музейда ишлайдиган ёртоғим ҳам чолнинг суратлари кўргазмага қўйилганини айтганди. Чол йигирманчи йилларда комсомол бўлган ва босмачиларга қарши курашган, янги ҳаёт қуришда фаол иштирок этган дейишганди. Йигирманчи йилларнинг шиддатли шамоли уни юксак парвозларга кўтарган; ўттизинчи йилларда масъул вазифаларда ишлаган, деб ҳикоя қилишган. У ўша амалида токи пенсияга чиқариб юборишгунларича узоқ йиллар ишлаган экан. Кўчадагилар унинг ўша давр фаолиятини мишмишлар билан қўшиб-атиб ҳикоя қилишарди. Чол ишдан кетгач, мана шу эски уйга қамалиб олган, ҳеч кимга қўшилмайди, бир вақтлар ўзи озор берган кишиларни кўргиси келмайди, дейишарди. Чолнинг хотини эллигинчи йилларнинг охирида ўлиб кетган, фақат истараси ўзиникидан ҳам совуқ ёлғиз ўғли бор эди. Ўғли қиморбоз, авваллари киссавур бўлган дейишади, кейин қотиллик қилгани учун қамалиб кетган, энди эса қиморнинг орқасидан кун кўрар экан. У жуда жиззаки йигит эди. Уни икки марта кўчада кўргандим. Айтишларича, у шаҳарнинг чеккасида бир бева билан бирга турар ва ойда-йилда отасига бир кўриниш берар, шунда ҳам ҳар доим жанжал билан жўнаб кетар эди. У чолнинг олдига кўпинча бирдан-бир иш учун - пул сўраб келар, агар топиб бермаса, ғовға кўтарар, ҳатто икки марта отасини уриб кетган, деб айтишарди. Кўплар «чолнинг пули бор, лекин ҳеч кимга, ҳатто ўғлига ҳам кўзи қиймайди, жуда хасис», дейишарди. Ким билади, ўғли ҳам отаси ҳақида шундай ўйласа керак; у отасини заррача ҳурмат қилмасди. Унинг овозини кўчадан ўтиб бораётиб эшитиб қолгандим. «Ҳеч нарсангни бермайман - деб бақирарди у қандайдир қиринди товушда, - агар топиб бермасангиз, сизга қўшиб уйга ҳам ўт қўяман». Сўнг тарақа-туруқлар, ихрашлар, чолнинг нимадир деб сўкингани эшитилди. Кечқурун уй бекаси ўғли чолни яна уриб кетганини айтди. Чолнинг йигирманчи йиллардаги суратига жуда қизиқардим, умуман чолга қараб туриб қизиқишим яна ҳам ортганди.

Чолнинг айвони - унга устахона вазифасини ўтаса керак - олди ойнали, ёзда деразаларини ланг очиб салқинлатиб қўйса бўладиган, кенг гўша эди. Бу ерда ҳар хил кераксиз ашқол-дашқол - сунъий гуллар, туваклар, турли ранглар ёғочлар, китоблар олов кўтариб бораётган ... ҳайкал, тошдан ясалган турли қуроллар, тўрлар, занжирлар қалашиб ётар ва бу ердан ҳам шилта ҳиди келар, айвондан кўра алланеучук бесаришта қазноққа ўхшаб кетар эди. Айвон узун бўлиб, суратлар чизилган йилларига қараб кўргазмага қўйилгандек териб қўйилган, тўғрироғи, бор-йўғи қирққа яқин сурат ва эскизлар «1957», «1947», «1937», «1928», «1926» ва ҳоказо тартибда териб қўйилган эди. Суратларни оралаб борар эканман, қандайдир зиналардан чолнинг умр тилсимоти яширинган кўрғон томон кўтарилиб бораётгандек ҳис этдим ўзимни. Охирги, айвоннинг бурчагига осиб қўйилган суратнинг тагига!

1921» санаси ёзиб қўйилган эди: чол шу йилдан бошлаб расм чиза бошлаган бўлса керак, деб ўйладим. Сурат анча уқувчизларча чизилган бўлса-да, ранглари ёрқин ва тиниқ эди. Суратда қуюқ ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётган барваста гавдали игит тасвирланган эди.

Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган кишан таранг тортилган эди. Расмда чол нима демоқчи бўлганини тушунмасам-да, лекин йигитнинг юзидаги ишончдан ҳайратга тушдим; қизғиш ва жавдари бўёқ йигитнинг ққўнглидаги ҳисситни тўла акс эттира олган эди. Кейинги суратларда чолнинг қўли анча келшиб, бўёқлар тиниқ ўз

Ўрнини топган, табиат манзаралари тобора гўзаллашиб борарди, ранглар ҳам турфа хил эди. Бироқ бир лаҳзада осмону фалакни қоплаган кузги қарғалар каби суратларга қандайдир мавҳумлик ёпирилиб кириб келарди, ... сурат ортиб бориши мени ҳайратга солди, мавҳумлик тасвирда ҳам, бўёқда ҳам сезиларди. Мен ҳар бир манзарада бошқа ранглар ўрнини қора ранглар олаётганини гувоҳи бўлдим. Уттизинчи йилларда чизилган суратлар эса яна ҳам мавҳумроқ эди, энди бу йиллардаги суратларни қора ранг буткул қоплаб олганди. Чол суратларни пала-партиш чизган бўлса керак, деб ўйлагандим, чунки чолнинг маъсул хизмат даври мана шу йилларга тўғри келарди. Мен суратларга қараб туриб, уларнинг мақсаду маслакисиз ёзилганини ҳис қилдим. Фақат биринчи суратдаги йигитнинг кўзидаги қатъият ва ишонч беихтиёр ҳар қандай кишини ўзига ром қилиб қўярди, сиз ҳам мана шу йигит изидан номсиз, исёнкор сафарга отлангингиз, ваҳимали зим-зиё ўрмондан авлод-аждодларингизни хурофот ҳамда бидъатнинг ... рашлару алғов-далғов ҳаёт қўйнига ташлагингиз келиб қоларди. Сиз йигитнинг кўрига қараб турсангиз унинг тантана қилишига ишонардингиз. Музейдаги дўстни яна шундай ... бошидан кечирган бўлса керак, чолни роса мақтаганиди. Ана шу суратида чол ўзини қобилиятли ва истиқболли рассом сифатида намоён эта олган эди. Агар чолнинг биринчи ўн йилликдаги суратларига эътибор берсангиз, сизни ҳам беихтиёр чолнинг навқиронлик давридагидек улуғвор кайфиятлар чулғаб оларди.

Мен кейинги йиллардаги суратлар шунчаки қўл чиқиб кетмаслик учун чизилган бўлса керак, деган фикрга келгандим; бу йиллардаги суратларда ҳувиллаб қолган қишлоқлар ва кўчалар, эгалари ташлаб кетган уйлар, ўзига чорлаб турган қабристонлар, ўлим иси келиб турган ар хил қуроллар, йиғлаётган аёллар ва болалар, бийдай далани босиб кетган ўлаксахўр қузғунлар, мурдалар ортилган аравалар, панжарали камералар, ёниб ётган қишлоқ қандайдир қурқувдан (худди «Помпеянинг сўнги куни» каби) донг қотиб қолган оломон, сирли махлуқла, йиртқич ҳайвонлар, юзларига ҳар хил жондорларнинг ниқобларини кийиб олган одамлар (карнавал бўлса керак деб ўйлагандим), базму жамшид қилиб ўтирган шотирлар, ароқ навлари, турли хил таомлар, ялонғоч аёллар, маъсума қизлар, қовжираб қолган гулларнинг суратлари акс этган эди. Бу суратлар илҳом ё мақсад билан чизилганига ишониш қийин эди. Биронта суратда ҳам акс эттирилган манзарага тушунмай, чолга қарадим. Чол овқатини еб бўлган ва менга тескари ўтирганча, матога яна қўнғирроқ тус берарди. У гўё менинг бу ердалигимни унутгандай эди. Чолнинг кейинги суратларида биронта ҳам мукамал тасвирланган одамни кўрмадим. Ҳамма суратлар бўёқларнинг мато юзига чаплаб ташланганидан иборат эди. Бу суратларга хос мавҳумликдан ҳайратга тушдим. Чунки чол буларни энг яхши суратлари ичидан танлаб, териб қўйган эди. Ўша куни мен чолнинг маҳалладошлари мақтаганчалик рассом эканлигига сира ишонмадим ва унинг суратларини кўриб, яна ҳам ҳафсалам пир бўлди. Бу суратлар менга умид қўшинлари ташлаб кетган умрнинг ташландиқ қароргоҳларига ўхшаб уюлди. Энди уни шунчаки номига мақташган бўлса керак, деб ўйлай бошладим. Суратлардаги мавҳумлик негадир юрагимни ғаш қилганди. Бироқ чолнинг ҳаёти бир пайтлар бир кеччада пориллаб очилган гулдек тўсиқ билмас шиддат билан бошланганини, сўнг бу шиддат ҳаётнинг мавҳум ирмоқларига худди ёз ёмғири жазирама саҳрога синган каби ққўшилиб кетганини суратларига қараб ҳис этгандим. Унинг ўша навқиронлик даврини эслатаётган қонталаш ва шилпиқланиб қолган бўлса ҳам, ҳали тийраклик билан тикиладиган кўзларида қолган эди. Бу кўзлар ҳам ҳар қандай ишонч ва ... маҳрум эди.

Чолнинг ёнига қайтар эканман, у чизаётган суратга бир зум кўз ташладим: устига чанг тушмасин деб, доқа ёпиб қўйган суратда одамнинг ва қандайдир ҳайвоннинг оёқлари тасвирини кўрдим. Ва бу ҳол мени бироз ҳайратга солди - полотнода ниҳоят кўп йиллардан кейин одам сурати пайдо бўлган эди. Сурат ҳали чала эди. Мункайиб қолган чол сурат қаршисида тиз чўкиб турганга ўхшарди, бўёқлар ҳам чолга зўрға бўйсунар, гўё улар ҳам бу беҳуда ва мавҳум манзараларни акс эттиришдан буткул чарчагандай эди.

- Хўш, - деди у менинг идин-товоқни йиғиштира бошлаганимни кўриб, суратлар сизга ёқдими?

Елка қисдим ва суратларга тушунмаганимни айтдим. У чарчаанидан милкларига ёш сизиб чиққан ҳорғин кўзларини менга ачингандек, бир зум қадаб турди-да кейин бош силкиди.

- Ҳа, тўғри, биз тушунарсиз яшадик, - деди ғамгин тусда, - ҳар босган қадамимиз одамлар учун шубҳали ва қоронғу бўлиб қолган, албатта, бунга сиз эмас, ўзимиз айбдормиз.

У худди одамнинг устидан кулаётгандай ёки киноя қилаётгандай истеҳзо билан гапирар, ҳар бир сўзи асабларни зирқиратиб, арралаб ўтарди. Ким билади балки менга шундай туюлгандир. У энди гап тамом дегандай қўлига мўйқалам олди. У мен билан бошқа гаплашгиси келмаётган, агар мени бу ерда кечкача ... ҳам унинг бирон оғиз гапириши гумон эди. Идишни олим тезд чиқиб кетдим. Чол менга қайрилиб ҳам қарамади. Узоқ вақтгача унинг гапини ўзимча мулоҳаза қилиб юрдим. Бироқ менга нима учун шундай деганига ҳеч тушуна олмадим. Чолнинг суратлари ичида менга фақат маймун етаклаб бораётган йигит сурати ёққан эди. Тўғри, мен тасвирий санъат соҳасида ёмон мухлис эдим, лекин йигитнинг кўзларидаги ишончдан ҳайратга тушар ва унинг қатъиятли чеҳраси тез-тез кўз олдимда намоён бўлиб турарди. қолган суратлари эса алоғ-чалоғ эсимда қолганди. Икки кунлардан сўнг эса биринчи суратдан бошқа ҳамма суратлардаги манзаралар бир-бирига аралашиб кетди, сўнг йўл-йўлакай дарахтга бир зум қўниб ўтган қушлар каби хотирам дарахтларидан учиб кетди.

Бошқа бир кун чолнинг олдига овқат олиб кирганимда яна ўша шилта ҳидидан кўнглим озиб кетаёзди. Лекин мен энди ҳар бурчакда путурдан кетаётган умрнинг таназулидан дарак бериб турган қўланса ҳидга кўника бошлаган эдим. Биз бу гал анча суҳбатлашиб қолдик. Зиғи шундаки, у жуда саводли эди ва шу вақтгача нимаики қилган бўлса, ҳаммасини билиб, англаб туриб қилганга ўхшарди. У Титсиани ҳам, Пикассони ҳам, модернизмнинг ҳозирги намояндалари Жорж Брак ва Умберто Бачанини ҳам билар ва уларнинг ижодидан жуда яхши хабардореди. Бироқ биз ўша кун у билан мутлақо бошқа нарсалар ҳақида гаплашгандик. У ҳаётда нима яхшилигу нима ёмонлик, ҳеч қачон фарқлаб бўлмайди, яхшилик - айна пайтда кимларгадир ёмонлик, ёмонлик эса айна пайтда кимларгадир яхшилик бўлиб туюлади, менинг умримда англаган улосам шу деди.

- Йўқ, - дедим мен унинг салмоқ билан, менинг хулосам ҳамманинг хулосаси бўлиши керак деган оҳангда гапиришидан ғашим келиб. - Булар мутлақо қарама-қарши тушунчалар. Ёмонлик яхшилик бўлиши сира ҳам мумкин эмас, нимаики ҳурликка, эркака, эзгуликка зид бўлса, у ёмонликдир, - дедим.

У ҳали ёш бола экансан-ку, дегандек димоғ аралаш кулди. Сўнг жиддий тортиб, неларнидир эслагандай гапира бошлади.

- Мен умр бўйи ёмонликка ҳам тенг хизмат қилдим. Чунки нима иш қилсам ўша ишим икки қисмга бўлинар эди. Сиз билан тортишмоқчи эмасман, фақат битта мисол келтирмоқчиман. Бир вақтлар жуда мартабали бир дўстим бўларди, ўзи софдил эди-ю сал обрўталаб эди. У йигирма етти йил амал курсисини ҳеч кимга бермади; уста одам эди. У нима қиларди, денг? Юқоридан шунча хом-ашё бор, деб буйруқ келарди. Буйруқни инкор этиб ёки муҳокама қилиб бўлмасди, - биз ана шундай руҳда тарбиялаганмиз, - уни бажариш керак! Бажариш учун бутун корхона ишчилари ўн тўрт-ўн олти соатдан ишлашлари керак. Бу эса - биласизки, расман мумкин эмас. Тўғрироғи, мумкину яъни турли-туман ташаббуслар ташкил қилиб бажарса бўлади, бироқ ўн ики ой бундай қилиб бўлмайди. Одам машина эмас. Бу минглаб одамларни майиб қилиши мумкин. Йўқ десанг, курсини топширавер; бошқаси албатта шундай қилади. Битта сен ҳалол бўлганинг билан ҳаёт гўзал бўлиб қолмайди. Шунда менинг дўстим энг мақбул йўлни талаган. Таъкидлайман, ўзи жуда софдил, оқибатли одам эди. У ҳамма ишни бажарилди деб, қоғозга қўл қўйиб бераверган. Бошқа корхоналарни ҳам бу ишга тортган, улар «биздан бугина, сиздан угина» деб ёзиб бераверган. Азбаройи одамларнинг тақдирини ўйлаб шундай қилган. Дўстим шу йўл билан ўзича буйруқлар мустабидлигига қарши курашган. Йигирма етти йил одамларни қоғозлар билан ҳимоя қилган. Охир оқибатда унинг ажали етиб ўлди. Кейин унинг гўрига тош отиш бошланди; у ҳимоя қилган минг-минглаб одамлар унга биринчи бўлиб тош отдилар -

ўрнига бошқани сайлашди, бу бошлиқ буйруқни қандай бўлса шундай бажариш учун қўлидаги ҳамма нарсадан фойдаланди - ҳатто кучдан ҳам.

Даромад камайган, садақа сўраш кўпайган, бора-бора одамлар олдинги бошлиқни афсус билан эслашган, унинг тўғри йўл танлаганини англашган. Хўш, айтинг-чи, бу ерда нима яхшилигу нима ёмонлик. Буни қандай фарқласа бўлади. Бири одамларни ўйлаб, қонунни суиистеъмоқ қилди, иккинчиси қонунни ўйлаб, одамларни хароб қилди. Мен бу ерда қайси бири ёмонлик, қайси бири яхшилик, ҳеч фарқлай олмайман. Умрим давомида ҳам буни фарқлай олмадим.

- Эътиқод-чи, - дедим унинг салмоқ билан гапиришидан аччиғланиб, тўғриси унинг далиллари мени бироз довдиратиб қўйди; у ўз умри ҳақида жуда кўп ўйлаган эди, афтидан, шунинг учун қатъият ва ишонч билан гапирарди. - Эътиқодли одамлар тўғрироғи, эътиқоди мустаҳкам одамлар яхшилик билан ёмонликни жуда теран англайдилар, - дедим ва гапимдаги баландпарвозликдан ўзим уялиб, тўхтаб қолдим.

- Эътиқод! - деди у ғуссали оҳангда, - агар бир умр эътиқод қўйиб, шунга ишониб, курашиб ёниб-куйиб ... эътиқод қўйган нарсангиз пуч, ёлғон ва пуфлаб шиширилган шардай омонат, сиз эзгулик деб сиғинган нарсалар асли разолат эканини англаб қолсангиз бундай демасдингиз; ана шунда умрингиз ёмонлик билан яхшиликнинг фарқи қолмаган худди йўлдан чиқиб кетган шалдур-шулдур, бўм-бўш аравага айланарди. Сиз эса бўшлиқни тўлдириш ва аравага нимадир юклаш учун ҳар қандай ёвузликдан ҳам қайтмасдингиз. Шуми эътиқод?! Мен бу сўзни ишлатмай қўйганимга ҳам қирқ йилдан ошиб кетди. Бу сўз шунчалик сержило, жимжима, сохта, баландпарвозки, эшитсам кўнглим айнийди.

У алам билан хириллаб тўхтаб қолди. Унинг жаҳли чиққан, негадир кўнгли тўлиб кетганди, ҳозир бирон нарса десам, жеркиб ташлаши аниқ эди. У ўзининг фикрини маъқулламаганларни ёқтирмасди, афтидан. Унинг бутун умр яхшилик нима-ю, .монлик нималигини излай-излай, жавоб тополмаганини ўзимча тасаввур қилиб, даҳшатга тушдим ҳатто унинг ўша куни тушунмаган расмларига ҳам андак тушунгандай бўлдим; бу суратлар - ўз-ўзга ишонмаган, умрини турли алдовлар ва юпанчлар билан беҳуда ўтказган одамнинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари, унинг мавҳумликка мустаҳиқ қалбининг парча-парчалари эди. Умри поёнига етган сайин дунёнинг бешафқат хулосаларидан қочиб, у мана шу сокинлик ва ёлғизликнинг қуюқ ўрмонига яширинганди. Ўзининг ўтган умрига мана шу ёлғизлик қўйнидан туриб назар солмоқчи, ўз умрига ҳам хулосалар ясамоқчи эди, шекилли, унинг гапларидан бу сезилар, лекин менимча ўзига зарур хулосани ҳануз топмаганди. Унинг ёлғиз ҳаёти менга чириган дарахтнинг ёлғизлигидек мудҳиш ... бўлиб туюлганди. Афтидан, ёлғизлик унинг сўнги бошпанасига айланганди. Унинг гапларида одамнинг вужудини захарловчи нимадир бор эди. У билан чорак соат гаплашиб, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Нимагаки ишонсам, чол ҳаммасини чилпарчин қилиб ташлаган, мени ҳам ўзининг ишончсизлиги билан захарлаб улгурганди. Ўша кундан сўнг мен ичимга кириб олган чолнинг қиёфасидаги шайтонни вужудимдан қувиб чиқаргунча, узоқ вақт ўз кўнглимни ўзим кўтариб, фақат қувноқ ҳикоялар ўқиб юрдим.

Чолнинг олдига бошқа қайтиб чиқмадим. Ҳовлидаги чиркин ва шилта ҳидидан, чолнинг қўланса гапларидан ҳамон ўзимга келолмаётгандим. Эсласам кўнглим айнир, бирдан ҳамма нарсага қизиқишим йўқолар эди. Уй бекаси ҳафтада бир марта чолга оват киритиб турар, унинг берилиб қандайдир сурат чизаётганини айтарди. У суратга тушунмасди, шунингдек, чолни ҳам ёмон кўрар, лекин қаровсиз чолга бутун кўча овқат киритиб тургани учун улардан айрилгиси келмасди. Умуман, бева аёлларда табиий шафқат ҳисси бўлади. Уларнинг кўнгли юмшоқ, тез таъсирланиб, тез ҳафа бўлишади. Мен бора-бора чолнинг суратлари билан ҳам, унинг тақдири билан ҳам қизиқмай қўйдим, ўша пайти Онеттининг ҳикояларини таржима қилаётгандим. Ўша пайтлари чол камдан-кам эсимга келарди, эсимга тушган онлари эса кўз олдимда қора шарпа каби пайдо бўлар ва бу гарпа мени тинмай таъқиб қиларди. Баъзан биринчи суратни эслаб, хаёлларга толардим, хаёлларим ҳам суратдаги йигитнинг кўзлари каби ҳузурли эдию Мени фақат чол чизаётган сўнги суратгина озроқ қизиқтириб турарди, чунки, сезишимча, чол

охирги суратини чизмоқда эди. Уни баъзан йўлда - озиқ-овқат дўконига чиқиб келаётган ҳолатда кўриб қолардим ва кунма-кун ҳаёт асари йўқолаётган юз-кўзларига, ўз умри учун аянчли хулосалар тўлиб ётган ва уни масхара қилгандек кўклам билан бирга тобора гўзаллашиб, яшариб бораётган атрофидаги оламини кўрмаслик учун ерга яна ҳам кўпроқ эгилиб қолган қадди-қоматига қараб, шу мудҳиш фикримга ишонгим келарди.

Бутун қиш давомида чолни икки марта - дарвоза ёнига курси қўйиб, ўзини чувоққа тоблаб ўтирган ҳолда кўрдим. Уй бекаси кўп жаврайдиган аёл эди. У бутун маҳаллани ғийбат Килиб чиқар, сўнг яна чолни тафтиш» қиларди. У чол ҳақида ижирғаниб гапирарди, лекин овқат кирғизишни қанда қилмасди: унга айниқса, чолнинг маҳалла-кўйниқига ўхшамаган одатлари ёқмасди.

Баҳорнинг бошларида ҳордиқ ойдан қайтиб келиб, уйга киришим билан уй бекаси кўзида ёш билан қарши олди ва уч кун бурун чолнинг қазо қилганини айтди. Вужудимга совуқ шилимшиқ нарса ўрмалагандай жунжиқиб кетдим ва бирдан хаёлимга чолнинг суратлари келди. «Уй ҳали қаровсиз, - деди менга уй бекаси, - ўғлини ҳеч қаердан топишолмади, яна қўлга тушган бўлса керак».

Кечқурун чолнинг ҳовлисига ўтдим. Ҳовли ҳувиллаб ётарди. Шилта ҳиди чолнинг ўзи билан бирга йўқолган, бироқ чиркин ҳид ҳали гупиллаб димоғни куйдирарди. Чолнинг суратлари бир чеккага йиғиштирилиб қўйилганди. Чолнинг сўнгги суратини излай бошладим. Чол суратни чизиб улгурганми, йўқми, мени жуда қизиқтирарди. Сарик матони ниҳоят топдим ва унинг юзидаги қоғозни юлиб олиб шоша-пиша суратга тикилдим. Кўзимга ниҳоятда тиниқ ранглар лоп этиб урилди - бу сурат қирқ йил ичида чизилган маҳзун суратларга сира ўхшамас эди. Мен расмдаги манзарадан бир нафас тонг қолдим; суратда худди биринчи расмдаги ўрмон акс эттирилган эди. Ақат бу суратда маймун қараб турган умидсиз кўзларига ҳам чўккан мункайган бир чолни ўрмон сари етаклаб кетарди.

Суратнинг шошиб чизилгани кўриниб турарди. Кўп жойига бўёқлар номига чапланган эди. Чолнинг ўзи ҳам умри охирлашганини билган ва шунинг учун шошганди. Расмнинг орқа фонидagi ранглар меъёрига етмаганди. Бу кўёш ботиб, атрофга чўккан хира қоронғуликни эслатарди. Бироқ ана шу қўнғир ранг фонида маймун ва одамнинг қиёфаси равшан акс этган, одамнинг юзидаги умидсизликни яна ҳам кучайтирган эди.

Мен ўшанда беихтиёр ҳаёт каби санъатнинг кириш ва чиқиш эшиклари борлиги ҳақида ўйлагандим. Чолнинг суратлари гўё сирли қўрғон эди; чолнинг илк суратини кўрган дақиқадаёқ .у қўрғонга кириб қолгандим ва унинг суратларидан қолган совуқ ҳиссиёт билан бирга юрагим ғаш бўлиб юришимнинг сабабини топгандай бўлдим. Шу кунгача чолнинг қўрғонида яшаган эдим ва ҳозир бу қўрғон эшигидан бийдай кимсасиз далага чиқиб қолгандай ҳис этдим ўзимни. Вужудимни шилимшиқ, жиркканч нарса ўрнига бир... йўқотиб қўйган одамдай чолнинг суратларидан қолган ваҳима эслатади.

Ўзим яшайдиган уйга қайтиб кирганимда бека маҳалла комитетида ишлайдиган кекса бир киши билан гаплашиб ўтирарди. «Маҳалла кексалари йиғилишиб, уйни кимгадир бермоқчи бўлишибди, - деди у менга, - уй оламан деб юргандингиз, мана шу уйни ола қолинг».

Бирдан димоғимга ҳовлидаги дов-дарахтлардан тортиб, гуллару ҳар битта ғиштгача ўрнашиб қолган чиркин ҳид гуп этиб урилди; кўнглим беҳузур бўлгандай ижирғаниб кетдим.

- Йўқ, - дедим мен ўз хонамга кетар эканман. - Ҳозирча уйсиз яшаб тураман.

ОҒРИҚ ЛАЗЗАТИ

Дўстим билан шаҳар ўртасидаги майдонга кириб борганимизда, улар атор тизилиб ўтиришарди. Таналари яра-чақадан гезарган, азбаройи оғриқ ва азобдан деярли шилиниб тушган елкаларидаги яирга қуёш шуълалари тушганда ялтираб кетар, оёқларини олдинга чўзганча туришга ҳам мадорлари келмай забун бўлиб ўтиришарди. Текин томоша кўришни истовчи эртаю кеч майдондан кетмай уларнинг фарёд ва фиғонга тўла ҳолатини зериккунча тамоша қилишар, ҳатто тунлари ҳам бу ерда хоҳлаганча томошабин топилар эди. Азобга маҳкумлар искирт вва увада кийимларига ўралганча бир муддат мизғиб олишар, сўнг яна уқубатли ҳунарларини бошлашарди. Фиғонлар қанчалик мудҳиш, ҳасратомуз чиқмасин, бунга ҳеч ким эътибор ҳам бермас, аксинча, бир неча фиғон ичидан ким кўпроқ оҳ-воҳ қилаётибди, кимнинг товуши баланд, кимники зўраки-ю кимники самимий дея баҳслашардилар. Мабодо биронтаси фиғон қилишдан тўхтаб қолса, худди айбдордек, яралар беҳад азоб бераётган шерикларига ҳасад аралаш кўз ташлар ва назоратчиларни имларди; назоратчи қўлида қамчи билан етиб келар ва кўкара бошлаган яралар устидан савалашга тушарди. Агар бу ҳам кор қилмаса, катта наалли этиги билан тананинг тўғри келган ерини топтай бошларди. Назоратчилар азоб беришнинг хилма-хил усулларини қўллар эдилар; улар ўз ишларининг айтиш мумкинки, устаси фаранглари эди. Аммо назоратчиларнинг оғриқ қўзғатишдаги тажрибалари қанчалик ошаётган бўлса, майдондагиларнинг қоникмасликлари ҳам шунчалик кучайиб борарди. Айримлар бош назоратчи келганда усулларнинг тез эскириб, танага кор қилмай қолаётганидан шикоят қилишарди. Бошлиқдан танбеҳ эшитган назоратчилар бироз кенгашиб олгач, важоатли қиёфада яна маҳкумлар олдида пайдо бўлишар ва аввал оёқларининг, сўнг қўлларининг бармоқларини бирма-бир, бўғинма-бўғин синдира бошлашарди: оғриқ қўзғатиш мумкин бўлган барча усулларни қўллашга рухсат берилганди; назоратчилар аввал маҳкумларни этлари шилингунча савалаб чиқишар, кейин яралар устига туз сепишарди. Бу фақат бошланғич босқич эди. Бора-бора туз ҳам танадан оғриқ қўзғатмай қўярди, шундан сўнггина назоратчилар боша аъзоларга оғриқ қўзғатиш тараддудига тушардилар.

Бармоғи синган маҳкум ўкириб юборар, юзида азобли ифода пайдо бўлиб, кўзидан ёш чииб кетарди, аммо қисиб олган лабларига баайни зулмат ичида ёниб турган шамдек бир заиф табассум қалқиб чиарди, оғриқ кучайган сайин бу табассум бутун юзни эгаллаб оларди. Кимнинг бзида азоб ўрнида тўлиқ табассум пайдо бўлса, тамошабинлар ўшани кўрсатиб, қийқиришарди. Бу уларнинг олқиши эди. Маҳкумларнинг юзига булутлар остидан чиқиб келаётган уёш каби табассум ёйила борар, бундан завқланган назоратчилар уларнинг бармоқларини шарт-шурт синдира бошлашар эди. Гарчи оломон қийқириб турган бўлса ҳамки, бармоқларнинг синиши бутун майдонга эшитилар эди. Юзида табассум балқиган маҳкум шу ҳолда кўзини юмганча узоқ жилмайиб ётарди - айни шу сония унинг масту мустарлик палласи эди. Унга ҳеч нарса оғриқ лаззатчалик фароғат бахш эта олмасди; ёйилиб кетган лабларини, милкларидан оқиб тушаётган ёшларни, искирт, ювиқсиз ва қаровсиз юзига истара бахш этган табассумни ва унинг жангда ғолиб чиқиб, ухлаб ётган қадим паҳлавондек бахтиёр қиёфасини кўриб у айнан шу лаҳзани ҳеч қайси жаннатга алмаштирмайди уни ҳеч қайси пайғамбар, ҳеч қайси муқаддас китоб бу лаззатдан маҳрум этолмайди деб ўйлардингиз, зеро, унинг айни шу лаҳзадаги саодатманд қиёфасини ҳеч нарса билан ифодалаб ҳам бўлмасди. Шу сабабли улар атрофида ҳаминиша томошабинлар қийқириб туришар, маҳкумлар эса, бир-биридан ўтказиб ўз санъатларини намойиш этиш учун назоратчиларни ўзларига кўпроқ азоб беришга чорлашарди. Назоратчи энди унинг тиззаси устида сакрар ва юзи аралаш қамчи туширарди. Суяк қарсиллаб кетарди; маҳкум эса саодатнавиш жилмаяр, ёрилиб кетган лаб ва бурундан оқаётган қон унинг табассумига заррача бўлсин гард юқтира олмас, аксинча, маҳкум азобу оғриқдан фароғатланиб турган шу сонияда яна ҳам салобатли ва илоҳий туюларди.

- Санъат, бу санъат, - деб бақирешарди оломон маҳкумнинг юзини кўрсатиб.

- Қойил қилишаяпти, - чийилларди орқадагилар ҳам. - Бунақаси камдан--кам учрайди.

Оғриқ санъати ҳам санъатга хос барча сифатларга эга эди, ҳатто улардан мукамалроқ ҳам эди; унинг ҳар бир ҳаракати, ҳолати, овози, ижроси, манзараси шундай изчил тартибга эга эдики, бири иккинчисиз содир бўлмасди ва энг улкан рассомлар ҳам энг улуғ асари устида маҳкумлар каби завқланган, лаззатланган эмас ва улар ҳам бу манзарани чизишга ожиз қолардилар. Оғриқ ва оғриқ пайдо қилишнинг тури, усуллари шунчалик хилма-хил эдики, бу соҳада ҳар қандай санъат тури билан баҳс бойлаша оларди, бинобарин, бу санъатдан ҳам бошқа санъат турлари каби маҳкумлик мавжуд ва бунинг ҳам ўз томошабинлари бор эди. «Оғриқ лаззати - энг олий лаззат, - деб ёзишарди маҳкумлар билан қилган суҳбатларда, - бу лаззатни фақат оғриққа маҳкум бўлгач сезиш мумкин». Бу санъатнинг бошқа санъатлардан фарқи шуки, унга маҳкум этилган умр бўйи унинг шайдоси бўлиб қолар, ундан ҳеч қачон қутилиб кета олмасди. Ташлаб кетганлар салдан сўнг яна айтиб келишарди. Чунки оғриқ лаззатидан таътиган, кўчасидан бир марта ўтган киши усиз яшай олмаслигини англади. Оғриқ маҳкумлар учун саодат эди. Маҳкумлар қанчалик азоб чекишса, шунчалик завқланишар ва оғриқ лаззатига ҳар маҳал ташна туришар, оғриқ ҳумор қилиб, таналарини ўзлари ҳам юлиб--ялқаб ташлашарди. Улар оғриқ учун туғилган, оғриқ ва азобнинг олий мақомига етишган эдилар - уларни оғриқ ва азобдан бошқа ҳолатда тасаввур қилиб бўлмасди. Азоб санъат асари яратишнинг энг қулай воситаси эканлигини маҳкумлар ҳам, назоратчилар ҳам ҳис қилишар, шу сабабли назоратчилар оғриқ ва азоб беришни ўзларининг бурчлари дея ҳисоблардилар.

Газеталар ҳар куни маҳкумларнинг янги-янги муваффақиятлар тўғрисида саҳифа-саҳифа мақола, хабарлар беришар, томошабинлар эса эртага маҳкумлар билан бўладиган янги томошани орзиқиб кутганча тонг оттиришар, сал бўш вақт топилса, майдонга қараб чопишарди. Улар санъат шайдоларига, санъатдан завқ олишнинг ҳуморпарастларига айлангандилар. Санъат ва санъаткорларга бундай садоқатли ихлосмандликни бошқа жойда топиш мушкул эди. Шу сабабли назоратчилар ҳам майдондагиларни ўз мухлислари билан беҳад фаҳрланишар, майдонда одам қанча кўп бўлса, уларнинг ҳаракатлари ҳам, нағмалари ҳам шунча санъаткорона тус оларди. Оғриқ туфайли келадиган лаззатдан ўзга олийроқ фароғат йўқ эди; яра-чақа тошган таналар, исқирт ва увада кийимлар ҳам бу манзарани хиралаштиролмас, азоб-уқубат чекавериб, мурданики каби қонсиз ва ифодасиз юзлар нақ хулё офтоби ёритиб турган, фақат тахаюлгина яратиш мумкин бўлган хаёлий қиёфаларга ўхшаб кетарди. Фақат санъат асари яратаётгандагина юз шундай улуғвор ҳолатга кириши мумкин.

Биз шаҳарнинг қайси бурчагига бормайлик, мўъжизавий санъаткорликка ва уни олқишлаётган мухлислар оломонига дуч келардик. Айрим мухлислар ўзларининг санъат фидойиси эканлигини кўрсати учун назоратчилар сафига келиб қўшилар ва улуғ санъат намунаси яратишда ўз ҳиссаларини қўшишни исташарди; улар санъатга фидойиликлари туфайли ҳам маҳкумларни кўпроқ азоблаш керак, шунда улар яна улуғроқ асарлар яратадилар дейишар ва назоратчи сифатида маҳкумга ташланиб, уни бир пасда оғиз-бурнини қонга бўяр, тузни шусиз ҳам ҳалвираб қолган яралар устига сепарди. Фидойилар газетларда бу санъатнинг равнақ топиши ҳақида баҳс, мунозаралар уюштиришарди. «Инсонни ҳўрлаш мумкин эмас, - деб ёзишарди улар мунозараларда, - инсон фақат улуғланиши керак. Чунки у улуғ нарсалар яратишга қодирдир». Кейинги ойлarda оғриқ санъати билан шуулланувчи тадқиқотчилар ҳам пайдо бўлганди. Улар бу санъат инсон яратган энг улуғ санъатлардан бири эканлигини эътироф этишар, аммо бу санъат тафаккур маҳсулими ёки тана деган масала юзасидан ҳеч келиша олмасдилар. Ҳар бирининг ўзига хос далил ва

исботлари бор эди. Бу мунозарага шаҳар аҳли ҳам қўшилгач, тарафлар жанжали яна ҳам авж олди. «Бу тафаккур масули, йўқса, улар тананинг бу қадар азобига дош беролмасди. Фақат тафаккур шундай улуғ санъат ярата олади», - дея баҳслашардилар тафаккурчилар. «Йў, бу санъат фақат тананики. Унинг янгилиги ҳам шунда. Инсоннинг жисмоний имконияти чексиздир», деб уларнинг фикрини рад қиларди бошқалари. Баҳс--мунозаралар шунчалик важ олдики, оқибат сал бўлмаса, икки ўртада жанжал чиқиб кетаёзди. Шаҳар раҳбарлари аралашуви билан икки томон ярашди ва энди улар «Бу инсондаги жисмоний ва тафаккур қувватининг маҳсули», деган яқдил тўхтамга келдилар. Шундай кунларда газеталарда Тўртинчи маҳкум ҳақида шов-шув бошланди. Унинг азоб-уқубатга бениҳоя қобилиятли эканлиги, санъати ҳам ўзининг нафис ва гўзаллиги билан ажралиб туриши ҳақида ёзишарди, дарвоқе, уни нафосат оламининг сўнмас гулига қиёслашар эди. Тўртинчи маҳкум - у марказий майдондаги маҳкумлар ичида эди - қотмадан келган, узунбўй, қилтириқ ва юзида доим табассум балқиб турадиган йигит эди. У маҳкумлар ичида ўзининг дардга чидамлилиги билан ажралиб турар, бармоқлари синдирилаётганда ёки оғриқ бутун танасини қалтиратиб юборганда у худди маъшуқасига табассум қилаётгандай жилмайиб кўяр, сўнг яна ҳам назокатлироқ қилиб назоратчига миннаддорона бош ирғарди. Назоратчилар ҳам унга шундай муносабатда бўлишга интилишар, учи ўткир, махсус санчқисини гўё тош йўнаётган ҳайкалтарошдай танага иштиёқ билан санчар, сўнг ўша тошга бу гўзал санъатнинг намунаси бўлган ўзига хос нақш солиб чиқишарди. Назоратчиларнинг тўртинчига эътибор ва ҳурмати зўрлигидан ҳафсала билан азоб беришаётгани кўриниб турарди. Ваҳоланки, уларга оғриқ кўзғатиш учун хоҳлаганча қўполлик қилиш ҳуқуқи берилганди. Тўртинчи оёқларининг суюги синдирилаётганда ҳам табассум қилишни тарк этмади: гўё у бу оғриқларни назарига илмаётгандай эди; оғриқ юзини бир зум кўкартириб юборса ҳам у бир неча сонияда ўзини тутиб олар ва хумор қилиб тамаки тутатаётгандай оғриқнинг танасига сингаётганидан лаззатланиб, лабининг бир четида жилмайганча мағрур ва шарафли алфозда турарди. Унинг шу туришиёқ ўзи бир санъат асари эди; унинг юзида беҳад азоб-уқубат акс этган, қиёфаси яқинда ирғин-барот тугаган ва ҳамма нарса вайрон қилинган майдонни эслатарди. Бу юзида ҳақорат ва хўрликдан, мусибат ва аламдан асар ҳам йўқ, лабининг четидаги табассум эса, ҳаётининг қоронғу кўчаларида қолиб кетган, ўша олис дориламон кунларнинг бир синиқ парчаси, ўзини томоша қилаётган, олқишлаётган оламон олдига кийиб чиққан ниқоби эди, ана шу табассумгина уни майдондагилар ичида улуғвор ва мағрур кўрсатиб турарди.

У ўзининг озурдалиги билан менга жуда ёқиб қолганди, дарвоқе, биз майдонма-майдон югуришни бас қилиб, энди фақат тўртинчи турган майдонга борар, кечгача ўша ерда қолиб кетардик; тўртинчининг худди май тўлатилган қадаҳ каби оғриқ тўла юзини кўрганда кунлар қандай кеч бўлганини ҳам билмай қолардик. Тўртинчи ғаройиб сабр-тоқати ва назокати билан ҳаммани ҳайратга солган эди. Унинг ғолиб табассумини кўрганда азбаройи завқланганимиздан уни ғажиб ташлағудек қудрат сезардик ўзимизда. Уни ғажиганда ҳам шундай ғажиган керакки, у тилка-пора этилаётгандаги оғриқдан яна ҳам буюклашсин ва бу буюк оғриқ инсониятнинг абадул-абад турадиган санъат асарига айлансин, зеро, тўртинчи абадийлик қадар буюк асар яратишга қодирдир, дердим дўстимга. Мен айнан шу тўртинчи маҳкум туфайли дўстим билан қаттиқ тортишиб қолгандим.- У бир олифта - дерди у, - ўзи ҳозир тўкилиб тушаман деяпдию дағдағасини қаранг, нукул мадорсиз қоматини тутаман деб чиранади. Ундан кўра менга нариги майдондаги бурнига халқа ўрнатилгани кўпроқ ёқади. Халқага қўшиб бурнини қанча бурасанг ҳам жилмайиб тураверади.

Мен тўртинчини қанчалик мақтамайин дўстим ўз сўзида туриб олди. Биз гарчи ўзимизни фидойи деб ҳисобламасак ҳам талабалик давримизда кўпроқ нарсаларни кўриб қолайлик деб, майдонга ҳар куни келардик ва уларнинг маҳорати кўриб биз ҳам оломон ичида туриб

олқишлардик. Кейинги

кунларда синов бошланиб, биз майдонга боролмай қолган бўлсак-да, дўстим билан бутун синов муддати тугагунча - уч ҳафтача тўртинчи ҳақида тортишиб юрдик. Биз тўғри келган ерда - хоҳ даҳлиз, хоҳ хонада бўлсин баҳсга киришиб кетардик.

- Унинг ичкараси мустаҳкам, - дердим мен, - гап танада эмас, у ўзини мустаҳкам ушлаб туришга қудратни ўша ичкаридан олаяпти.

Дўстим уни нуқул олифта дерди. Унга тўртинчининг табассуми ёқмасди. - Ҳаммаси зўраки, - дерди у, - кулгуси масхара қилайтганга ўхшаб чиқади.

Бир фикрга келолмасак ҳам биз синов тугаши билан майдонга қараб югурдик. У ерда оломон яна ҳам гавжумлашганди. Санъат асарига шунчалик ихлосманд одамлар кўплигидан биз фахрланиб кўярдик. Дўстим санъатни севган халқ - буюк халқ деб исботлашга ҳаракат қиларди ва шу сабабли майдондаги мухлисларни кўрганда беҳад қувониб кетарди.

Шаҳар тўртинчининг янги мўъжизаларини ҳазм қилиб улгурмасди. У кейинги кунларнинг шубҳасиз, ягона қаҳрамонига айланди. Майдонга борганимизда биз яна бир янги гап эшитдик: тўртинчи ўзининг юрагини суғуриб олишга рухсат берибди. Бундай ғаройиб томоша ҳали маҳкумлар ичида содир бўлмаганди. Мен бироз енгил тортдим. Дўстим билан баҳсимиз шу билан ниҳоясига етганди. Бу гапни эшитгач, дўстим бироз ишонқирамай турдию, сўнг индамай қўя қолди. Сукути менинг ғалабамдан дарак берарди. Шу сабабли биз тўртинчининг янги-янги мўъжизаларини кўриш учун майдонга қараб йўл олардик. Тўртинчининг юраги кесиб олинадиган кун майдон томошабинларга тўлиб кетди. Улар тўртинчига ўз муҳаббатларини изҳор қилгани келгандилар. Ўртада синган оёқлари ва бармоқлари шишиб кетган тўртинчи ўша алфозда - мағрур ўтирарди. Энди унинг юзи ҳам гезара бошлаган, оғриқ силласини қуритган эди, аммо у ҳали ўзини тетик ва бардам тутиб турар, оғриқ ҳали уни буткул енголмаганди. Танадаги яраларига ёпишиб қолавергач, унинг уст-бошини ечиб ташлашган, ялонғоч пайти у яна ҳам озғин бўлиб кўринарди. Мухлислар уни тинмай олқишлашарди - улар ҳозир энг улўф санъатга воқиф бўлажакларидан ҳаяжонга тушгандилар; уларнинг кўпчилиги ўзлари билан шиорлар ёзилган лавҳалар, эндигина узилган гуллар кўтариб олишган, лавҳаларда «Биз сен билан фахрланамиз», «Сенга омад тилаймиз» деган ёзувлар кўзга ташланарди; гуллар эса бир-биридан чиройли эди - майдонда турфа рангдаги қўлбола гулзор пайдо бўлганди.

Майдонга тўртта назоратчи кириб келгач, газетчилар шақирлатиб суратга тушира бошлашди. Назоратчилар томошабинлар ҳайқириғи остида ишга киришдилар: улар макумнинг юзи майдонга яхшироқ кўриниб туриши учун юракни орқа томондан чиқариб олишга қарор қилдилар. Биттаси маҳкумнинг қўлидан ушлаб турғизди ва уни томошабинларга қаратди. Қолган иккитаси умуртқа суюкни арралай бошлашди. Маҳкум фоз қотиб ўтирар, арра суюқларини кесиб ўтаётгандагина кўзларини юмиб олар, юзи қоп-қора тер аралаш буришиб кетар, бироқ тезда кўзини очар ва ўша синиқ табассум билан оломонга қараб жилмайиб кўярди. У худди шу лаҳзада оғриқдан беҳад лаззатланаётганлиги кўриниб турарди - кўзлари хушнудликдан йилтиллаб кетганди. Оғриқ уни ниҳоят лаззатнинг олий мақомига олиб чиққанди - назоратчилар юракка туташ томирларни қайчилашар экан, маҳкумнинг юзидаги табассум яна ҳам улўфворлашди - шу сониядаги лаззатни у қачондан бери кутган, муштоқ бўлган эди. У фароғатнинг олий чўққисидан туриб ўзини томоша қилаётганларни беписанд кузатиб турар, ўзи эса ҳамон лаззат диёрида парвоз қиларди. Бошқа маҳкумлар ҳам оҳ-воҳ қилишни бас қилиб, унга ҳасад билан боқиб туришар, томошабинлар эса «Офарин», «Қойил», «Жуда боппаяпти», дея ҳайқиришар, газетчилар маҳкумнинг юзида пайдо бўлган лаззат ифодасини тезроқ суратга олиш учун бир-бирига бир нималар деб бақирарди. Орқада

турган назоратчилардан биттаси булкиллаб турган юракни қўлига олиб, майдондагиларга кўрсатганда оломон гувурлаб юборди. Энг сўнгги нафасгача маҳкумнинг юзидаги табассум йўқолмади, у қалтираётган, юраксиз танасини тик тутганча ҳамон табассум қилиб турарди, тўғрироғи, унинг жонсиз юзида табассум қотиб қолган эди - у фароғат қучоғида ҳамон парвоз қилар, ўз санъатининг ақл бовар қилмас улуғворлигини кўрсатиш учун учишга чоғланган бургутдек шиддатли қиёфага кирганди. Унинг табассуми секин-аста сўна бошлади. Табассум сўниши билан тана ҳам гупиллаб ерга қулади. Бир дам сукут чўкди. Сўнг бирдан мухлислар тана устига яшнаб турган гулларини ирғитдилар ва улуғ санъатга гувоҳ бўлганларидан қувончлари ичига сиғмай бир-бирини қучоқлаб кетдилар. Мен ҳам ғолиб алфозда дўстимни қучиб олдим. Тана гуллар ичида кўринмай қолди. Қўлида юрак булкиллаётган назоратчи бу улуғ санъаткор олдида аввал тиз чўкди, сўнг юракни оҳиста унинг кўкраги устига қўйди. Шундагина биз оғриқ-фароғатидан сўнг ҳам, ўзимиз турган заминга тушмаганини англадик - у нариги ёқда, лаззат юртида қолган эди - унинг жонсиз танаси ҳам санъат асарига айланган ва яшноқ гулларга кўмилиб ётарди.

ЎЛИК МАВСУМ

Биз ўқитувчимизни жуда севардик. Унга бўлган муҳаббатимиз беғараз ва пок эканлигига сира шубҳа қилмасдик. Унинг овозини эшитиш ва сўзлари чангалида яна бир бор эзғиланиш, тафаккур ва хаёлот гумбазлари қад кериб турган салтанатларини сайр этиш учун эрталаблари дафтарларимизни қўлтиқлаб, нонушта ҳам қилмасдан сабоққа югурар; адашган ва толиққан карвонни олислардан келаётган сахро узра жаранглаган бонг садолари ўзига чорлагани каби бу муҳаббат ҳам бизни тинмай чорлар, ўқитувчимиз билан бизни кўринмас, аммо мустаҳкам ришталар билан боғлаб ташлаган, биз ҳар кунни мана шу ришталарга қалбимиз ва шууримизни осганча гўё узоқ кўришмаган ошиқ-маъшуқлар янглиғ ўқитувчимиз дийдорига тўйиш, сўнг у билан икки ёки тўрт соат мобайнида тириклик ва абадиятнинг азоб-уқубат тўла улкан қўнғироғини чалиш, инсониятга хаёлдан келажак сари халоскорлик кемалари ясаб бериш учун бирин-кетин, бироқ бир пайтнинг ўзида сабоқхонага йиғилардик. Мен ҳеч қачон биронтамиз ҳам вақт масаласида адашмаслигимизни билардим ва шунингдек дарс бошлангандан сўнг бирор талабанинг сабоқхонага кечикиб кириб келганини ҳам эслай олмайман. Биз бирон ножўя қилиғимиз ёки хатти-ҳаракатимиз билан ўқитувчимиз гапига тегишдан, тўғри-роғи, уни безовта қилишдан жуда чўчир, шу сабабли сабоқ пайти ҳар бир фикрни тафаккуримиз ва хотирамиз минораларига оғир жангдан сўнг эришилган зафар яловлари каби бир-бир илиб қўйишга ҳаракат қилардик, зеро, бизнинг сабоқхона улўф ҳамда қудратли саркарданинг бир ҳамласидаёқ, тор-мор бўлган ва сукунатга чўмган майдонни эслатарди. Ўқитувчимиз чиндан ҳам ғолиб саркардага ўхшаб сўзларди. У ҳеч нарса ҳақида ҳеч нарчасиз гапираётгандай таассурот қолдирар, аслида ҳам унинг гаплари қанақадир хаёлот ва рўёдан иборатдай эди. Озғин ва қилтириқлигидан уни ҳозир йиқилиб тушади деб ўйлардик, аммо у ҳеч қачон йиқилиб тушмас, бизни ҳайратга солувчи чаққонлиги билан бир дафъадан сўнг тўкилиб тушади деб ўйлайдиган ҳолатдан тик ва қаҳрли алфозга қайтарди: у гапирар экан, биз мана шу тушуниксиз ва узун жумлалар ортида унинг ҳаётини, фақат униқини эмас, ўзимизнинг ҳайрат ва умидга тўла ҳаётимизни ҳам суғориб турадиган қудрат қад кериб тургандай туюлар, бизга унинг гаплари, ихрашлари, маърузаларини таъсирли қилиш учун атайлаб қилинадиган сукутлари, қироатлари, ташбеҳ ва тимсолларигина эмас, хароба уйнинг вайрон ва путурдан кетган деразасига ёқиб қўйилган хира шам янглиғ пирпираб турувчи кўзлари ва ҳатто бутун вужуди ҳам қандайдир чексиз, бизнинг ақлимиз бовар қилмас қудратдан иборатдай туюларди. Балки бунчалик эмасдир, балки ундан анқиб турувчи бўғиқ ва бадбўй ҳид ҳам қудрат ва илоҳият даракчиси эмасдир, бироқ шундай сирли ва салобатли тую эдики, биз бу туюни ҳар сония ҳис қилиб турардик. Буларнинг барчаси унга бўлган муҳаббатимизни яна ҳам оширар, уни кўз олдимизда буюкликнинг энг олий ва мукаррам чўққисига олиб чиқар, шубҳасиз, у бетакрор буюклик ва карам соҳиби эди.

Биз кунлар ўтган сайин бошқа курслар, бошқа талабалар эвазига ҳам сафимиз кенгайиб бораётганини сезиб қолардик. Мабодо кимнинг дарсига кўп талаба иштирок этади, кимнинг шогирдлари кўп деган савол пайдо бўлган тақдирда ҳам бошқа ўқитувчилар ҳеч мунозарасиз ҳасад ва алам билан уни эслашларига ишончимиз комил эди, зеро, ҳеч қайси ўқитувчига бунчалик талабаларнинг оммавий садоқати ато этмаган десак ҳеч хато қилмаслигимизни билардик. Бошқа ўқитувчилар дарсга кирганда эснаб ўтирган икки--уч талабадан ўзга бирон талабани учрата олмаган ҳолда унинг маърузасини эшитиш учун қўшни, ҳатто ихтисосликлари тўғри келмайдиган талабалар ҳам йиғилиб келар, курси ёки бирон суяниб турса бўладиган жой излаб талабалар даҳлизда зир югуриб юришарди: унинг маърузаси арафасида даҳлизлар, хоналар нақ тўполон ичида қолар, талабаларни тартибга чақириш учун ўқитувчилар ўша кунлари тинимсиз навбатчилик қилишарди. Мен бу кунлар улар учун ниҳоятда машаққатли

бўлишини англардим; талабалар деярли уларни тинглашмас, эътибор бермас, бақириб-чақириб, ҳозир бошланадиган маърузани муҳокама қилишарди. Маъруза бошлангач, бирдан сукут чўқар, ҳамма сеvimли ўқитувчиларининг оғзидан чиқаётган гапларни қоғозга туширишга шошар, сўнг бўш вақтларида баъзилар бу узун маърузаларни ёдлаб ҳам юрарди.

Курсилар, столлар синиб қолавергач, раҳбарлар ўқитувчимизнинг маърузаси учун чеккадаги, фақат байрамлар ва тантаналарда очиладиган зални бўшатиб бердиларда, доимий тўс-тўполон, шовқин-сурон ва талабалар бебошликларидан қутилдилар. Бу зал ҳам кейинги пайтларда торлик қилиб қолаётган бўлса ҳам бемалол ўтириб, маърузани кўчириб олишга имкон бор эди. Ўқитувчимизнинг кундан-кун шуҳрати ошиб борар, биз сабоққа кирганда янги-янги бегона талабаларга дуч келардик. Сабоқдошларимиздан бири хазил аралаш: «Яқинда ўқитувчимиз бутун шаҳарни бошқаради», дерди. Аслида бу хазилда ҳеч бир муболаға йўқ эди. Устозни ҳар кўрганда ёки унинг маърузаларини лолуҳайрон ва ошуфта бўлиб тинглаб ўтирган лаҳзаларда нафақат шаҳар, балки қалбимиз ҳам аллақачон забт этилганини ҳис этардик. Ўқитувчимиз назаримизда, қўл етмас юксакликда турар, уни забт этиш ва майда, баъзан ҳаддан ортиқ бачкана ташвишларга ўралашиб яшаётган бизнинг икир-чикирларга, ғийбату фискалларга, жўн, ўткинчи умидларга ўралашиб яшаш мумкин эмасдай туюлар эди; у ўзи турган юксакликдан биз томонга боқмас, фақат унинг қиёфасида балқиган ҳидоят ва шамс нурлари музлаб ётган ва неча йиллардан буён офтоб тегмаган кўнглимиз кирларини илитар экан, бу шамс ҳаёт тафтини худди афсонавий Ҳотам бойликларини қашшоғу муҳтожларга бир-бир улашгандай шунчаки садақа қилиб кетар ва у олий ҳиммат, бетакрор саҳоват хожаси эди. Биз вайрон бўлган ва залолатга юз тутган дилларимизни бу офтобга тутиб илитар эканмиз, ҳар биримиз бу офтобни кутиб жон беришга тайёр ва муштоқ эдик. У ўзининг ҳиммати ва саҳовати билан несту забун қилиб бўлгач, бизни зориқтириш ва ўрташ учун яна ўша юксакликка қайтиб кетарди. Биз сезиб-сездирмай гапиришда, сўзлашда, кийинишда ўқитувчимизга тақлид қилаётганимизни англаб қолардик, ҳатто гапираётганда қаламни қўл учида ўйнатишгача ўқитувчимизники эди. Сочни узун қилиб ўстиришни қуйиб турайлик, кўзимизни ҳам ўқитувчимизники каби пирпиратишга интилардик. Мен сабоқдошларимизнинг тушларини ҳам ўқитувчимизга ажратишганига шубҳа қилмасдим, зеро мен ҳам бу ёлғиз ўзим подшоҳ бўлган мамлакатни ўқитувчимиз ихтиёрига топширганимга анча бўлганди. Биз гўё жодуланган ва афсун қилинганларга ўхшардик. Ўқитувчимизнинг бизни ўзига тортадиган даражада истараси иссиқ ҳам эмасди, аксинча, биологик хоналарда кўргазмага қуилган устихон каби қоқ суяқдан иборат, агар устида эгни боши бўлмаса унинг ўша устихонлардан фари йўқ, сочига ҳеч қачон тароқ тегмаган, патила ва аъзои-баданидан қандайдир заифгина қўланса ҳид анқир, овози қабрдан чиқаётган ва олислардан келаётган ўтмиш садоларидек қаримсиқ ва зардали эди. Биз кўпинча шундай кўримсиз ва ҳатто вампирлардек бадбашара одамга бунчалар ошуфта бўлиб қолганимизга ҳайрон қолардик. Унинг ўзини тутиши, қадди-қомати ва қуриб қолган кулдек кўзлари жоҳиллик ва кибр акс этган юзи Эрликхоннинг баджаҳл ҳайкалини эслатар, биз эса ана шу ақл ва фикр машъали билан бизни нодонлик саҳросидан тафаккур кўрғонининг юксак ва машаққатли сўқмоғига олиб кирувчи, изидан мафтун ва шайдо, жоду ва сеҳр этарак эргаштириб борувчи, ҳар кун тонг саҳарда қўёшдан ҳам олдин аввало устозга эҳтиром ва муаббат уйғотувчи, пешвомиз ва ҳалоскоримиз, ақлу идрокнинг бетакрор тимсоли ваҳили ва қаҳрли маъбуднинг сиғинди ва аржумандлари эдик; унинг шуури бизнинг шуур, унинг хаёли бизнинг хаёл, унинг дарди бизнинг дард, унинг шиддати бизнинг шиддат эди ва биз фақат мафтункорлари эмас, унинг қудрат ва қарам акс этиб турган танасининг бир қисми эдик, у биз эди, биз эса у эдик.

Бизнинг ўзаро баҳсларимиз унинг маърузаларига бир тақлид эди, холос. Бир марта биз сабоқдошларимиз билан ғоя ва инсон ҳақида баҳслашиб қолдик. Мен ғоя ўткинчи, инсон

абадий деган анчайин жўн фикримда туриб олдим. Биз баҳсимизни ўзаро ҳал қилолмагач, устозга мурожаат қилдик. У маърузаларини худди кўксингизга туйқусдан ханжар ургандек, тўсатдан биз кутмаган, сезмаган фикр билан бошлар ва изидан қуйилиб келаётган, бизнинг ақлимиз бовар қилмас ваҳми ва зарбали мантиқларини бизнинг лолу ҳайрон қолган тасаввур даштимизга улоқтираварди. У фикримизни эшитиб, кибрли жилмайиб қўйди ва қисқагина қилиб: «ғоя ўлмайдди», деди. Мен эса ўз фикримда туриб олдим. «Г`оялар қуролга ўхшайди, ишлатиб бўлингач отиб юборилади», дедим.

- Йўқ, - деди ўқитувчимиз бироз писандали оҳангда; у ҳар биримизнинг қалбимизга ўзининг ҳайкалини ясаб улгурган қиёфасига заҳарханда тус берди. - Тана ўлиб кетаверади. ғоя янги авлод билан бирга янгидан туғилаверади. Уни кўмиб бўлмайдди - уни кўмишган тақдирда ҳам у қабрдан чиқиб яна дунёни бошқараверади. - У шундай деб сирли тиржайди. Менга у ўз хулосаларидан завқ олаётгандай туюлди. - Яқинда Т. Ўлди, - деди у бир зумдан сўнг фикрини давом эттириб. - Буни ҳаммаларинг биласизлар. Унинг арбоблик фаолияти деярли шармисор қилинди, уни ватан хоини деб аташгача боришди. Лекин янгилар ҳам унинг ғояси билан бошқаришга ўтишди. Г`ояни ўлдириб бўлмайдди, у янги авлод билан бирга янги мазмун кашф этиб туғилаверади.

Шундай деб у шакл ва мазмун ҳақида гапира бошлади. Тан олиш керакки, бизни унга билдирадиган эътирозимиз ниҳоятда заиф эди, шу сабабли биз одатдагидай бу мунозарада ҳам енгилганимизни тан олдик. Ўқитувчимиз ғолибона жилмайди. У ҳамиша бизнинг тушунчаларимизни тор-мор қилгач, яна бир оғир жангда зафар қозонгандай мағрур жилмайиб қўярди, гарчи жумлалари узун, танбеҳу ишоралар кўп бўлган бўлса ҳам, у фикрларни худди ўқиб бераётгандай равон ифодалар, у ростдан ҳам бир нуқтага-бизнинг устимиздаги бўшлиққа қараб гапирар, гўё у ерда қандайдир сирли китоб очиқ тургайдай эди; Устознинг барча ҳаракатлари зўракидай туюлар, қўллари қалтираб, ҳозир нимасидир фош бўлиб қолишидан хавотирланиб турар, бизнинг муҳаббатимизни қозонганига ҳам ишонмагандай, шу сабабли ҳамиша жоҳил, кибрли, ёлғиз бўлиб туюларди. Уни доим мен касалманд ва васваса бўлса керак, шу сабабли ҳам ҳеч кимга ўхшамайди, барча даҳолар каби у улуғ ва бетакрор васвасага йўлиққан дея ўйлардим, шунда мен ўқитувчимизнинг аъзои баданига ўрнашиб қолган ҳиднинг нима эканлигини ғира-шира англагандай бўлардим; бу нам тупроқ ҳиди эди. Аммо бу туйғуни ошкор қилиб, ўқитувчимизга ошиқу шайдо бўлганларнинг танбеҳига дош беролмаслигимни ўйлаб, бу ҳидни унутишга ҳаракат қилгандим. Устозимизга бўлган оммавий шайдолик, сабоқхоналарда курси топиб ўтириш муаммоси ва бешафқат вақт ҳаммасини унутишга мажбур қилди ва мен ҳам эртага устознинг маърузасини олдинги қаторларда ўтириб эшитиш учун қандоқ қилиб сабоққа эртароқ боришим кераклигини ўйлаб тонг оттирадиган бўлдим.

Ўқитувчимизнинг маърузалари тобора қизиқ тус олаётганди. Унинг шогирдлари сафи кенгаётганидан унинг ўзидан кўра биз кўпроқ қувонар, устозимизни еру кўкка ишонмасдик. Охир-оқибат устозимиз барча соҳада ғалаба қилди. Уни ёқтирмайдиган факултет бошлиғимиз ўқитувчилар ҳам талабаларни тартибга чақириш учун унга мурожаат қиладиган бўлишди. Бебош талабалар устозни кўриб, худди афсун билан сели қайтган дарёдай жимиб қолишарди. Шундай пайтлари у бу дунёга янги тартиб, янги ҳақиқат, янги мантиқ ва янги ҳидоят ёювчи, инсонларга хос барча майда ва жўн кечинма, муносабатлардан холи, тириклар ета олмас даражада фориғланган, покланган, мусибат ва азоб узра юксак кўтарилган хилқат бўлиб туюлар эди. Сабоқдошларим устозимизга бағишлаб шеър битиб юришини билардим. Менинг шеър ёзишга унча уқувим бўлмаса-да, устоз ҳақида соатлаб гаплашишга, баҳслашишга тайёр эдим. Биз ҳаммамиз устозимизга бўлган эҳтиромимиз телбалик даражасида эканлигини сезар

ва мана шу телбаликнинг ўзиёқ қалбимизни ғурур ва сурурга тўлдирарди. Унинг нутқида кишини жазави ва васвасага туширувчи, жунунини қўзғовчи нимадир бор эди; у гапирар экан, ҳеч биримиз у гапирётган нарса ҳақида ўйламас, ҳаёлимизга Малмстининг «Йиғи» мусиқаси каби олис шовқин аралаш муҳаммат жилвалар келар, у ҳаёт ҳақида гапирар экан, ўз-ўзидан биз ўлимнинг улуғлиги ва қудрати ҳақида ўйлардик; биз ҳаёл ва фикрларимизни бир жойга тўплашга қанчалик ҳаракат қилмайлик, устозимиз маърузалари бизни барибир ўша ақл-идрокдан ҳоли олисликка етаклаб чиқиб кетаверар, гё жами инсоният интилиб келган нарса мана шу маънисиз, мазмунсиз ва шаклсиз олисликда деб таъкидлаётгандай эди. Тўғрироғи, буни устоз сўйламас, унинг сўзлари бизни масту мустар қиларди. Биз хулоса ва ҳукмнинг бунчалар бешафқатлигидан, бунчалар озурдалигидан маст бўлардик, устоз бизнинг ғурур ва шаънимизга тегиб, қалбимизни уқубат селида оқизиб маст қиларди. Биз ўз муҳаббатимизни бошқаларга тез ва осонюқтира олардик. Бунинг учун устозни зўр бериб мақташ бизга ҳеч шарт эмас, биз муҳаббат ва ҳайрат ёйиш учун устознинг икки-уч фикрини келтирар ва бу фикрлардаги ададсизлик ва ҳудудсизликдан суҳбатдошимиз бир сония ичида худди уятли жойи очилиб турганига бирдан кўзи тушиб қолгандай аввал лол қолар, сўнг устозимизнинг ғойибона муҳлиси ва муҳибига айланарди. Ўшанда муаббат ҳам юқумли касаллик каби тез ва ҳавфли тарзда ёйилишининг гувоҳи бўлардик. Биз қанчадан-қанча дилларга, ақлларга бу юқумли касални юқтирмадик, қанчадан-қанча қалбларга ҳайрат ва улуғликдан лол қолиш чироғини ёқмадик: гўё биз шаҳар ва одамлар оралаб юқумли касал ташувчиларига ўхшар, қаерга борсак, ўша йерни ўзимизнинг танзимизни ва шууримизни қақшатиб ётган касаллик билан заҳарлаб чиқардик. Бир марта сабоқдошларимизнинг бирининг олис қишлоқдан келган отаси устозга бўлган эҳтиромимизни кўриб, ҳўнграб йиғлаб юборгани - устоз бизнинг шаън-шавкатимиз ва халоскоримиз эди; худди баҳор офтоби янгли онгимизнинг рутубатли ва чарчоқ қирларини иситар, биз шу офтобни бошимиз ва шууримизга тож қилиб, фасллар ялқовлик ва ҳорғинлик билан алмашадиган талабалик тунларимизни шуълага тўлдирар, ўзларини устознинг энг садоқатли шогирдлари деб ҳисобловчилар йиғилиб қолганимизда фақат устоз ҳақида гаплашар ва унинг жумлаларига яширинган мантиқли чиқишни, қирқ чиммат ичидан юзини бир-бир очган гўзал янглиғ бу фикрга шайдо бўлиб, соатлаб муҳокама этишни яхши кўрардик. Биз шогирдлар турли ёшдаги ва тақдиримиз бир-биримизникига сира ўхшамайдиган турли қарашга мансуб йигитлар эдик, аммо ҳаммамизни устозга бўлган эҳтиром бирлаштириб турар ва ҳафтанинг маълум кунда йиғилиб исқирт қаҳвахона бурчагида фақат талабаларгагина хос бўлган қизғин ва ҳаёсиз суҳбатлар қулар, ҳар биримиз ўзимизча устоз ўғитларини шарҳлар ва шаҳар тун чопонини кийиб, секин мудрай бошлаганда эртага тонгда устозни яна бир бор кўриш бахти мавжудлигидан масрур бўлиб, бир фикрга келолмай тарқалишардик. Қанчалик бақириб-чақирмайлик ва бир-биримизга фикримизни уқтиришга аракат қилмайлик, барибир ҳар ким ўз фикрида қоларди. Биз кейинги ойлар ичида қаҳвахонадаги сараланган улфатлар суҳбати фақат устоз ҳақида бошланиб, у билан тугар, баъзида сараланган шогирдлар суҳбатига шу атрофда яшайдиган ва пиво олишга алам ҳақи етмаганидан бизнинг эрмагимизга айланган тузиккина ном чиқарган шоир ҳам келиб қўшилар ва биз олиб берган пиво ҳаққи у ҳам устозимизни улуғлай бошларди. У умрида кўрмаган бўлса-да, бир кун бизга устоз ҳақидаги шеърини ўқиб берди. Шеър чинаккам самимият билан ёзилган, устозни сал бўлмаса миллат тарбиячисига айлантириб қўйганди: шеърдаги устозимизга эҳтиром бизга азбаройи хуш ёққанидан шоир пайдо бўлиш билан олдига пиво қўяр ва ўша шеърни ўқиб беришни талаб қилардик. Бутун ҳаётдан ва ёзган шеърдан тополмаган маънини шоир ана шу исқирт қаҳвахонага келиб турувчи алмойи-алжойи талабалар ичидан топгандай, шеърни бор овозда ўқир, баъзан биз ҳам унга жўр бўлиб қуярдик.

Шоир шеърни ўқиб бўлгач, ютоқлаб пиво симира ва яқин кунларда устоз ҳақида дoston ёзажagini билдирар ва яна пиво симириб, кечгача бизнинг даврамизни ўзи каби тушкун ва афтода ҳол шеърлари билан тўлдириб ўтирарди.

Ендигина бошланган ёз тафтидан қочиб қаҳвахонага бекиниб олган кунларимизнинг бирида бизда ўқишлар тугаб, таътил бошлангач (таътил яқин эди) устознинг ўзини шу даврага олиб келиб, у билан яқинроқ танишиб олсак--чи, деган фикр пайдо бўлди. Устозни таклиф қилиш бизнинг баҳсларга яқун ясади. Шу сабабли бунга ҳамма рози бўлди. Шоир ҳам бу фикрни қўллаб--қувватлади: у шу баҳонада зарур нарсаларни йиғиб олмоқчи ҳамда «ул улуг устоз» билан яқиндан танишмоқчи эди. Текин пиво сабабми ёки бизнинг суҳбатлардаги устозга бўлган эҳтиромми у ҳам ўқитувчимизни устоз деб атай бошлаган эди.

Таътил бошлангач, талабаларга хос эпчиллик билан тайёргарлик бошланди; қаҳвахонанинг бурчагидаги курси биттага кўпайтирилди, қаҳвахонадагиларнинг розилиги олинди. Барча зарур нарсалар ҳозирлаб кўйилди; биз устозни ҳурматига яраша бироз ҳашам билан кўтиб олмоқчи эдик. Устозни топиб келиш менга топширилди: биз устознинг уйини билмаслигимизни ва бу билан ҳеч ачон қизиқмаганимизни шунда сезиб қолдик. Таътил бўлгани учун устозни уйдан бошқа жойдан топиб бўлмасди. Биз факултет бошлиғи, ўқитувчилардан бир-бир устознинг яшаш жойини сўраб чиқдик. Улар бу билан ҳеч қачон қизиқишмаганини ва устоз улар билан ҳеч қачон ҳамсуҳбат бўлмаганини айтишди; биз бу ҳолни ўзимизча «у ёлғиз ва мағрур яшайди» деб изоҳладик. Ниҳоят, девонхонадаги титилиб кетган ҳужжатлар ичидан устоз яшайдиган кўча ва уйнинг манзилени топдик; ҳужжат ҳали шаҳар янгидан қурилмасдан олдин тўлдирилган ва бирон марта қайта янгиланмаган эди. У шаҳарнинг шарий қисмида эски кўчалардан бирида яшарди. Мен кўчада деярли ҳеч кимни учратмадим. У ташландиқ каби кимсасиз ва бироз ваҳмли эди. Уйларининг томлари, деворлари қулаб ётар, кўчани анчалик рангдор қилиб беаган бўлишмасин, гўё ҳашамдор сурат четига беҳосдан ранг чапланиб кетгани каби мен бораётган хароба кўчанинг икки четини деярли вайрон қилинган уйлар қуршаб олганди. Бу кўчада кўпдан буён бирор жинойт яшамагани шундоқ кўриниб турарди. Устознинг уй рақамини излаб кўчанинг охирига бориб қолдим. Уйлар тугаган жойдан бироз ваҳмли, эски, ҳар қандай ташриф бўлса қабул қила оладиган улкан қабристон бошланар ва у кўз илғамас масофага чўзилиб кетган эди. Мен яна қайтадан кўчани бошидан охир ахтариб чиқдим. Ва ҳар сафар кўча мени қабристонга бошлаб чиқарди. Мен яна бир марта кўчани текшириб чиқмоқчи бўлдим, бироқ шунда қабристон тепасидаги рақамга бирдан кўзим тушиб қолди ва ичимни бир қўрқинчли туйғу куйдириб ўтди; Қабристон тепасидаги рақам устоз уйи кўрсатилган рақам эди. Аввалига мен ҳеч нарсани тушунмадим; сўнг устознинг устихондан иборат қадди, баданидан анқиб турувчи заҳ қиёфасида акс этиб турадиган ҳасад аралаш кибр ва фақат марумларга хос совуқ кўзларини эслагач, нимадир бутун шууримни ёриштириб юборди ва англаган нарсамни ўзим салдан сўнг кўтаролмай қолишим мумкинлигини сезгач, худди зулмат оралаб югураётгандай қулаган деворлар, хароба уйлар оралаб жон ҳолатда изимга угурдим.

* * *

Ертасига эрталаб олдимга сабоқдошларим келди. Менинг кечадан буён ўрнимдан турмаганимни, алаҳсираб чиққанимни хонадошимдан эшитилган чоғи, менинг қизарган кўзларимни, бир кечада ажин босган юзимга қарашиб, қаттиқ шамоллаган деб ўйлашди, афтидан, меҳрибонлик қила бошлашди. Мен эса кечадан буён юрагимни эзфилаб ётган қурқув ва саволларни ортиқ ушлаб туролмадим ва гапирар эканман, товушим худди ўқитувчимизнинг товушига ўхшаб кетганини сезиб чўчиб тушдим;

Бизга ўлик устозлик қилибди. Биз ўликка муҳаббат қўйибмиз...

ҚАЙТИШ

...Сен уйғонганинда қуёш аллақачон ҳовли адоғидаги тутнинг шохлари орасидан мўралаб турар, фарахбахш, осуда ёз тонгининг мусаффо ҳавоси дарахтлар соясини ҳали ҳам тарк этмаган; сен кеча қандай етган бўлсанг сўрида ўша ҳолатда юз тубан тушиб ухлаб қолган эдинг; сенинг бутун вужудинг кечаги ичкиликнинг асоратидан қақшаб оғрирди, кўнглинг айниб, томоғинг қуруқшиб қолганди - сен кеча уйга қай ҳолатда келганингни ҳам яхши эслолмадинг, улфатларинг сени машинага ўтирғизиб юборишганди. Эсингда, фақат машинанинг тез юрганидан гувиллаган товуши ҳамда сенга номаълум бўлган қандайдир лойсувоқ уйлар ва жинкўчаларгина сақланиб қолганди. Бошқасини эслолмасдинг. Тўшак боитб кетиб, елкаларинг уюшиб қолганди. Ўрнингдан туриб, хотининг уч кунча бурун ҳали отасиникига кетмасдан олиб келган бир шиша қатиқни музхона бурчагидан топиб олиб ичганингдан кейин кўнглинг айнигани бир оз босилди, ўзингни бардам сеза бошладинг. Карахтлигингни ёзиш учун ювиниб олмоқчи бўлдинг, ярим ечиниб жўмракни бураганинда ер остидан узоқ гувиллаган товуш эшитилди ва бугун ҳам сув йўқлигини билиб асабийлашиб тупурдинг. Аксига олиб пақирлар ҳам бўм-бўш эди.

Сўрининг бир четига ўтириб, қуёш нурларига чўмилиб ётган осмонга қарадинг, осмон гўзал ва сенинг хаёлларинг каби бепоён, хаёл каби жозибали эди; тут шохлари орасидан осмон парча-парчаларга бўлиниб кўринарди; тут шохида иккита чумчуқ ўйнаб юрар, бир-бирига қараб ҳадеб чирқиллашарди. Шунда бирдан сенга қўшни ҳовлиларни ҳам, машиналар тинимсиз ўтиб турадиган кўчани ҳам қандайдир ғалати осойишталик қоплагандай туюлди. Сен бирдан хушёр тортиб, атрофга яхшилаб қулоқ солдинг, йўқ, ростдан ҳам атрофга ғайритабиий осойишталик чўккан эди. Бундай бўлиши сира кутилмаган ҳол эди, чунки бугун дам олиш куни, қолаверса, шундоқ эшикнинг тагидан ўтган кўча шаҳарнинг энг гавжум кўчаларидан бири эди. Сен сўрининг четига суяниб, оралиқ девордан бошчиқариб қўшнингнинг кенг ҳовлисига қарадинг, қўшнингнинг кенг ҳовлисида ҳеч ким йўқ, лекин ойнаванд айвоннинг эшиги ланг очиқ турарди - ҳовли ўртасидаги торда чойшаблар ва кир-чир осилган, сўрига худди меҳмон кутишаётгандек атлас кўрпачаларда жой солиб, дастурхон тузаб қўйилган эди, бироқ на кўшнингнинг ўзи, на ҳовлини ҳар доим бошига кўтариб ўйнашадиган болаларнинг биронтаси кўринмасди.

- Хей, Рашид оға, - сен иложи борича қўшнингга ёқадиган оҳангда исмига «оға» сўзини қўшиб чақирдинг. Тамоғинг қуруқшиб қолганидан товушинг бўғилиб чиқди - ҳовли этагидаги ўзини офтобга тоблаб ётган ит бошини кўтариб, сенга бир назар ташладида, ҳеч қандай ҳавф сезмагач, яна ўша ҳолатда чўзилиб олди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди - балки ичкарида кино-пино кўраётгандир, деб ўйладинг ҳовлингга қайтиб тушаркансан.

Сен бошқа иложи йўқлигидан пақирни олиб, кўча бошидаги водапроводга қараб жўнадинг, у ерда ҳамиша сува бўларди, - сувни вақти-вақти билан иқтисод қилишни ўйловчилар негадир бу нуқтани унитиб қўйишганди. Сен кўчага чиқиб бироз енгил тортдинг - ҳар қалай, кўчада машиналар ўтиб турарди, фақат улардан чиқаётган товуш одатдагидан пастроқдек эди, - балким қулоғинг шанфиллаётгани учун товушлар зўрға эшитилаётгандир. Водопроводгача икки юз қадамча келарди - ҳовлига қараганда кўча иссиқ ва ҳаво бирдан дим бўла бошлаганди; йўлдан ҳовур кўтарилиб, гуп этиб думоққа урар, йўлка четидаги ариқчадан балчиқ хиди анқирди - ёз қуёши эса тобора жазава билан шундоқ шаҳар устида иссиқлик ноғорасини қоқиб турарди; балким шунинг учундир, кўчада йўловчилар кам эди.

Дам олиш кунлари аксарият йўл ва йўлак гавжум, сершовқин бўларди. Бироқ бу нарсалар сенинг диққатингни унчалик тортмади, бошинг оғриб турганидан сен тезроқ ювиниб олишни ўйлардинг.

Сен ўзингга қараб келаётган икки йўловчи билан водапровод олдида учрашдинг; улар нимадир тўғрисида баҳслашиб келишар, сенга деярли эътибор беришмасди ва сен ҳам уларни одатдаги

йўловчилар деб ўйлаганинг учун ақилли кўз қирингни ҳам ташламадинг, водапроводнинг тўғрисиغا келиб, улар сени кўриб қолишди-ю, таққа тўхтаб, бир зум безрайиб қараб туриди. Сен олдиниға уларга қарамадинг иккаласи ўзингга тикилиб турганини сезгач, шунчаки нигоҳ ташладинг, нигоҳ ташладинггу юрагинг шув этиб кетди - сенга қараб турган икки йўловчининг ҳам ҳозир тўкилиб тушадигандек кўзлари бежо ва ўта қилтириқ эдилар - агар юриб келаётганини кўрмаганингда эди, болалар устихонга ҳазиллашиб шим-кўйлак кийгизиб, кўчага чиқариб қўйган деб ўйлашинг мумкин эди, - иккаласининг юзида ҳам ҳеч қандай ифода йўқ, бу юзлар ёзуви ўчиб кетган қоғозга ёки совуқ урган анорга ўхшар, кўзлари бироз чўчиб лекин ҳадиксираб боқиб турарди; улар бир зум каловланиб тургач, сенинг олдингдан тисарилиброқ ўтиб кетишди; - уларнинг иккаласи ҳам бир хил жигарранг кўкрагига қандайдир рақам босилган йўл-йўл пижамалар кийиб олишганди олдингдан ўтиб кетишаркан, ҳовлида улардан айниган гўштнинг ҳидидай зах аралаш қўланса мурда хиди келди-сен йўловчиларнинг изидан қарамоқчи эдинг, бироқ негадир юрагинг дов бермади, сени қандайдир қурқув ҳисси қоплаб олган ва бу қўрқув тонг шафағидай юрагингнинг бир четида секин тўгилиб келарди жўмракни очиб, юзингни сувга босаркансан, оёқларинг орасиджан бирров орқага кўз ташлашга улгурдинг икки йўловчи ҳам орқаларига қараб-қараб тез-тез кетиб боришар ва бир-бирига нимадир деб имо-ишора қилишарди.

Сен йўловчиларга бошқа қарамасликка аҳд қилдинг, пақир тўлгач изингга буриларкансан йўловчиларнинг муюлишдан бурилиб, чап кўчага кириб кетганини кўрдинг... «Булар ким бўлди? - ўйладинг сен ичингда, - нега бундай шубҳа билан қарашди».

Сен негадир, иккаласининг ҳам юзини эслаб қололмаганинг. Асли уларнинг эслаб қоладиган қиёфалари йўқ эди. Сен хаёлинг банд этган саволларни миянгдан бир силкиб тўкиб ташлагандай оғриётган қарахт бошингни сарак-сарак қилиб қайта-қайта силкитдинг. Юзингни ювгач қарахтлигинг бироз тарқаган, ўзингни енгил ва соғлом ҳис эта бошлаган эдинг; кўча қизиётган бўлса ҳам, дарахтзор ҳовлилардан тонг салқини уфурарди.

Сен худди бояги йўловчиларга ўхшаган учинчи йўловчи билан қоқ остонада - боя «Рашид оға» деб чақирган ҳовлидан чиқиб келаётганда дуч келдинг; бунисининг ҳам кўзлари совуқ, юзи кўнгилни суст қиладиган даражада кўказак, кийими ҳам худди олдинги йўловчиларникидай эди. У ҳам даставвал шошиб қолди, сенга бош оёқ разм солиб чиққач, дарров изига қайтиб эшикни шарақлатиб ёпиб олди. Буниси ёшроқ, лекин бу йўловчининг ҳам эслаб қоладиган қиёфаси йўқ эди, токи сен ўз ҳовлингга кириб кетмагунингча, эшик қайта очилмади.

Водопровод олдидаги йўловчиларнинг сен бошим шишиб кетганидан менга шундай туюлган бўлса керак, деб ўйлаганинг, бироқ иккинчи бор дуч келгач, сен ташвишлана бошладинг. Ҳовлингга кира солиб, эшикни тамбалаб қўйдинг, сен ўзинг уйда бўлганингда эшикни ҳеч қачон тамбаламасдинг.

Пақирни бир четга қўйиб, сўридан осилиб, яна қўшни ҳовлига секин узалиб қарадинг, ҳовлида ит ҳали ҳам ўша ерда чўзилиб ётар, саҳнда дарахт барглари орасидан сирғалиб ўтган қуёш шуълалари ўноқлар, сўрида эса уч киши гаплашиб ўтирар ва бир-бирига нелардир деб мулозамат қилишарди: сен қўрқувдан энди батамом серрайиб қолдинг; сўридаги учаласи ҳам бир хил кийинишган эди, учаласининг ҳам юзи совуқ, ифодасиз, гўё юзлари ўрнида бир парча кўкиш ялов хилпираб тургандай эди. қошсиз кўзлари бир-бирига чақчайиб тикиларди.

Оёқларинг бўшашиб, турган жойингга ўтириб олдинг. «Бақим менга шундай туюлаётгандир? - ўйладинг сен саросима аралаш. Ё ичимликнинг таъсиримикан?!» Сенинг қарахтлигинг бирдан тарқади-ортиқ бошинг ҳам оғримай қўйди. Бошинг-кўзингни яхшилаб ювиб олгач артиндингда, қазноқдан нарвон келтириб, яна қўшни ҳовлига қўрқа-писа кўз ташладинг йўқ ростдан ҳам уч киши сўрида ҳамон гаплашиб ўтирар, тўғрироғи, кўм-кўк қонсиз лабларини очиб юмишарди, - лаблари очилганда қопқора ғордай тишсиз оғизлари кўриниб кетарди. Энди ҳеч қандай шбҳага ўрин йўқ эди: ё сенга, ёки кўзларингга бир гап бўлганди. Шунда хотининг ва болаларингни отасиникига юборганингдан бери биринчи марта хайхотдай кимсасиз ҳовлида ёлғиз эканингни

англадинг ва бундан биринчи марта ваҳимага тушдинг. Хотинингни балким отасиникига юбориш керакмасмиди? Балким табиблар огоҳ этганидай сени ичимлик шу ҳолга солган ва кўз олдинга шунинг учун алламбалолар кўринаётгандир?! Карахтлиқдан асар ҳам қолмаган, кечадан буён шуурингни қоплаб турган хирагина туман ҳам тарқаб кетганди. Озқозонингни бўм-бўш бўлишига қарамасдан ҳеч нарса тортингинг келмади. Сен уйга кириб, ўзингни тўшакка ташладинг ва ўзинга йўлдош бўлиб туриш учун радионинг тугмачасини босдинг, ундан яқин ўтмишда қатлаом этилган одамларнинг оқлангани ва уларнинг ўлими тўғрисида эшиттириш борарди, бироқ сен махсус хабарни охиригача эшитгинг келмади. Радиони ўчираркансан, унинг устида турган қиррали қалпоқ кийган отангинг суратига кўзинг тушди. Сен ҳеч қачон отангни кўрмагандинг. Лекин отангни олиб кетган кечасидан буён барибир қайтади деб эшикни доим очик қўядиган онанг ҳатто сўнги паллада ҳам «У қайтади... Мен кутолмадим» деганди. Суратдан кўзингни олиб деразага қарадинг. Шу заҳоти ўрнингдан ўқдек ирғиб турдинг - назарингда деразадан кимдир сени кузатиб турганга ўхшарди, ва кузатаётган, шубҳасиз, бояги қошсиз одамлардан бири эди. Сен деразага тикилганса бир муддат қотиб қолдинг; йўқ, деразада офтобнинг қиё нурларидан ҳосил бўлган ранг-баранг жилвалар аксларди, сўнги ичкарига тирқираб тўкиларди. Сен бир ички сезги билан югуриб ҳовлига чиқдинг; назарингда кимдир эшиқдан сирғалиб чиқиб кетганга ўхшади. Бу ҳолдан қалтираб кетдинг; эшик тамбаланганча турар, лекин у худди сим-симдай очилиб ёпилганини сен аниқ кўрган эдинг. Сен мадорсизланиб қолган оёқларингни зўрға кўтариб ҳовли эшигигача бординг - темир сургуч ҳар қандай зарбага дош бероладиган келбатда содиқ қулдай сал эгилиб турарди. Эшик очилган бўлиши сира мумкин эмас эди. Ташқаридан эса визиллаб ўтаётган машиналарнинг товуши элас-елас эшитиларди.

Темир сургучни очиб ташқарига қараш-қарамасликни билолмай тараддулланиб қолдинг ва таваккал қилиб кўчага қулфнинг тирқишидан мўраладинг ва рангинг оқариб кетиб, деворга суюниб қолдинг, эшиқдан ўн беш қадамча нарида боя сен кўчада кўрган икки йўловчи турар, уларнинг кийимидан ва сумбатидан таниб қолган эдинг ва улар эгнига жигарранг костюм кийган, кийган қиррадор қалпоғига қизил боғич тикилган худди ўзларидек қошсиз, юзи сурп камарли кишига сенинг уйингни кўрсатиб нимадир дейишар ва қўлларини силкиб-силкиб қўйишарди; камарли кишининг қуроли борлиги аниқ эди - икки йўловчи ниманидир ҳавода чизиб, сенинг ҳовлига ишора қилгач, у қуроли осилган филофни ушлаб-ушлаб қўярди - энди ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмаганди; Сен кечаси ухлаганда шаҳарда нимадир содир бўлган, сен эса ғафлатда қолган эдинг. Кўз олдинда содир бўлаётган бу воқеалар юракни сиқадиган даражада ғайритабиий эди - на ўнг, на сўл тарафдаги қўшнилари хатто ҳаммиша бақариб-чақаришадиган болаларнинг ҳам товуши эшитилмасди - Нега сен илгарироқ буни сезмаганинга ҳайрон қолдинг - алоҳа, дарахтма-дарахт учиб юрган чумчуқлар ҳам эҳтиёткорлик билан чуғурлашарди.

Дафъатан нима қилиш кераклигини билолмай каловланиб турдинг; ташқаридагилар нимагадир таёйрланишар, камарли кишининг ёнида милтиқ тутган учта аскар ҳам пайдо бўлган камарли киши уларга ҳовлини кўрсатиб нимадир буюрарди.

Наҳотки улар сенинг ҳовлини кўрсатишаётган бўлса?! Ҳозир, шу дақиқадаёқ нимадир қарор қилишинг керак; балким алахсираётгандирсан - бироқ бу мумкин эмас, сен хушёр ва уйғоқ эканлигингни жуда яхши англадинг; балким махсус хизматдагилар шундай кийимга ўтгандир? Ҳар нарса бўлиши мумкин, шу дақиқада нимадир қилиши керак, қандайдир фавқулодда чора ўйлаб топишинг керак. Кейин кечикишинг мумкин. Сен уйга югуриб кирдинг, бу фикрингдан ҳатто қувониб ҳам кетдинг - нега олдинроқ шу нарса хаёлингга келмадийкин?! Сен даҳлизга кириб, бошини қорнига қўйиб ётган мушукдай мунғайиб турган телефонга ёпишдинг ва уйи ўзингдан бир кўча нарида бўлган ҳамда ёрдамга етиб келишига кўзинг етган барваста синфдошининг рақамини тердинг. Шошиб қолганингдан икки-уч марта чалкашиб кетдинг, ё охириги, ёки ўртадаги рақамни ташлаб кетиб терардинг; ниҳоят тушди, шекилли, нариги

томондан, албатта синфдошингнинг даҳлизида телефон жириглаётганини билдирувчи муддат-муддати билан бўғиқ ғўнғиллаш эшитилиб, енгил нафас олдинг. Телефон узоқ жириглади - сен суюги оғир синфдошинг, атайлаб узоқ махтал қилиб сўнг олишини ва кейин «биринчи қўнғироқдаёқ олдим» деб туриб олишини, ўзи эса кулиб юбормаслик учун тишини-тишига босиб тиржайиб туришини хаёлингга келтириб, кўнглинг хуфтон бўлиб турганига қарамай тиржайиб қўйдинг. Бу дунёни сув босса тўпиғига келмайдиган синфдошинг сенга бошқалардан кўра кўпроқ ёқар ва сенга ўзини яқин тутарди; гарчи у бироз танбал бўлсаям зарур пайтда дўсти учун ўзини томдан ташлашга тайёр эди. Балким шунинг учун айнан унга телефон қилгандирсан? Телефон узоқ ғўнғиллашдан сўнг шарақлаб кўтарилди ва дўстингникига мутлақо ўхшамаган анча кўпол ва бўғиқ овоз эшитилди. «Терговчи эшитади...» Сен қулоқларингга ишонмаётгандек аввал телефон дастасига тикилиб қўйдинг, сўнг худди овоз эгасини қулоқларинг билан кўрмоқчидек бутун вужудингни диққатга айлантириб, бу қуруқ ва дағал овозга қулоқ солдинг.

- Ким?! Бу ким?! - сўрадинг сен ғалати бир ҳисдан қалтираб кетиб.

- «Терговчи, нима гапингиз бор, гапиринг». Буйруғомуз оҳангда сим тизимчалари орқали оқиб келган товуш сенинг бутун танангни нимталаб ташлади, гўё ўша нариги учдан бир томчи захар оқиб келиб, қон томирларингга тушган-у, ҳамма нарсани алғов-дарғов қилиб юборгандай эди - юрагинг шув этиб кетди - бу ҳозиргина кўзларинг билан кўрган манзарадан кўра даҳшатлироқ эди ва сен энди туш кўрмаётганингга, уйғоқ эканлигингга мутлақо ишонган, кўрганларинг эшитганларинг бошингдан кечираётган воқеалар эканлигига энди заррача шубҳа қилмасдинг. Бироқ наҳотки кечагина қуёш ботишидан сал бурун улфатларинг билан майхўрлик учун хиёбоннинг хилват бурчагига кирмасларингдан олдин бошқача бўлган дунё бир кечада шунчалар ўзгарган бўлса?!

Сен энди хаёлингга келган яқинларинг ва танишларингнинг рақамларини терар ва ўша бир хил бўғиқ сур товушда «Терговчи эшитади», «Терговчи эшитади», «Терговчи эшитади» деган бир хил жавобни олардинг. Сен энди даҳшатга тушдинг - юз берган ҳодиса шундай эди: ё бирон руҳий касалга йўлиққан, ё дунё ростдан ҳам бир кечада бошқа, ваҳимали, сертаъқиб, ғайриоддий қиёфага кирган ва сен билган, сен кўрган дунёнинг исми ўзгарган, ёки қандайдир қиёмавт бўлгану сен қайсидир ҳикояда ўқиганингдек ўзга дунёга тушиб қолгансан... О, қандайин ўйин бу? О қандайин машъум ўйин бу? Сен бошингни чангаллаб ўтириб қолдинг. Нима бўлди унга, у ким? Ким эди? қани у билан бўлган, севган одамлар? У севган овозлар қани? У қайси гуноҳи учун бу жазога мустаҳиқ этилди?

Ҳовлида баъзи-баъзида шитир-шитир қадам товушлари эшитилаётгандай бўларди - уйда ҳам қандайдир шарпалар сени таъқиб қилаётганга ўхшарди. Энди телефонда ҳам, қўшнилардан ҳам, умид йўқ эди; Нима юз берди?! Нега дунё шунчалик ўзгарибди-ю сен беҳабар қолибсан? Нега янги дунё бу қадар алоғ-чалоғ, хатарли, қандайдир машхар дунёсида юрганга ўхшайди одам? Ёки нариги дунёга бориб қолдимиз? Ким унинг бу саволларига жавоб бера олади? Ҳеч ким! Ёлғиз умид ўзидан! Ўзинггина бу мудҳиш манзараларнинг тагига етишинг мумкин; бошқа ҳеч ким! Ҳеч ким! Сен «нима қилиш кераклигини ўйлай бошладинг, юрагинг худди сеҳрланган дарахтдай лаҳза сайин хавотир ва гумон мевалари тугар, бу мевалар бутун вужудингга ёпишиб олганди, бирдан хаёлингга келган фикрдан шууринг ярқ этиб ёришиб кетди. Кечаги хиёбонга боради, балким, дам олиш кунини бўлгани учун бугун дўстларингни кўпи ўша ердадир? Улар билан кенгашиб ўзига нима бўлганини маслаҳатлашиб олади. Бу фикр сенга бироз таскин берди, сен гўё бу ўйга қайтиб кирмайдигандек эшикларни қулфладинг; Соқолингни олиб ўтирмадинг - бу кўнгилга сиғмас, бундан ташқари сенинг юрагинг хапқиқар, вужудингга қандайдир қўрқинчли ҳайвонлар ичида ёлғиз қолгандай бир заққум ваҳима ўрмалаб кирганди. Ҳовли эшигингни олдига боргач, ҳар эҳтимолга қарши тирқишдан ташқарига яна кўз югуртирдинг: уч аскар билан қамарли киши - уларда ҳам деярли қиёфа йўқ эди - тўғри сенинг эшигингга қараб келишар, икки йўловчи қайгадир ғойиб бўлган эди. Сен бир муддат

тайсалландинг, агар эшикдан чиқсанг шартта ушлаб олишади, улар важоҳатларидан айнан шунинг учун келишаётган, агар яна бир неча дақиқа ҳовлида қолсанг қўлга туширишлари аниқ!

Балким қўшнилариингни шу тариқа ими-жимиди олиб кетишгандир? Ўйлаб ўтирмай орқа деворга қараб югурдинг, эшик уч марта қаттиқ урилганда сен девордан ошиб тушаётган эдинг. Ҳовлининг бу томони сердарахт жин кўча эди. Кўчада ҳеч ким йўқ, дарахтлар қилт этмас, бошқа жойларга қараганда бу ер салқинроқ ва хилватроқ эди. Сен дарахтлар оралаб нариги бошидаги очик майдонга қараб йўл олдинг - у ер ҳамиша гавжум бўлар, айниқса, дам олиш кунлари ёш ялангга тўлиб кетар, у ерда одамлар орасида бўлиш хавфсизроқ ва хатарсизроқ эди. Сен майдон томон югуриб борардинг. Ёнингдан зувиллаб изма-из иккита машина ўтиб кетди, лекин машиналарнинг ҳайдовчиларини кўришга улгурмадинг лип этиб ўтиб кетди - агар яхшилаб разм солганинда, унда машиналарни ҳам қошсиз одамлар бошқариб бораётганини кўрардинг, ва бундан юз чандон ваҳимага тушардинг, эҳтимол.

Сен очик майдонга чиққанинда, ростдан ҳам бу ер гавжум, одамлар бу салқин масканда шунчаки кезиб юришар, фаввора атрофидаги ўриндиқда ястаниб ўтиришар, дарахтлар тагида гуруҳ-гуруҳ бўлиб суҳбат қуришар, музқаймоқ ва ичимликлар дўкони олдида узун бўлиб навбатда туришар, майдоннинг қоқ ўртасида жанговор оркестр жарангларди; у қандайдир тантанали куй чаларди; бу куй одамнинг ҳам ғашига тегар, ҳам негандир кишини жиддий қилиб қўярди, тўғрироғи трубалар ва ноғоралар саси одам эшитиб юрмаган бу куйдаги тажовузкорона оҳангдан эсанкираб қолиши мумкин эди.

Сен дарахтлар ичидан оралаб, ичимликлар дўкони тарафга ўтмоқчи эдинг, тез юганиндан ва кечаги майхўрликнинг таъсирида жуда чанқаб кетгандинг, бахтга қарши кун ҳам тобора қизиб борарди; кўрқувдан ва шошиб юганиндан кўйлагинг баданингга чиппа ёпишиб қолганди, - лекин шу дафъа майдонда ўзингга қараб келаётган йигит билан қизни кўриб, шамдай қотиб қолдинг, сўнг шамдай эрий бошладинг; улар сенга яқин келиб қолган, бир-бирини ялаб юлқишаётганидан атрофларига деярли қарашмасди ҳам. қиз йўл-йўл эркакча кўйлак кийиб олганди у ҳаддан ташари гўзалга ўхшар, лекин қошсиз юзи кишини ваҳимага соладиган даражада оппоқ, деярли юз эмас, бош ўрнида рангсиз туғ хилпираб тургандек эди. Йигит ҳам жуда ёш, кўкрагига ялтироқ нишона қадалган, лекин арвоҳдай шарпасиз ва юзи ўта тафтсиз эди. Сен шундан сўнггига майдондагиларнинг юзига ва кийимларига тез-тез разм солиб чиқдинг - гўё бир бичимдан чиқишгандай, сувнинг тагида ётишгандек кўказак юзлар бир-бирига ўхшар, ҳаммаси қошсиз ва балиқдай чақчайган одамлар эди. Боя ҳовли ёнида кўрган икки йўловчи ҳам майдонда кезиб юришар, сен уларни жуссалари ва кийимидан таниб олгандинг, юзларига қараб, майдондагиларни бир-биридан ажратиш қийин эди.

Улар сенга орқа ўгириб турган қандайдир аёлга хушомад қилишарди, афтидан, ҳа деб қулишарди.

Ўзингни дарахтлар панасига оларкансан сени ҳаддан ташқари ваҳима қоплаб олди. Бу нима ўзи? Рўёми? Тушми? Эртақми? Ё қандайдир кўрқинчли суратми? Нима бўлди унга? Нега бу ҳолатга тушди? Ановилар ким? Бу саволларнинг ҳар бири сени оч бўридай кемирарди. Наҳотки гўё вақт ҳам, шамол ҳам, ва юрагинг ҳам тўхтаб қолгандай эди.

Наҳотки бутун шаҳарни баданидан зах ва ўлик ҳиди келаётган одамлар забт этиб олган бўлса? Наҳотки шаҳар шу арвоҳ сифат одамлар тасарруфига ўтган бўлса?

Майдон четидаги байроқ осилган мухташам бинода тенглик ва инсонпарварлик ҳамда фан тараққиёт тўғрисида қандайдир давъаткор шоирлар осилганди, гўё бу ширдаги сувларга ёмғирнинг ҳам ғаш келгандай қизил алвонни оққа бўяб ташлаганди.

Майдондаги одамларнинг кийими ҳам алланечук ғалати эди - кўпининг эгнида эскириб кетган нимдош мундир осилган, аёллар эса бундан қирқ-еллик йил бурунги андозада одмигина кийинишган, лекин ҳаммасининг кўзларида саросима, таҳлика ва гумон аралаш бир кўрқув қотиб қолган, гўё бу кўрқув уларнинг бутун баданидан уфураётгандай эди.

Балким унга шундай туюлгандир? Балким ўзи ваҳимага тушгани учун майдондагилар ҳам қўрқаётгандек бўлиб кўрингандир. Бу ғаройиб ва ёлғончи дунёда ҳар нарса бўлиши мумкин. Сен дарахтзорнинг қуюқроқ жойига кириб, ўзингни бироз босиб олмоқчи, майдондагиларни яхшилаб зимдан кузатмоқчи эдинг, бироқ шундоқ орқангдан, дарахтлар ичидан мазористон қарғасининг қағиллашига ўхшаш гўнғиллаш эшитилди, сен ўзингни дарахт шохлари орасига олиб, дарров товуш келган тарафга ўгирилдинг. Сен куўмай қолгандинг, сен кириб ўтирмоқчи бўлган дарахтзор четига кенг суянчиқли ўтирғич қўйилган ва у ерда майдондагиларга қараганда бироз замонавийроқ кийинган, бири олифталарча ҳасса тутган икки киши гаплашиб ўтиришар. Сенга томон орқа ўгириб ўтирганлари учун сени кўришмаган эди, ваҳоланки, ораларинг икки қадам ҳам чиқмасди. Улар қандайдир шеърий унсурлар ҳақида гаплашаётган эди. Гоҳ-гоҳида кимларнидир ғазаб билан сўкишар, қоралашарди; Сен иккала суҳбатдошнинг аччиқланганини қулоқлари дилдираб кетганидан билиб қолардинг.

Бу иккала ғалати одамнинг гап сўзидан сўнг сен ниманидир ғира-шира англаётганга ўхшардинг. Англаган нарсаларингдан шунчалар қўрқиб кетдингки, бўғзингдан нимадир ўтиб кетди-да, бутун ичингни уйдириб ўтиб, оёғингдан чиқиб кетди.

Наҳотки, бутун шаҳарни ўликлар босиб олган бўлса?! Бу юзсизлар гуруҳи нега бунча шовқин-сурон қилишаётгани, телефон, қўшни ҳовлидаги шарпаларнинг сабаби буёқда эканда? Сен ниманидир англаганла ўхшардинг ва энди майдондагиларнинг кийимидан, юзидан, баданларидан уфураётган ҳиддан ҳеч бир ажабланмасдинг ҳам.

Бу ердан тезроқ кетиш керак, ҳозир сени шу қизиқтирарди, холос. Бу ерда - ўлик маҳбуслар салтанатида қолиб бўлмаслигини яхши англардинг; шаҳарда қолиш лаҳза сайин хатарлашиб борарди. Кетиш, хотинингни ва болаларингни бу ҳавфдан огоҳ қилишинг керак эди. Токи улар бу даҳшатни кўрмасин.

Майдонда оркестрнинг жанговор куйи жаранглар, қандайдир ҳарбий қисм тантана билан ўтиб борар, улар саф тортиб юришларига қараб, одамнинг эти жимирлашиб кетарди. Гўё улар бирон ҳарбий мақсадда эмас, айнан, одамларни ваҳимага солиш учун саф тортиб ўтишаётгандек эди, атрофда, гулзорларда, соя салқин жойларда юзида қони йўқ, кўзлари ўт бўлиб чақнаган, бўйинлари дарроз одамлар бутун майдон бўйлаб кезиб юришарди. Уларнинг кўзларида умрлари каби шубҳа ва нафрат ёниб турар, ҳеч нарсадан ажабланмай қўйган қорачиқларида бошқа бир ифодани қиш қийин эди. Уларнинг ўзларини тутишлари ава хатти-ҳаракатлари осмонда бирон ўлакка излаб айланиб юрган оч қузғунга ўхшар, фақат буларнинг қанотлари йўқ эди. Баъзан бу кўзларда ҳаётнинг чигал калавалари сочилиб ётганини, гўё одам на тупроқдан, на сувдан эмас, фақат ғазаб ва нафратдан яралгандай, уларнинг бутун вужудида аламзадалик аралаш худбинлик ва жоҳиллик фуриб турганини, синчиклаб қараган одам қорачиқларининг тўрида шамлари учиб ётган абадият меҳробини кўриш мумкин эди ва булар ҳаммаси уларга нисбатан кишида ҳайрихоҳликни эмас, қандайдир қўрқув ва ваҳимани уйғотар, уларнинг кўзларидаги ана шу осойишталик ва махталликка ўхшаш кўникма уларни қандай қилиб бу ақл ва тафаккурнинг харобаси каби на бирон режа, на бирон мақсад билан эмас, балки пала-партиш қуриб ташланган, бинолари қадим даврлардаги - дарвоқе унчалик ҳам қадим ҳам эмас - авахталардан андоза олиб қурилган шаҳарга нега тўсатдан билдирмасдан бостириб келишганини ва ҳеч бир қаршиликсиз бутун шаҳарни эгаллашганини фош қилиб турар, ана шу фош қилишнинг ўзиёқ ваҳимали ва даҳшат эди - ахир уларнинг заҳил, чандиқли юзлари одамни бир зум эсанкиратиб қўяр, ва эътиқод, садоқат, эзгулик деган, одам бир умр сиғиниб келган ўтишга арзийдиган туйғулар аслида пуч нарсадан иборат эканликларини улар ўзларининг қисматларида ва майдонда, шаҳар кўчаларида бесару-пой изғиб юришлари билан исботлаб тургандай бўлишарди; буларнинг барини сен дарахт тагига чўккан кўйи майдондагиларни кузатиб туриб ўйлаган эдинг ва яқингинада сен ўзинг ишлайдиган рўзномада бу ўлик маҳбуслар ҳақида шундай фикрларни ёзган ва мақоланг шов-шувларга сабаб бўлганди. Ўша куни уларга қараб туриб яна неларни ўйлагандинг? Сенинг қалбингда қандай гумон

айиқлари ўқирди, бу менга қаронғу. Менга аёни фақат ҳуки, қиёфасиз, ва ўликнусха одамлар шаҳарни ўзлариники қилиб олганларига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. қачон?! қай маҳалда?! Фақат мана шу нарса жумбоқ. Наҳотки, бир кечада шунчалик ўзгарса?? Ёки сен гемеолитлардай ойлаб ухлаб қолдингмикан?! Бўлиши мумкин. Унда хотини бир ҳафтадан сўнг қайтиб келаман деганди, нега улар йўқ? Ёхут бу ўлик шотирлар қўшнилари каби болалари ва хотинини олиб кетишдимикан? қайга? Нега?

Сен яна саволлар тиғи паррони остида қолгандинг, нима қилиб бўлса ҳам бу ердан кетиш кераклиги дамо-дам бутун ҳаёлингни банд этиб оларди. Бироқ қаерга?! Балким булар бутун дунёни эгаллашгандир?

Сенинг кўзинг тиниб, бошинг айлана бошлаганди, сен ҳатто ўрнингдан ирғиб турганингни, дарахт шоҳи чап юзингни тилиб ўтганини ҳам билмай қолдинг, эхтиёткорликни ҳам унутиб қўйгандинг. Ҳаёлинг паришонлигидан юрагинг ғазаб ўчоғига айланганди. Кўнглингни қоплаган машъум фикрлар, васвасалар оғушида йўлакни телба каби кесиб ўтаётганингни анча кеч - ёнингдан ўнгингдан сўнгингдан қонсиз, совуқ юзлар қаҳр билан еб қўйгудай тикилаётганини алоха сезгач англадинг, юзлари рангсиз, туғ каби хилпираган одамлар ўзларини четга олишар, изингдан балони кўргандай тикилиб қолишар, қий-чув кўтариб, кимларнидир ёрдамга чақиришарди; Хушинг ўзига келганида майдоннинг ўртасига бориб қолгандинг - энди орқага қайтиб бўлмасди; орқада сенга чақчайган кўзларини тикиб турган бир тўп оломон турарди, олдинда ҳам бир гуруҳ қиёфасиз одамлар сенга серрайиб қараб туришарди, фақат ўнг тарафдаги анҳорга қурилган ёлғизоёқ кўприккина бўш эди; Сен буларнинг ҳаммасини жуда тезликда ҳисоб-китоб қилиб чиқдинг, ўзингга қараб турганларни ҳуркитганча, олдинга қараб интилмоқда эдинг, бурақам - одамлар қурозсиз бўлсалар ўзингдан чўчишини билиб қолган эдинг: Бироқ шу пайт бутун майдонни ларзага солган буйруқ янгради.

- Ушланглар! Тириклай ушланглар.

Сен товуш келган томонга қарадинггу олд тарафдан ўзингга қараб югуриб келаётган учта аскарни ва боя уйинг олдида кўрган камарли кишини кўрдинг. Орқада ҳам сени қуролли кишилар қуршаб олганди - фақат битта йўл, кўприк очиқ эди; Сен кўприкдан ўтсанг бўлди, нарёғи қаровсиз, сердарахт хиёбонга чиқиб олишингни билардинг, балки қутулиб ҳам кетарсан? Сен кўприкка қараб югурдинг. Оёқларинг шу даражада чаққон бўлиб қолдики, ўзингда қўрқув аралаш эллик газча келадиган анҳордан ҳам сакраб ўта оладиган куч сездинг. Кўприк зиналаридан икки сакраб чиқиб олдинг ва ички сезги билан овчилар орасига тушиб қолган оҳу каби бирдан ўзингни майдондаги оломон қувлаб жўнаганини билдинг, орқангдан минглаб отлар қувлаб келаётгандек қулоқни қоматга келтирадиган дупур-дупур ва аёлу-еркакларнинг чинқириқлари эшитила бошлади - агар изингдагилар таъқибни шу тариқа давом эттирса тезда кўприкка келиб тикилиб қолишлари ва бир-бирини босиб янчиб ташлашларини билардинг, бу сенга жуда қўл келарди - токи таъқибчилар ўзларини ўнглаб олгунларича ташландиқ хиёбонга бориб қолишинг, ундан сойлик бўйлаб яшириниб шаҳардан чиқиб кетишинг мумкин эди - бироқ бирдан орқангдаги шовқин бир зум тингандек бўлди ва нақ оёғинг остида нимадир портлагандай гүмбурлади, визиллаб келиб чап сонингга нимадир жозиллаб ёпишди ва суюгинг бўлак-бўлак бўлиб шарақлаб тўкилиб тушгандай кўз олдинг тиниб кетди, сен сўнгни пиллапояга қоқилиб ағнаб тушдинг, ағнаркансан изингдан қувлаб келаётган жоҳил, ғазабнок оломонни ва қўлида қурол ушлаган, ҳозиргина сенга ўқ узган одамни кўришга улгурдинг, у одам қиррадор қалпоқ кийган ва сенинг уйингда турган отангнинг суратидаги қиёфага жуда ўхшарди, эҳтимол ўшадир, эҳтимол қайтгандир?» деб ўйладинг, аммо бошқасини англай олмадинг ва чакканг зарб билан кўприк панжарасига урилди; Сўнг ҳаммаси тиниб қаергадир ғойиб бўлгандек туюлди, тошиб кўпириб чиққан сув сеҳрли куч таъсирида яна ўз ўрасига қайтиб сингиб кетгани каби, сен билган осмон, ер, дарахтлар, ранглар ва бутун дунё бир-бирига аралашиб кетиб, кичик бир қизғиш, ушлаб бўлмайдиган хира нуқтага айланди - сен ҳушингдан кетаркансан устингга етиб келган қошсиз ва юзсиз чақчайган одамларни, уларнинг

жаҳлдан ўзларини йўқотиб қўйгандек шовқин сурон қилишаётганини, сени кўрсатиб нелардир деб кулишаётганини, камарли кишининг бақирганини, оломонни бир четга ҳайдаётганини, замбилга солиб қайгадир кўтариб боришаётганини, атрофингда арвоҳ сифат оломон тантанавор ва зафарли қийқиришаётганини, кимнидир тинмай олқишлаётганини, ва майдонда оркестр ҳамон тажовузкор ва жанговор куй чалаётганини оломоннинг шовқин-сурони ва қийқириғи тобора кучайиб бораётганини, гўё қачонлардир қўргану, энди эсингдан чиқиб кетган ва хотирлаш мушкул бўлган манзарадай элас-елас илғаб қолдинг.

Сўнг ҳаёлингнинг бир четида серфайз ёз оқшомидаги тўлин ой пайдо бўлди ва бир неча дақиқа шуурингни ёритиб юборди, сен бу ой қурмагур бунчалар чиройли, оромбахш нур таратмаса деб ўйладинг, сўнгги дақиқаларда эса кўксингга жавонда турган костюмимни ақалли бир марта ҳам кийишга улгурмадима, деган бир жосусона афсус оралаб ўтди ва сен бошқа бу нарсалар ҳақида ўйламаслик учун осмон акс этиб турган кўзларингни юмиб олдинг.

Оломон шодон қийқирганча сени қайгадир кўтариб боришарди, қаердадир радио карнайдан фаннинг сўнгги ютуқлари ва байрам олди чақириқлари ўқиларди, майдонда эса оркестр сафга чорлаб ҳамон тантанавор куй чаларди...

ТОБУТ

Номаълум сабабларга кўра ўлим кўпайган чекка музофотдаги олис шаҳарга кетаётган текширув гуруҳига нега айнан мени кўшиб қўйишди, меъморчиликнинг ўлатга қандай алоқаси бор (бизга ҳали сира аниқланмаган ўлат деб тушунтиришди) тўғриси, ҳозиргача ақлим етмайди.

Ваҳоланки, меъморчиликда ҳам шунчаки ҳаваскор даражасида эдим, бу соҳада ишлай бошлаганимга уч йилдан ошган бўлса-да, ҳали биронта лойиҳамни қабул қилишмаганди, кун узоғи ишимизга ҳеч бир боғлиқ бўлмаган чизмалар билан машғул бўлардик, биз чизаётган лойиҳаларнинг ҳеч кимга керакги йўқлигини ўзимиз ҳам билар, бироқ бошлиқлар тегирмонида айланиб, тушиб келадиган ва тез муддат ичида бажаришимиз зарурлиги таъкидланган, бир чеккада пора-пора қилинган яловдай илова турган қоғозларни изма-из қабул қилаверар, талабалик йилларимнинг орзуси бўлган шаҳарга кўрк ва улуғворлик бағишлайдиган жимжимадор ва серҳашам бинонинг лойиҳасини мен фақат ҳаёлдагина чизиб юрардим.

Аввалига гуруҳга тасодифан қўшишарди, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор, деб ўйладим, ижроқўмда ўлим сабаблари ҳар томонлама ўрганишга муҳтож, хусусан, биноларнинг жуғрофий жойлашишидан, об-ҳавога чидамлилигигача яхшилаб текшириб кўриш зарурлигини айтишганда ҳам мен бу ерда бизнинг соҳага боғлиқ бирон нарсани кўрмагандим. «Тажрибали меъморлардан жўнатинг» деган таклифга, хўжакўрсинга мени жўнатишаётганини сезиб турдим. Буйруқни тутқазилгандан сўнг ноилож жўнашга мажбур бўлдим.

- Шаҳар қурилганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Унинг ўрнида олдин ёввойи саҳро бор эди, биз уни бўйсундирдик. Ва бошқа шаҳарлар билан рақобат қила оладиган гўзал макон кўрдик. Матбуотда ўқиган бўлсаларингиз керак, биз ҳақимизда роса ёзишди, - деди бизни кутиб олган шаҳар бошлиғи. - Одамларимиз тўқ ва фаровон яшаётганди; ҳатто сайёҳлар хориждан атайлаб биноларимизни тамоша қилиш учун келишарди. Уларни ҳам шаҳримиз лол қолдирганига шубҳам йўқ. Ҳамма бало беш ойча бурун бошланди. Одамлар ишлаб турган ёки ухлаб ётган жойларида, баъзан суҳбатлашиб туриб тўсатдан жон таслим қилишарди. Аввалига биз булар ҳаммаси шунчаки тасодифий деб ўйлагандик. Бироқ ўлим тобора кўпаявергач, ташвишга тушиб қолдик. Махсус эмлаш ўтказдик, воқеанинг тагига етиш учун барча касалхоналаримизни назорат остига олдик, бир неча марта уйларни ёппасига кўриқдан ўтказдик, аммо натижа бўлмади - ўлим тўхтамади. Аксинча, уйлар аста-секин бўшаб қолаяпти. Одамларни ваҳимага туширмаслик учун бўшаган уйларга янги одамларни кўчириб олиб келдик, барибир фойдаси бўлмади. Ўлим янги кўчиб келганларни ҳам аямаяпти. Марказдан ҳам, музофотдан ҳам маслаҳатчилар чақириб бир неча марта тиббиёт кенгашлари ўтказдик. Бироқ улар ҳам елка қисишдан нарига ўтишмади. Ҳозир ўлим деярли ҳар бир бинода ўзининг асоратини қолдирган. Ўзимизнинг врачлар ҳеч қандай хулосага келишгани йўқ, улар юқумли касалликдан дарак берадиган бирон аломат топишмади. Бутун умид ҳозирча сизлардан...

- Бундай ҳодиса Фарангларда ҳам бир пайтлар бўлган, - деди гуруҳ раҳбари қилиб жўнатилган профессор шаҳар бошлиғининг тугунтиришидан энсаси қотгандек, - ҳамма бало тиббиётимизни саводсиз ва қобилиятсиз одамлар босиб кетганида. Бошқа сабаб йўқ...

- Марказдан келганлар ҳам «Бундайини биринчи учратишимиз», деб ҳайрон бўлганча қайтиб кетишарди, - унинг гапининг охиригача эшитмай, ўз қўл остидаги ҳақимларнинг шаънини ҳимоя қилди шаҳар бошлиғи. У бизга ўхшаш текшириш гуруҳларини кўравериб, тоза пишиб кетган эди, чоғи, ўзини жуда эркин тутар ва эркин гаплашарди, шунингдек, профессорга ўхшаш димоғи баланд олимларни ҳам кўп кўрган, гапларида хуфёна осилган қилич каби «жўжани кузда санайсиз», деган писанда бор эди.

- Масалага чуқурроқ қараш зарур. Профессор индамай бошини туйнукка бурди - у ердан пастда ястаниб ётган қип-қизил саҳро кўринарди ва биз бир пайтлар қуш учиб ўтолмас саҳро устидан қушдай учиб ўтаётганимизни сезиб турардик: профессор бошлиқнинг гапларини шунчаки

ваҳима деб ўйлайтгани ва уни эътиборсизлик билан тинглаётгани кўзларидан кўриниб турарди. Одатда бутун умри илми-урфон билан ўтган одамлар амалдорлар билан бурнини жийириб гаплашишади, хусусан, чекка музофотдагилар билан. Шундан сўнг бошлиқ жим кетди. У жуда ораста кийинган эди. «Мен унинг кийим-кечаги-ю аъзо-ю баданидан нафасни бўғиб қўядиган ачимсиқ ҳид анқийтганини йўлнинг ярмини босиб ўтганимиздан сўнг сездим, фаҳмимча, бу ҳид гўё ичида кимдир ўлиб қолгандан унинг ичак-чавағидан чиқаётгандай эди: гапирганда оғзидан гуп этиб атрофга кишини лоҳас қилувчи ҳид тарқаларди. Ҳидни профессор ҳам сезган бўлса керак, бир-икки марта бошлиқнинг қонсиз юзини ва қиррадор ёқали уст-бошини жиркангандек кўздан кечирди.

Биз тушган вертолёт шаҳар чеккасига бориб қўнди: бизни ҳар эҳтимолга қарши эмлаш зарур эди. Шаҳар четига тикилган тиббиёт чодирларига бир-бир кириб чиққач, нарироқда дарвозаси кўриниб турган шаҳарга қараб йўл олдик. Шаҳарга яқинлашганда улкан маҳлуқнинг катта қанотига ўхшайдиган дарвоза бошлиқ мақтаганчалик эканини кўрдик; унинг олдида биз кичкина чумолига ўхшаб қолгандик ва шаҳар шу кўринишида ростдан ҳам учишга чоғланаётган маҳлуққа ўхшарди. Дарвоза олдида турган соқчилар бошлиқни кўриб ғоз қотишди. У ерда бизни бошлиқ назорат бошлиғи ва тиббиёт мудирини деб таништирган икки киши кутиб турарди; иккаласи ҳам бошлиққа тақлид қилиб, соқол қўйишган ва иккаласи ҳам тепакал эди.

- Хайрият етиб келдиларингиз, - деди назорат бошлиғи биз билан кўришар экан. - Бу фалокат бизни адои тамом қилди. - Шундай дея у пилдираб олдинга тушди. Мен унинг қисик кўзларида таҳлика ва ваҳм тўлиб турганини кўрдим. Балким ҳар қадамда пайдо бўлаётган ўлим уни шу ҳолатга солгандир. Тиббиёт мудирининг кўзларида кўпроқ қувлик ҳукмрон бўлса-да таг-тагида худди шундай таҳлика тўкилиб ётганини сезиш мумкин эди. Девор баланд бўлса ҳам тўзон шаҳар кўчаларигача бостириб кирган, бинолар қанчалар муҳташам бўлмасин, шаҳар файзсиз ва ҳатто андак хароба тус олгандек кўринди менга, эҳтимол, одамларнинг юзларида тўниб қолган умидсизликни кўриб, бизда шундай ҳис пайдо бўлгандир? Ҳаммасидан ҳам шаҳарга киришимиз билан димоғимизга худди бошлиқнинг нафасидан анқиган ҳидга ўхшаш уфунат урилгани бизни бироз шошириб қўйди: «чиркинлик, ҳазонрезгилик ва бадан ҳиди қоришиб кетган шаҳарда уфунат худди бу манзилга ташриф буюрганларнинг бурнини куйдириб ташлаш учун атайлаб тарқатилаётгандай эди: фақат лаҳаддагина шундай ҳид анқиши мумкин деб ўйладим мен. Эҳтимол, ўликлар кўпайгани сайин шаҳар шу туришича очик лаҳадга айлангандир?! Сабабини сўраганимда шаҳар бошлиғи елка қисди.

- Хайратомуз, - деди у, - бирон жойда ўлик қолганми деб бутун шаҳарни қадамба-қадам текшириб чиқдик, ҳеч нарса тополмадик. Энди эса кўникиб кетдик.

Ҳақиқатан ҳам шаҳарда бу ҳид бирон одамни ажаблантирмаётган эди. Балким, ўлатни худди мана шу уфунатдан излаш керақдир?!

- Э, йўқ, - деди шаҳар бошлиғи гапимни эшитиб бош чайқаркан, - ҳид шаҳар қурилгандан бери бор. Ўлим эса беш ой олдин пайдо бўлди.

Унинг гапи мени яна кўпроқ ҳайратга солди. Балким тавқи лаънатга йўлиққан одамзотга тангри дўзах қандай бишини мана шаҳар орқали бир

кўрсатиб қўймоқчи бўлгандир? Ростдан ҳам шаҳар жазира ва қум тўзони остида қолган серҳашам дўзах остонасига ўхшарди - бир вақтлар гуриллаб кўкарган дарахтлар ҳам қуёш фаввораси остида ҳаёт учун кураша-кураша сўлгандилар. Биз дарвозадан то маъмурий бинога боргунча ҳавоси сўриб олинган лаҳмни кезиб чиққандай ўпкамиз шишиб, ҳолдан тойиб қолдик.

- Шаҳарда яна икки кун турсак бўғилиб ўлишимиз аниққа ўхшайди, - деди биз билан келган химик томоғини қириб йўталар экан.

Профессор дам олмай ўликхонага кетди - унга химик ҳам эргашди. Тушдан сўнг мен назорат бошлиғи ҳамроҳлигида (шаҳар боғлиғи уни менинг адашиб кетмаслигим учун қўшиб қўйганди), гарчи ўлатни касбимга алоқаси йўқ ҳисобласам ҳам, ўлим оғушига олган, тўзиб ётган биноларни шунчаки номига кўриб қўйиш учун айланишга чиқдик:

- Сизга ҳеч бир ёрдам беролмаймиз, - деди шаҳар бошлиғи узрхоҳлик билан елкасини қисар экан. - Шаҳримизнинг бош меъмори касал бўлиб олган, ўрнига бирон тузук одам чиқмаяпти. Энди фақат кўз билан кузатишга мажбурсиз.

Мен унинг ҳижолат чекмаслигини ва шаҳар лойиҳасини кўриш учун умуман зарурат йўқлигини билдирдим.

Шундай деб эрталаб бир неча одамнинг ўлиги чиққан, бир-бирига қўииб қўйгандай ўхшаш яқин орадаги кўп қаватли иморатларга йўл олдим. Бир қарашда уйлар ғоят дид билан қурилгандек кўринар, бошқа томондан эса худди улкан-улкан қоялар оёғингиз остига тўсатдан қўпорилиб туша бошлагандек уларга қараган сайин ичингизда нимадир қулаб кетаётганини сезардингиз. Ним қоронғу зинада шаҳар кўчаларида кезиб урган уфунат яна ҳам бадбўлашган эди, балким бу ерда ҳаво ўтириб қолгани учун шундайдир, зинадан чиққунча нафасим тиқилиб димоғим ачиша бошлади. Ҳид одамни беҳол қилиб қўядиган даражада ўткир ва заққум эди.

Хонадонларда бизни индамай кутиб олишар ва ичкарига бошлашар, ҳужраларга олиб киришар, дарвозаларни, деворларни кўрсатишар, сўнг яна бирон сўз айтмай кузатиб қўйишарди.

Уйлар атайлаб ичкарини салқин сақлаш учун уфққа тескари қурилган: деразалардан тушаётган хира шуъла ҳужраларни ёритишга қурби етмай, Ўлмас Дев билан олишавериб, ҳолдан тойган Ботир мисоли бир бурчакда холсиз тўшалиб ётарди. Мен ўлим сабаблари айнан нурни хўплаб ютиб юборган мана шу заҳлик ва зулматда бўлса керак деб ўйладиму, аммо тезда бу ўйим ҳақиқатга ҳеч бир тўғри келмаслигини англадим: «Ўлим тўрт мучаси бут, бақувват, соғлом кишиларни нам комига тортаяпти», деган эди шаҳар бошлиғи. Улатинг бу уйларга ҳеч бир алоқаси йўқлигини тушунгач, ҳафсалам пир бўлиб изимга қайтдим.

Бир ҳафтага қолмай ўлим элчиси кезиб юрган барча биноларни деярли бир-бир айланиб чиқдим - ҳамма ўша ҳид, ҳамма ҳужрада ўша зулмат, ҳамма хонадонда юракни сескантирадиган сукунат ҳукмрон эди. Бу сукунат кўчаларда одамларнинг юзларида ҳам кезиб юрарди - уларнинг кўзлари-ю юзларида шунча мусибатдан сўнг ҳам қилт этган ифодани кўрмадим, араваларга ёки замбилларга солинган ўликларни олиб ўтишар экан, улар арава ёки замбилга хўмрайиб кўз ташлаб қўйишар ва индамай йўлларида давом этишарди.

Серажин юзларини босиб кетган ва ёниб бўлган ўрмонга ўхшаб қолган мўйлар аро барқиб турган солиқ қиёфалар менга минг йиллардан буён одам қадами етмаган ташландиқ иморатларни эслатган, бу қиёфалардан аёвсиз ёғаётган жаладек, ҳасрат ва мунг ёғилиб турарди: бу юзлардан атрофга бир қаҳрли совуқлик таралар, мен ҳали шу ёшимгача бундайин солиқ қиёфаларни кўрмагандим, шаҳарга келгандан бери ўзимни қоп-қора булутлар остида қолгандек ҳис этар, бу суви қуриган кўлга ёхуд сўниб бўлган шамга ўхшаб қолган кўзларга қараб туриб, уларда секин-аста сассиз, садосиз бстириб келаётган ўлимга нисбатан кўникма пайдо бўлганини ва бу кўникмани энди ҳеч нарса билан: ҳатто энг қудратли ҳисобланган сеҳру-жодулар билан ҳам қўпориб ташлаш мумкин эмаслигини англагандим; ўшанда шаҳар одамлари менга қулашини билган ҳолда жарга қараб югуриб кетаётган телбадай таассурот қолдирганди. Уларнинг юзларида ҳаёт хуршиди аллақачон сўниб бўлган; энди бу юзларни ажинлар билан бирга тушқунлик, ҳорғинлик чакалакларни қолаб олган, бутун чеҳраларни умидсизлик тумани босиб кетганди. Муз йўлакда қандай йиқилиб тушсангиз, бу сову чеҳраларда ҳам нигоҳингиз шундай қулаб тушар, хўмрайган кўзлар қопоғон ит каби сизни ҳеч қачон ўзига яинлаштирмасди.

Ўзимни кейинги кунларда рўё ҳукмрон бўлган шаҳарга келиб қолгандай ҳис этар ва ҳар бир кўрган манзарам ақл бовар қилмас нарсалар бўлиб туюла бошлаганди; эҳтимол, булар саҳрода рўё салтанатини қуришгандир?! Нима бўлганда ҳам кўрганларим - шаҳар, ўлар, хўмрайган одамлар, тепакал бошлиқлар, маҳобатли бинолар, ҳаммаси жоду бўлса-чи ва биз саробни излаб юргандай рўёни кезиб юрган бўрсак-чи, деган шубҳа куч тўплаб, қайта-қайта жангга кираётган лашкардек хаёлимга бот-бот бостириб кирар ва бутун танамни беҳол қилиб қўярди,

алоҳа, бу ерга келиб кўрган-кечирганларимнинг ҳаммаси ғайри табиий ва ғайриодатий тус олганди, зеро, кезиб чиққан биноларда касалликдан дарак берувчи ҳид ва сукунатдан бошқа ҳеч қандайзоҳирот учратмадим, ўлимнинг менинг касбимга ёки мана бу маҳобатли биноларга заррача алоқаси йўқлигига кўпроқ ишониб борар, шаҳар кўчаларида қора девнинг арвоҳдай кезиб юрган чангу тўзонни қанча кўп кўрсам, мени бу ёввойи саҳрога жўнатган оромпараст бошлиқларимга ғазабим шунчалик тошиб борарди. Ўша саҳродаёқ ғазаб ва тўзон бир-бирига нақадар ўхшашини ҳис қилгандим: аслида ғазаб ҳам вужуднинг жунбушидан ларзага келган алб тўзонидир; қанчалик ҳашаматли ва улуғвор бўлмасин, ўзининг заҳмкор сиру асрори билан забт этиб бўлмас қалъани қанчалар эслатмасин, кўчаларида фақат жаннатий манзилларгагина хос сурур ва шуқуҳ тўшалиб ётмасин, кишандан озод бўлган шердек ажал ҳайқириб юрган шаҳарга нисбатан ғазаб мени тез-тез жунбушга соларди.

Бир куни қуйи кўчаларнинг бирида (дарвоқе, шаҳардаги кўчалар қуйи ва юқори кўчаларга бўлинарди, кийимлари увода, қадди буқик, ҳашамдор ва виқорли, шаҳарни атайлаб масҳара қилаётгандай доғ-дуғга беланган узун ҳирқа кийган, юзидаги шиш ва ажинлар қишки қабристонни эслатадиган, сочи кал пешонаси узра осилиб тушган, барваста кишини учратдим; гумбаз шаклида қурилган емакхонанинг ўртасида турганча у оғзидан кўпик сачратиб одамларга қўлини бигиз қилиб ўшқирар, чўғи сўнаётган ўчоқдай тафтсиз бўлиб қолган кўзларини далани босиб кетган кузги қарғалар мисоли жазова ва жунун қоплаб олган эди.

- Ҳаммаларинг унинг чанғалидасизлар, шаҳар ҳам уники, - бақирарди у лоқайд ва паришон одамларга. - У менга айтиб турди, мен қуриб бердим.

Бирдан иштаҳам бўғилди ва назорат бошлиғидан бу барвастанинг кимлигини сўрадим.

- Шу кўчанинг жинниси, - деди назорат бошлиғи юзига ғамгин тус бериб. Сўнг мен кутмаган жиддийлик билан ҳикоя қила бошлади. - Асли сизга касбдош. Бошлиқ айтган меъмор шу киши бўладилар. Шаҳримиз унинг лойиҳаси асосида қурилган. У бош меъмор, мен эса унга ёрдамчи эдим. Ўзи жуда ғайратли, саводли ва тиниб-тинчимас одам эди. Шаҳарда бирон ғишт ҳам унинг кўрсатмасисиз қуйилмаган. У мен билган меъморларнинг энг улуғи эди. Классик ва замонавий меъморчилик соҳасида унга тенг келадиган билимдонни топиш қийин эди. У Лотин Америкаси, Сингапурдаги бинолар қурилишини ҳам тинимсиз кузатиб борар, ўша юртлардан унга қалин-қалин хатлар келиб турарди. У «дунёга энг улкан ва одамзот ҳали хаёлига келтирмаган шаҳар қурамыз», деб хитоб қилар, қачон қарамай чизмалар ичида ўралашиб ўтирарди. Ростдан ҳам ақл бовар қилмас шаҳар қурилди. Ҳозир ўлат чиққандан бери шаҳримиз файзсиз бўлиб қолди, у пайтлар эса шаҳарни нақ хаёлнинг жилвалари деб ўйлардингиз: нафис гумбазлар, сержило бўёқлар, нозик ва эҳтиросли қалбнинг парчалари каби мрамрлар, абадиятни суяр тура оладиган устунлар, қиз боланинг кўз ёшидай фавворалар - ҳаммаси гўзал бир тарзда уйғунлашиб кетганди. Буларнинг ҳаммаси ҳали қурилиб бўлмасданоқ гўзал санъат асарига айланиб улгурганди. Шаҳар қурилиб бўлиш арафасида бошимизга катта кулфат тушди: меъмор тушида алаҳсираб чиқадиган одат чиқарди. Кейин алаҳсираш ўнгига кўчди. У ҳамма нарсдан шубҳаланарди. Унга васвос касали юққан эди. Биз аввалига эътибор бермадик, буларни буюк одамларга хос паришонлик ва инжиқлик деб ўйладик. Аммо бир куни у ўз устахонасини ёқиб юборгач, унинг телба бўлиб қолганини англадик. У «бутун шаҳарга ўт қўяман», деб бақирарди. Шаҳарни ёқиб улгурмай уни телбахонага жўшатишга тўғри келди. Телбахонадан у мутлақо жинни бўлиб чиқди. Шундан бери у шаҳарни ёқиб юбораман деб ўдағайлагани ўдағайлаган. Ўзи яратган асарни ўзи ёқмоқчи бўлган санъаткорни биринчи бор учратишим. Шундан бери уни маъмурий бинога киритмаймиз. Гапи ва васвасаси демаса, ўзи беозор жинни, - назорат бошлиғининг кўзларида телбага нисбатан эҳтиром зуҳур этди.

Назоратчи «касбдошингиз» дегандан сўнг телбага тузукроқ разм солдим: деярли адойи тамом бўлган, кам ухлаганидан қовоқлари осилиб қолган, на кийинишида, на чехрасида, на гап-сўзларида аввалги касбидан дарак берувчи бирон аломат қолмаган, фақат олис-олислардан эшитилаётган мусиқа ёхуд вайрон қилинган шаҳар ўртасида харобага шуқуҳ ва шавкат

бағишлаб ҳилпираб турган ҳарир туғ каби шунча жунбуш ва хаёл тўзонидан сўнг ҳам нозиклигича қолган қўлларигина ўша хушвақт ва дориломон даврларни эслатиб турар, кўзлари ботиб бўлган қуёшнинг шафағидай қизариб кетган, чуқур лаҳмга ўхшаш қора чўғларида йиллар давомида занглаган қилич каби бир телба истехзо қотиб қолган, игоҳида олис ўтмишнинг қўланкалари бурдаланган шер каби парча-парча бўлиб ётарди: ўтмиш зулматини ёритолмаган бирпаслик аланга янглиғ бу юзни, бу вужудни ёритишга қурби етмай сассиз-садосиз бўлган эдилар. Хоҳолар экан, ўзига қараб тобора бостириб келатёган шаҳарни эмас, бунда истиқомат қилувчи барча юракларни ҳам аллақачон ишғол қилиб олган сукунат ва қурқувни шу кулгуси билан тор-мор қилиб ташлаётгандек эди ва гарчи телба бўлса-да, шаҳарда мен учратган қиёфалар ичида фақат унинг юзидагина чўғдай табассум ёниб турарди, аммо бу табассум ҳам масхараомуз тиржайишга ўхшаб кетар, ўлимларини жимгина кутиб турган ожиз ва маҳкум одамларнинг, ўлат кезиб юрган шаҳарнинг, қуриб-қовжираб, арвоҳдай сўппайиб қолган дарахтларнинг, сирли ўлим сабабини аниқлаш ва шаҳарга шифо бахш этиш учун келган ва ҳеч нарсанинг уддасидан чиқмай, ҳеч бир сирни ечолмай, шармандаю шармисор бўлиб жимгина жўнаб қолаётган биз каби олифта ва дағдағабоз текширувчиларнинг ва ўзини ўраб турган ҳамда ўзининг бир телба макрига дош беролмай лолу ҳайрон қотган бани башарнинг устидан истехзо аралаш кулиб тургандай эди. Учиб юрган ўқдек кўзлари тагидан қўрқа-писа ўқрайиб тикилишларига қараганда, телбани хўрандалар ҳаддан ташқари ёмон кўришар, чоғи, у гапирар экан, ижирғаниб қўйишарди. Бу мени ғоят ажаблантирди. Телбани одатда ҳеч ким яхши кўрмагани каби ҳеч ким ёмон ҳам кўрмайди. Сабабини назорат бошлиғи ҳам изоҳлаб беролмади:

- Тўғриси айтсам, - деди у, - бу одамлар менга сира ҳам ёқмайди. Ҳамиша нимадандир норози, ҳамиша тнғиллашгани, тўнғиллашган. Ахир шундай жаннатмакон ва гўзал шаҳар қуриб бердик, яна нима керак экан буларга, ҳеч тушунмайман. Назорат бошлиғининг мушти ғазабдан сиқилиб кетганини кўриб қолдим, ҳозир қўйиб берса қутурган айиқдай бутун шаҳарни вайрон қилиб ташлайдиган важоҳати бор эди юзида.

Телба эса нимадир эсига тушиб қолгандай, шартта изига бурилди ва деярли югуриб емакхонадан чиқиб кетди; кетиб борар экан, у менга денгизда тобора узоқлашиб бораётган ва сўнгги сафарга жўнаб кетаётган хароба кемани эслатган ва изидан узоқ қараб қолган эдим. Унинг телба нигоҳи ва жазавасли қиёфаси хотирам тароқларида узоқ вақт илашиб юрди: шундай ҳолатга тушдимки, биноларни ҳам йиғиштириб қўйиб, касбдошимизнинг қисмати билан таниша бошладим; унинг тақдири ётган хужрага кириб борган сари шаҳардаги палапартиш ҳашаматнинг сири ҳам ойдинлаша борди; назаримда, шаҳар бинолари ҳам жунун ва жазаванинг ҳосиласи эди, гўё бутун шаҳар телбавор маҳобат касб этганди. Аммо телбанинг шов-шухрат шоҳсупасига чиқиш арафасида ақлдан озиб қолгани ҳақидаги маълумотдан бошқа ҳеч қандай янги гап ололмадим; кўплар унга очиқ ҳасад қилиб «Аввалдан телбароқ эди» дейишдан нарига ўтмади; бошқа бирлари эса «Шаҳар шу даражада гўзал ва муваффақиятли қуридди-ку, у бунини кутмаганди, бирдан ақли шошиб қолди», дейишди бироқ шу нарса аён эди-ки, у кўпларнинг хотирасидан буткул ўчиб кетганди. Кейинчалик ҳам телбани ўша кўйи кўчада икки-уч марта кўрдим: у худди ўзидан қолган хотира шамларини қайтадан ёқмоқчидай ўтган одамга тиржайиб тикилар, ўша бир хил гапни такрорларди. Бошқа кунини кўрганимда гўё ўз ақлининг суратига боқиб лол тургандай биноларга тикилганча ғоз қотиб турганди. У менга қараб жаврамоқчи эди, бироқ олдидан тез юриб ўтиб кетдим - тўғриси, унинг алмай-алжайи гаплари жонимга теккан, бу сўзлар мен учун маънисини йўқотган эди. Бу гал у анча чўкиб қолгандай, шаҳар оралаб юрган ўлим унинг ноқисо ақлида ҳам ниҳоят юз кўрсатгандай, жаврашлари ҳам олдингидай ғазабнок эмас, балки мунгли ва ҳасратли оҳанг касб этгандай эди; унинг жаврашлари менга тавба-тазарру қилаётган гуноҳи азимкорнинг минғирлашидай эшитилганди. Балким у мутлақо телба эмасдир, балким телбаликнинг кўчасидан ҳам ўтмагандир, балки бу хаёл жунбушидир, эҳтимол, ундаги жунун ўзи қурган шаҳар ва биноларга

қарши ақл қўзғолонидир?! Нима бўлган тақдирда ҳам телба ваҳм, қўрқув, тўзон ва ўлат ҳукмрон шаҳарнинг уйқус иқрорига ўхшарди.

Мен худди онасига ўчакишиб, ерга ўтирганча биғиллаётган гўдакдек нуқул тақиқланган ишларни қилгим ва одамларнинг жиғига тегиб, тақдир билан ўйнашгим келаверганди. Икки томонига турли шаклдаги бинолар қуриб ташланган, ҳар муюлишга ранги кетиб қолган байроқлар илинган, гўё ўтмас шамширнинг тиғидай шаҳарнинг қоқ ўртасида тўшалиб ётган кўчалардан яёв кетиб борарканман, мени ҳар хир туйғулар чулғаб оларди - ҳозир ер ёрилиб тортиб кетадигандай ҳар қадамда юрагим бир ҳаприқиб тушар - буларнинг ҳаммаси шаҳарга келиб орттирган васвасаларим эди - шунингдек, қанча юрмайин йўл ҳеч қачон тугамайдигандек, бутун умрим чангу-тўзон қоплаган бесамар ҳаётга ўхшайдиган мана шу йўлга изсиз-садосиз сочилиб кетадигандай туюлаверганди.

Бир куни химик хонамга кириб келди-да, кўзларини юмганча, «ўлай агар ҳеч нарса тушунмаяпман, деди ва сўнг хона бўйлаб юра бошлади, «қаерга келиб қолдим ўзи?! Худди эртакка ёки қўрқинчли тушга ўхшайди. Кунига қанча одам ўлиб бораяпти-ю, лекин ўлимнинг сабаби нималиги ҳанузгача топилмаяпти. Ҳар куни мурда қиёфасидаги навбатдаги мағлубиятни учратиш жонимга тегди, ўзимиз ҳам мурдага айланмасдан бу ердан кетиш керак».

У тўғри айтаётган эди. Унинг ҳам худди ўзим каби ҳолдан тойганини, умидсизлик уни ҳам бешафқатларча чопиб ташлаганини сездим. Биз шаҳарда ҳеч бир ишни охирига етказиш мумкин эмаслигини, ҳамма ишимиз, текширишимиз охир-оқибат натижасизлик билан тугагини, шаҳардаги ҳар бир кўчада, муюлишда, уйда ўлимга маҳкумлик, номаълумлик пойлаб туришини ниҳоят тушуниб етгандик. Жуда ишонч билан келган кекса профессор ҳам кейинги кунларда сувга бўктирилган товукдай бирдан тушкун бўлиб қолганди; ўзига, қудратига ишонган одамнинг тушкунликка тушиши жуда оғир кечади, у бизни тез-тез жеркиб ташлар, ўликларга ҳафсаласиз кўз югуртирар, энди олдинги кунлардагидай шаҳарнинг у четидан бу четига елиб-югурмасди.

Аммо ҳаммамиз тун билан ўларнинг сабаби нима бўлиши мумкин, дея баҳслашиб чиқар, профессор энди мунозараларга ҳам қатнашмас, саволларимизга қўл силкиб қўя қолар, мен унинг юзини қуюқ ўрмоннинг ичига кириб қолиб, энди ундан қандай чиқишини билмай ётган кишининг юзига ўхшатардим; дарвоқе, бу сирли ўлим бош-бошдоқсиз оқиб бораётган жилға каби бизни ақлимиз ҳам, шууримиз ҳам етмайдиган номаълум томонларга бошлаб кетганди. Балки шаҳардаги боши-ю охири ўлим билан тугайдиган ҳаёт бизни толиқтиргандир. Балки, қўрқинчли ва серғулу кунларимиздан бир маъно, бир мазмун излаб, туннинг сирли ва бепоён мамлакатини хаёл ва савол тулпориди кезиб юргандирмиз. Ўша пайтларда шундай ҳолатда эдикки, одам бўлиб ухлаб, эрталаб шерга айланиб уйғонсак ҳам унчалик ажабланмасдик: шаҳар ҳаёти тасаввуримиз қалъаларини буткул вайрон қилиб ташлаган, у ерда на чегара, на ҳудуд қолган, у ердаги деворлар кучли зилзила остида қолгандек бир-бир қулаб тушганди, баъзан кўксимизда юрак эмас, қатл ноғоралари гурсиллаб урилаётгандек, бир-биримизга қўрқув ва ҳасрат билан тикилиб қолардик.

Эрталаб мени химик уйғотди:

- Эй, Микиланжело туринг, профессор сизга мана бу нарсани бериб юборди.

Ўрнимдан туриб керишдим, қуёш чиқиб, кўчаларда тонгги салқинни ҳайдаб бўлган, ҳамма ишишига кетган эди. Нима у?

- Кеча бир телба ўлган экан. Профессор буни ўшанинг чўнтагидан топиб олибди. Шаҳарга тааллуқли бўлса керак деб жўнатибди.

Мен ўзимга касбдош бўлган телбани дарров эсладим.

- қандай телба?! қуйи кўчадаги телба эмасми?

- Ўша, - деди химик қўл силтаб. - Бечора тик турганча қотиб қолибди. Профессор ҳозир мурданинг ёнида. Ўзиям чўнтагида бир умр олиб юрган, чоғи, - у сумкасидан эзилиб, сарғайиб

кетган харита нусха қоғоз чиқариб узатди. - Бу шаҳарнинг телбалари ҳам олим бўлади, шекилли.

Мен шошиб қоғозни очдим: аввалига ҳеч нарса тушунмадим. У чўзинчоқ, ясси шаклда чизилган, бир неча жойи доира ичига олиб қўйилганди. Уни уч-тўрт марта айлантириб, кўзларим ўзим кезиб чиққан кўчаларнинг белгиларига тушгач, ҳайрат ва даҳшатдан нафасим ичимга тушиб кетди; аввал кўзларимга ишонмадим; бошимни силкиб-силкиб яна қарадим; йўқ, кўзларим алдамаган эди ва мана шу бир неча сония ичида шаҳарда пайдо бўлган ўлатнинг туб сабабини англаб қолган эдим; титраб кетганимдан қўлимдан чизма тушиб кетди ва шу туришда узоқ вақт донг қотиб турдим. Шу кун қаерларда бўлганим эсимда йўқ, афтидан, чизмадаги кўчаларни ўз кўзим билан кўриш учун шаҳар айланган бўлсам керак - чизма айнан шу шаҳарнинг лойиҳаси эди. Яна шу эсимда-ки, мен текширув гуруҳидан эртагаёқ қайтиб кетамиз деб қатъий талаб қилдим. Энди тажрибаларидан натижа чиқишдан умид узган профессор ҳам гапимни маъқуллади:

-Барибир бу ерда ҳеч нарса қила олмаймиз. Кетганимиз тузук.

Ша ҳар бошлиғи аҳдимиздан қайтара олмади, унинг юзида ғолиб қўшиннинг яловидай зафарли истехзо пайдо бўлган, профессорнинг жиғига тегиш учун атайлаб бизни яна бир неча кун қолишга ундар, фарангларникига ўхшаш бу ўлатнинг сабабини топиш унчалик қийин эмас, деб товуш чиқариб мингилларди. У профессор устидан ғалаба қилганидан хурсанд эди. Аммо профессор унга ортиқча эътибор бермади: менинг ҳам, фаҳмимча бутун гуруҳнинг ҳам. Бу ўлакка анқиб ётган шаҳарда бир кун ҳам тургимиз келмаётганди. Биз шу пайтгача ўлим каби буюк ва ўлим каби ёвуз иқтидорнинг кўчаларини кезиб юрган эдик.

Ертасига шаҳарнинг улкан дарвозасидан чиқиб кетар эканмиз, мен бу манзилнинг мангу ўлимга юз тутганини, уни энди ҳеч ким қутқариб қололмаслигини, худди қуёш ботгандан сўнг ту келиши муқаррардай, тириклик қуёши ботган, кўчаларида ўлим ва телбалик кезиб юрган бу шаҳарга вайроналик ташриф буюражаги, узоқ йиллар ҳукм сурган эътиқод бирдан харобага юз тутгани каби бу шаҳар ҳам энди таназул томон оғишмай кетажаги ҳақида ваҳм ва қўрқув билан ўйладим.

* * *

У хонамга кечқурун кириб кетди: жуда ҳорғин эди, кўзларида даҳшат аралаш жунун ўйнардди. Бир неча кун ичида у муштдай бўлиб қолибди. Мен уни касал юқтирган чоғи деб ўйладим ва уйга таклиф қилдим. У хонам тўрига қўйилган курсига ўзини ташлади ва юзини қўллари орасига анча вақт яшириб ўтирди, сўнг худди ҳамма нарсани босиб янчиб ўтаётган бўрон каби бир телбавор оҳангда пичирлади:

- Бутун шаҳар тобут шаклида қурилганди. Мен бунини лойиҳада кўрдим. Биз шунча кун тобутни кезиб юрган эканмиз...

ХАРОБА ШАҲАР СУРАТИ

Бу сурат хонамда қачон пайдо бўлди, қайдан келиб қолди, тўғриси, ҳозир аниқ эслаёлмайман, лекин мен бу суратни кўчадан, хиёбон бурчагига ўтириб олиб, ўтган-кетгандан садақа сўраётгандек ўзининг чизганларини арзон гаровга сотиб ўтирадиган арвоҳдай озғин ва серсоқол қандайдир қашшоқ рассомдан сотиб олган бўлсам керак деб ўзимни овунтираман; унга айнан қашшоқ, серсоқол, тўғриси, буни ҳам билмайман, балким қачонлардир соқол қўйишни орзу қилганим учундир! Сурат кўпол ва дағал дид билан чизилган, бўёқлар пала-партиш чаплаб ташланганди: гўё рассом суратларни ўзининг кийимидан андоза олиб чизгандай уларга ҳам унинг кўриниши каби умидсизлик ва тушкунлик ранглари ўтириб қолган эди.

Суратда ҳали меъёрига етмаган хира бўёқлар фонида вайронага айланган шаҳар бурдаланган жасаддек бўрттириб тасвирланганди. Суратдаги бирдан-бир менга ёқадиган манзара ҳам аслида мана шу хароба эди: бу шаҳарни ким вайронага айлантирган, ким уни ёқиб кул қилган, мен буни ҳам билмасдим, эҳтимол, рассомнинг ўзи ҳам билмагандир. У бозорбп ва одамларнинг эътиборини тортиш учун шунчаки хаёлига келган харобани чизиб ташлаган, таъсир ҳамда ваҳм бағишлаш учун манзарага қўнғир ва сариқ бўёқларни роса чаплагандир. Шаҳарнинг кўчалари ростдан ҳам шунчалик таҳликали тасвирлангандики, суратга қараб туриб, ҳозир мен турган хонага ҳам шаҳарни вайрон этган босқинчилар бостириб келса-чи, деган хавотирга тушиб қолардингиз: Суратга қараган сайин сизни бошингизга тушиб келаётган қиличдек бир ваҳима чулғар, худди қиш бўйи оч қолган саёқ итлар каби пала--партиш манзараларни кўтариб турган қўнғир бўёқлар тўсатдан юзингиздан қошиб оларди. Дуд буркаган кўчаларни вайрона бинолар босиб қолган, у ер, бу ерда али ўчмаган аланганинг тутуни осмону фалакка ўрларди. Кўнгилни ғаш қиладиган бу таҳлика ва таназзул билан бирга юракни орзиқтирадиган, қараган сайин яна қараверадиган қандайдир мавҳум маҳлиёлик сизнинг қалбингизнинг эшигини тинмай қоқиб турарди. Мен хона бўйлаб кезарканман, баъзан мана шу хароба шаҳар кўчаларида кезиб юргандай ҳис этардим ўзимни. Ростдан ҳам ўша пайтдаги аҳволу руҳиям билан бу хароба шаҳар ўртасида қандай ўхшашлик борлигини хи этардим, фақат бу қандайдир ўхшашлик эканлигини тўғриси, билмасдим. Мен суратдаги вайрона шаҳарга ўзимча Турсория деб ном қўйиб олгандим; нега айнан Турсория, буни ҳам ҳозир изоҳлашим қийин, эҳтимол, бу номда ҳеч қандай маъно йўқтир ва бу ном хотиржамнинг қайсидир бурчагида тун қўйнида лип этиб ёнган аланга каби ўз-ўзидан туғилгандир.

Турсорияни қай мақсадда харобага айлантиришган, нега унда тирикликдан дарак берувчи бирон гиёҳ ҳам қолдиришмаган, буни ҳам билмасдим. Мен фақат шаҳарнинг айнан Турсория деб аталишини жуда ҳам истардим. Қачонлардир гўзал ва улғувор бўлган бу шаҳар атайлаб харобага айлантирилган деган шубҳа бойўғлиси дамо-дам менинг юрагимга келиб қўнарди. Аста-секин бу шаҳар мени буткул лол қилиб олди. Мен энди эртаю кеч фақат шаҳар ҳақида ўйлардим ва тушларимга кириб чиқарди бу шаҳар.

Суратга қараб туриб доимо дуд ва дан ҳидини туярдим: балким, менга шундай туюлгандир, аммо бу оддий тутуннинг ҳиди эмасди, мен бундай ачимсиқ ҳидни кўп йиллар аввал қишлоғимизга ёввойи айиқ қувлаб юриб келиб қолган бир гуруҳ овчиларнинг қурум босган милтиғида ҳис этган эдим ва суратдаги ҳид ҳақиқатан ҳам ҳозиргина ортлаган уйқум ҳидига ўхшарди: эҳтимол бу ҳид менинг димоғимда шаҳар ақл бовар қилмас хиёнат ва сотқинликдан сўнг вайрон этилган, деб ўйлай бошлагач пайдо бўлгандир?

Нима бўлганда ҳам Турсория бир қарашда кўнгилга ғулу солиб қўярди, бироқ бўёқлар оқимига тикилиб қарасангиз, шаҳарнинг тош деворлари бориб туташган тепалик узра қорачиқдай

қизғиш шуълани кўришингиз мумкин эди: балки, рассом эҳтиётсизлик қилиб бу қорамтир ранглар ора бир томчи қизил рангни билмасдан тўкиб юборгандир, лекин суратни илк бор кўрганимда менга бу ранг энди отаётган тонгнинг илк шуъласи бўлиб туюлганди. Харобага қараб қанчалик таҳликага тушсангиз ва ўзингизни ўпирилиб тушаётган ғор ичида қолгандек ҳис этсангиз-да, бироқ барибир кўнглингизнинг бир четида бояги қизил рангдан пайдо бўлган бир тотли ҳис сизни бир муддат хушбахт қилиб қуярди. Суратда мени яна бир нарса ҳайратга солганди - харобалар ичра қурумга ботган увада харсанглар ортида кўзга зўрға ташланар-ташланмас бўлиб шунча ёнғину алғов-далғовдан сўнг ҳам ҳали бус-бутлигича тўхтаб қолган тегирмон парпари кўринарди: паррак ҳали мустаҳкам эди ва бу ўлик шаҳарга фақат шу парраккина умид бағишлаб тургандай эди. Тегирмоннинг эшиги, ён девори қулаб тушганди. Мен хона бўйлаб кезарканман, дафъатан сурат қаршисида тўхтар ва бирдан тегирмон паррагини айлантириб юборишни, шаҳарга оз бўлса-да ҳаёт бағишлашни жуда ҳам истаб қолардим.

Шаҳарнинг кенг тош кўчасида эса ранглар тўполони ора қоришиб қандайдир ғалати, таҳдидли улкан оёқ излари қолган эди. Суратга қараб турган одам издаги тажовузкорликдан сесканиб кетарди, гўё қандайдир, нозик ҳисларга тўла қалбни бир бетайин гап ёки ошкора ҳақорат билан топтаб, янчиб ўтганидек, бу излар ҳам шаҳарни бошдан охир атайин топтаб ўтганди: тўғрироғи, худди ярадор шерни кишанлаб қўйгандек асорат ёки истибдоднинг излари каби кўнгилга талваса соладиган бу излар шаҳарни бошдан-оёқ занжирлаб қўйганди. Бу кимнинг оёғини излари, қандайин юраги тош одам қолдирган бу изларни, кўзи тушганларнинг кўнгилларида бир умр ҳилпираб турсин дея ким бу ўлик шаҳарнинг кўчаларига ваҳм ва қўрқув яловларини илиб чиқди, буни ҳам мен билмасдим, лекин ачон изларга кўзим тушса эгим жимирлаб жунжикиб кетарди ва шаҳарни орат қилгани каби бу оёқ ҳар қандай қалбни ўйламай-нетмай топтаб ташлаши мумкинлигини ҳис этардим.

Бу ишлар шу даражада дағал ҳамда қўпол эдики, оёқларнинг эгаси қанчалар сурбет ва жоҳил эканлигини билиш учун изларга бир қараб қўйишнинг ўзи кифоя эди - гўё бу оёқ излари эмас, шаҳарга раҳна солган ёвуз кучнинг зуум ва таназзулдан дарак берувчи дағдағали муҳри эди. Бу излар ўлим ва ўлим истаб изғиб юрган қўшиндек вайрона узра намойишкорона чўзилиб ётарди. Бу оёқлар бир силкишда минглаб одамларни янчиб ташлашга, ўнлаб шаҳарларни вайрон қилишга қодир эканлиги шундоқ ботиқ ва зардали излардан кўриниб турарди. Кўчанинг четидаги қизғиш кўлмақда эса хийла катта, чорсидай байроқ тўшалиб ётаврди, бу - байроқдан кўра кўпроқ фоҳишанинг нахс босган исқирт тўшагига ўхшарди: байроқни ҳам эҳтимол, бу ерларга изнинг эгаси кўтариб келгандир? Балким Турсорияни айнан мана шу оёқ излари вайрон этгандир? Дарвоқе, Турсория орзуим ва хаёлимнинг олис, мафтункор манзилига айланган, мен кун-тун Турсория деган юртнинг кўчаларини саросар кезиш билан овора эдим.

Турсория мени қанчалик қизиқтирса, бошқаларни шунчалик ажаблантирарди. Улар тайинсиз бир рассомнинг фазлу иродаси билан вайрон этилган қандайдир Турсорияни деб ташвиш чекиб юришим сабабини тушунмасдилар ва буни шунчаки олифтагарчилик деб ўйлашар ёхуд ғирт сафсатага йўйишарди. Мен уларга Турсория ҳақида, унинг яшил боғлари, зангор осмони, туман қоплаган тош кўчалари, одамзотнинг қудратини намойиш этиш учун қурилган миноралари, шаҳардан узоқларда ҳам ҳиди уфуриб турадиган худди қизлари каби дуркун ва нафис гуллари, қирмизи тулпорлар миниб юрадиган йигитлари, хаёлдан кўйлак қилиб кийган қизлари, ҳилол билан бирга ҳилпирайдиган туғлари, саҳар чоғлари хўрозлардан ҳам олдин одамларни ўйғотадиган азонлари ҳамда боланинг кўзлари каби тиниқ ва маъсум дарёлари ҳақида гапириб берар ва буларни Турсория бошқаларнинг ҳам эътиборини тортсин дея кўпинча ўзим тўқирдим. Бироқ менинг бу тажрибасиз ва тарқоқ қўшиним - болаларча чўпчакларим билан одамларнинг

бефаҳмлиқ ва лоқайдлиқ деворлари ўраб олган, ҳеч нарса билан забт этиб бўлмас, тошдек қотиб қолган қалб кўрғонларини ҳеч қачон забт этолмасдим, аксинча, менинг юрагимдан сўзларга қўшилиб чопиб чиққан ҳаяжон ва умид охулари уларнинг бефарқлиқ кўпчиган кўзларининг тойғоқ қояларидан сакраб ўтолмай бир-бир қулаб тушарди. Ҳамиша гапларим уларнинг энсасини қотирарди. Мен танишларимни ҳеч қачон Турсорияга қизиқтира олмадим: бири иши кўплигини, бири бундай жумбоқларни излайдиган ёшдан ўтганини, бири Турсориядан ҳам муҳимроқ ташвишлари борлигини айтиб жўнаб қолар ёки мени ҳафа қилмаслиқ учунгина бош силкиб, бепарво тинглашар ва номига лунж шишириб қўйишарди. Уларнинг ҳаммаси менда Турсорияни билмай ўтаётганликлари учун ҳам бутун умр ғафлат ўрмонини саргашта кезиб юрган сарсон одамлардек таассурот қолдирарди. Мен уларнинг кўзларида, юзларида ғофил ва тушкун яшашга маҳкум этилганларни кўрардим. Улар тирикликнинг мангу ва абадий қароқчиларидан қоча-қоча мана шу лоқайдлиқ ва танбаллик салтанатидан паноҳ топгандилар ва улар қочиб кирган бошпаналардан ҳам ўзлари каби омонотлик ва харобалиқ уфуноти анқирди. Одамларнинг Турсорияни билмаслиги мени кўпинча ғазабга соларди. Шундай пайтларда мен умидсизликка фарқ бўлганча ичкиликка ружу қўярдим - кўчада ярим маст ҳолда кезиб юрарканман ҳаётнинг ташвишлари парчинлаб ташлаган бу одамлар кўзимга яна ҳам аянчлироқ, ғариброқ кўриниб кетарди, нега улар ўзларидан қолаётган, юзларида лов-лов ёниб турган харобани кўрмаяптилар деб ҳайқиргим келарди.

Жуда катта шов-шув билан бошланган сайлов олди учрашувларининг бирида муносиб номзод саналган таниқли ва кекса шоирдан ҳам тўсатдан Турсория ҳақида сўраб қолгандим. Саволим шу даражада ғайритабиий чиқдики, бутун зал бир зум сувга чўккандай жимиб қолди, сўнгра ўзаро шивир-шивир бошланди. Ҳайъатда ўтирган ишончли вакиллар менга ғазаб билан тикилиб туришарди, уларнинг юзларида саросималиқ кемалари суза бошлаган эди, йиғилганлар мени номзодни атайлаб обрўсизлантириш учун шундай бемаъни савол берди деб ўйлашаётганди. Бироқ шоир саросимага тушмади, у менга тик боққанча бироз нописандлик билан:- Мен, тарих билан етарли даражада шуғулланган одам, сизни бемалол ишонтириб айтишим мумкинки, ҳеч қаерда ҳеч қачон Турсория деган юрт бўлмаган ва у вайрон ҳам этилмаган. Бу чўпчак ва ўйдирмадир, - деди.

Зал гулдурос қарсак ичида қолди: менинг ноўрин саволимга жуда муносиб жавоб берилганди, яъни залдагиларнинг назарида шоир мени жангга кирмасданоқ тор-мор қилиб қўя қолганди. Аммо залда ўтирганларнинг ичида фақат менгина ўзимни мағлубиятга учраган деб ҳисоблай олмасдим ва кейинги пайтда мен қайлардадир Турсория деган юрт борлигига заррача шубҳа қилмай қўйгандим. Бўрон кутилаётган денгиз устида учиб юрган оқ чарлоқ каби мен ҳам вақт қуши билан мавжланаётган хаёлларим денгизи устида саргашта учиб юрардим, гоҳи қайсидир томонлардан ёвуз шамоллардан қочиб келган муштипаргина ёз ёмғири менинг хаёлпараст кунларимнинг устидан томчилаб ўтиб, уларни абадият сари етаклаб кетарди. Иттифоқо, у ҳам гарчи тушунмайди деб ўйласам-да, таваккал қилиб, Турсория ҳақида илмий раҳбарим бўлмиш профессорга гапириб бергандим. Бироқ профессор ҳеч бир ажабланмади, ҳатто менга бошқалардек синовчан тикилиб ҳам қўймади, юмшоқ оромкурсига чўкканча қон кўпчий бошлаган ҳорғин кўзларини тикди.- Ҳа, - деди у бироз жимликдан сўнг мутлақо мен кутмаган хайрихоҳ оҳангда. - Менинг ҳам қачонлардир шундай суратга кўзим тушганди, мени ҳам шунга ўхшаш сурат ўзига ром этиб олганди, - у худди алвасти хотинга ўхшайди, сени мафтун қилиб қўяди-ю, ўзини кўрсатмай устингдан кулиб юраверади. Лекин мен тезда бу касалдан қутилиб олдим ва шундан сўнг ҳаётимда бирон марта ҳам керак бўлганини эслай олмайман, сизга ҳам шуни айтмоқчиманки, ўз ишингиз билан шуғулланинг, бу суратни унутинг, қасам ичиб айтаманки, Турсория сизга ҳаётингизда ҳечам керак бўлмайди, аксинча турсория-турсорияларсиз яшаш осон ва қулай.

Профессорнинг ҳам қачонлардир мени қийнаган саволлар қийнагани ва у ҳам Турсория каби унут шаҳарни излагани мен учун янгилик эди, бироқ мен унинг хулосаларидан даҳшатга тушдим; наҳотки Турсориясиз яшаш мумкин бўлса? Профессор шунча вақтдан бери Турсориясиз қандай яшаб юрибди? Мен унинг юзига ялт этиб қарадим ва профессорнинг юзида ҳам хонамдаги суратда ҳис этган хароба шаҳарнинг аксини кўриб бир зум тошдай қотиб қолдим. Йўқ, бу ерда ҳеч қандай рўё йўқ эди, профессорнинг қисилган нурсиз кўзларида, ажин босган қаримсиқ юзида, аламзадалик ва иззатпарастлик акс этган лабларида мен бу харобани аниқ кўргандек бўлдим.

Унинг ҳаёти давомида эришган барча муваффақияти, жилд-жилд китоблари, мукофоту ёрликлари, шуҳрати-ю, шавкати - ҳар бири бу харобани тасдиқловчи рад этиб бўлмас далолатлар эди. У ҳаёти давомида орқа-олдига қарамай кўриб кетаверган ва бир куни ўзи яратган шаҳарни кўриш, у ерда бирпас тин олиш учун изига бурилса, фақат вамли мунғайиб турган харобаларнигина кўрган. Менинг назаримда, у асли ўз умр шаҳрини қурмаган, акёёёёёсинча вайронага айлантирган эди, бу нақадар даҳшат деб ўйлагандим мен профессорнинг олови ўчган ўчоқдек тафтсиз кўзларига қараб туриб.

Излаган нарсасини тополмаган, дея охири асли мен ҳеч нарса изламаганман, дея ўзига-ўзи тасалли бера бошлаган, бироқ бу тасаллидан кўнглининг жуда катта қирлари ва қўрғонлари ўпирилиб тушаётганини билган, умри хазонлик сари юз тутган одамнинг юзигина ана шундай кўказак ва жиззаки бўлади. Унинг қатъий ва совуқ хулосаси мени бир зум сархуш қилиб қўйди, гўё бу хулосага ўткир афюн нави сингдрилгану у мени карахт қилиб ташлаган эди. Профессор менга илмий ишимга оид кўпгина йўл-йўриқлар ва янги чиққан адабиётлар рўйхатини берди ҳамда мени ҳар доимгидай бекатгача кузатиб қўйди. У серилтифот, мулойим, қувноқ эди ва менинг Турсорияни унутиб юборишимга, бу шунчаки ёшлиқда бўладиган қизамиқдай ўткинчи касаллик эканлигига, ҳамма нарсани унутиб, шу ой ичида илмий ишимни тахт қилиб, қўлига топширишимга заррача шубҳа қилмасди. Бироқ мен унинг гап-сўзларига ва хатти-ҳаракатларига қараб туриб, яна бир нарсани англаган эдим: у ўзининг бой берилган умри билан мени Турсория сари чорларди. Унинг нурсиз кўзларида ва қорачуғларида ўзи боролмаган, йироқ сафарга жўнаб кетаётган ўғлининг изидан тикилиб қолган отанинг нигоҳи ёки янги саргузаштлар излаб олис саёҳатга жўнаётган кеманинг энди ҳилпирай бошлаган елкани янглиғ бир умидбахш чорлов акс этган эди: у менга саф-саф қўшин билан дунёни забт этаман деб кетиб, орадан йиллар ўтгач ёлғиз ўзи тушқун ва умидсиз қайтиб келган мағлуб қўмондонни эслатганди. Хонамга келиб хароба шаҳар сурати билан профессорнинг умрини қиёслагач, мен бунга яна ҳам кўпроқ амин бўлдим ва ҳамма нарсани - профессорнинг ўгитини ҳам, ўзини ҳам унутдим. Гўё суратдан қандайдир довул кўтарилиб чиққандию, профессор менинг миямдаги торларга ишонч билан илиб қўйган, ғози кетган қўйлақдек яроқсиз бўлиб қолган ўгитлар ва насиҳатларни қайларгадир учуриб кетганди.

Шундан сўнг мен профессор билан бошқа кўришмасликка, унинг юзидаги харобаликни кўриб кўнглимни яна бузмасликка аҳд қилдим. Мен энди фақат сурат ва ўзимнинг Турсория ҳақидаги хаёлларим билан ёлғиз қолган эдим. Бу сурат нима ўзи, нега у менинг ақлу шууримни банд этиб олди? Эҳтимол, бу сурат бузилган ва ёвузлашган дунёдан мен каби бир мазмун, бир маъно излаб ўтган одамнинг самарасиз умр ҳақидаги ўкинчларидир? Эҳтимол, умр қалъасининг бузилган деворлари ичра тутаб ётган юракнинг аламнок дудларидир?! Ким билади, шундай ҳам бўлиши мумкин-ку! Суратга қараб турар эканман мени дафъатан бир ҳис қоплаб олди: ростдан ҳам бу суратни қандайдир ёт бир рассом чизганмиди ёки уни менинг ўзим чизиб, ўзим сиғиниб, ўзим ваҳимага тушиб юрдимми: Ва суратдаги шаҳарни ҳам менинг ўзим вайрон этдимми?! Бу шубҳани менда биринчи марта рўзнамачи дўстим уйғотганди. У билан кечки пайт учрашиб

қолиб, бизникига келган вва ҳар хил нарсалар ҳақида гапира туриб, унинг кўзлари бирдан суратга тушиб қолганди. Суратни кўчадан сотиб олганимни айтдим. У менга бир зум синовчан тикилиб турди.- Яширмай қўя қол, бу суратни сенинг ўзинг чизгансан, тасвирда сенинг услубинг кўриниб турибди, - деди. - Чунки фақат сенгина дунёни мана шундай аянчли манзаралар ичида кўрасан. Одам қандай ўйласа, шундай ёзади, аслида ҳам ҳар бир одам ўз умрининг рассомидир. Бу суратда сенинг умринг акс этиб турибди.Унинг гап оҳангида бироз масҳара бор эди, у ҳамиша мен билан бир поғона юқори туриб гаплашарди. У менинг ўттиз ёшга кириб ҳам бирон ишнинг бошидан тутмаганимга, кўпроқ омадсизлигимга ишора қилаётган эди: ўзи ҳеч қачон омадсизлик кўчасидан ўтмаганди - ёзганлари узлуксиз босилиб турар, баъзан унга мукофот ҳам бериб қолишар, рўзномачилар уни энг қобилиятли ва жасоратли ёшлардан деб ҳисоблардилар. У билан тортишиб ўтирмадим ва унга Турсория ҳақида гапириб бердим.- Нега бошқалар бу нарсага эътибор беришмайди, ҳайронман, - дедим гапимнинг охирида. - Аслида бу ҳаммага кўриниб турган ҳақиқат. Кимга Турсория ҳақида гапирсам, елка қисиб менга насиҳат қилиб жўнайди.- Бу ҳам манови суратга ўхшаган нарса, - деди дўстим яна шартта гапимни бўлиб, менга ачинган кўзларини тикиб бориши чайқаб қўяркан. - Сен хонангдан манави бузунчи суратни чиқариб ташла. Шу сурат таъсирида ҳамма нарсани кимдир ва нималардир вайрон этган деган хаёлга борадиган бўлиб қолибсан. Мен жуда катта тарихчи олимлар билан танишман, лекин улар оғзидан бирон марта ҳам Турсория ҳақида эшитмаганман. Аслида ҳам Турсория сенинг хаёлингдан бошқа ҳеч жойда йўқ бўлса керак. Сен кейинги пайтларда васвасачи бўлиб қолибсан. Яхшиси, менинг олдимга кўчиб ўт, ҳар қалай, икки киши бўлиб яшаса кўнгил ёзилади.

Мен ғазабдан унга бақи....юборишдан ўзимни зўрға ушлаб қолдим. Уни бекатгача кузатиб қўйдим. Ўша кечаси Турсорияни излаб топмасам бўлмаслигини англадим. Уни мана буларга, менинг устимдан кулганларга, таниқли шоирга, машҳур профессорга оламда Турсория деган юрт борлигини билмай яшаб келаётганларга ўчма-ўч излаб топишим керак, деб ўйладим. Мен Турсориясиз яшаётган профессорга ҳам, рўзномачи йигитга ҳам ачиниб кетдим: назаримда, осмон қуёшсиз яшай олмагани каби одам Турсориясиз яшаши мумкин эмас эди.

Турсория мени яна ҳам кўпроқ қизиқтира бошлади ва мен жилд-жилд китоблар ёзган, лекин кмири бир варақ қоғозга жо бўладиган профессорнинг ўғитлари, газетасини ёлғон-яшиқ уйдирмалар билан тўлдириб юрадиган рўзномачи дўстимнинг таъналаридан сўнг Турсорияни қаердан излашни билардим: афтидан, Турсория профессор умри давомида четлаб ўтган соҳилда қолиб кетганди ва менинг бундан буёнги ҳаётим Турсорияни излаб топишимга боғлиқ эди.Яна бир нарсани билардимки, Турсория мен ҳали дунёга келмасдан бурун вайрон этилган ва мен бу дунёга ташриф буюрган кунимдан бошлаб мана шу хароба шаҳарда яшашга, унинг вайрона кўчаларида сарсону саргардон кезишга мажбур бўлгандим.Турсория менга ҳеч тинчлик бермай қўйди; денгизда адашиб юрган кемани олис-олисларда кўринган маёқ ўзига чорлагани каби у ҳам мени ўзига чорларди.

Гўё умримнинг муқаддас тиғидай у ҳар тонг ва ҳар кеч бошим узра ҳилпираб турар, китоблар, одамлар, шубалар, гумонлар, таъналар, ўғитлар, умидсизлик, тушкунлик билан бўлган ҳамда бўлажак жанглarda мени руҳлантирар, узоқ айрилиқдан сўнг сизни кутиб олиш учун йўлга чиққан ва сизни узоқдан кўриб дуррачасини силкитаётган қиз каби харобалар орасидан менга қараб қўлларини силкитарди.

Бир вақтлар бахт ва истиқбол йўлида ҳижрат этишларидек мен ҳам рагимнинг руҳсиз санамлари, маъбудлари қалашиб ётган водийсидан увиллаб ётган, худди ақлу идрокнинг вайронасидек юрагим деворида осифлиқ турган бу хароба шаҳарни эртанги кунимни яратганим каби қайта тиклашим, тўхтаб қолган тегирмон паррагини юрдириб юборишим керак

эди.Кечқурун менга таниш профессор қўнғироқ қилди:- Менга қаранг ука, сиз Х.ни танир эдингиз. Эҳтимол, турар жойини ҳам биларсиз? Икки ойдан бери ҳеч бир хабар йўқ. Илтимос нима гаплигини аниқлаб келсангиз. Агар шу ерда бўлса, менга зудлик билан учрашсин...Гап оҳангидан унинг жуда хавотирланаётгани сезилиб турарди. Мен уни юпатдим: «Ўзи қароқ йигит эди. Юрган бўлса керак. Унақаларни жин ҳам урмайди». У мендан розилик олгач, душанба куни учрашадиган бўлдик.Ертасига мен қачонлардир - уч-тўрт йиллар чамаси олдин борган уйни зўрға топиб бордим. Эшикни кўзлари салқиб қолган, кишига доим шубҳа билан тикиладиган жухуд чол очди.

-

Ниҳоят, - деди у истехзоли товушда бошини чайқар экан, - кетганига қирқ кундан ошди, энди йўқлаяпсизларми:! Зап одамлар борда дунёда, тўсатдан ўлиб қолсанг, суюгинг чириб бўлгач йўқлаб келишади! Ҳа, айтгандай, ким келса, мана шу хатни бериб қўйинглар деб айтганди.

Хат бир парча сарғиш тусли қоғозга ажи-бужи қилиб, шошиб ёзилганди:«Мен Турсорияни излаб кетдим. Мени ахтариб ўтирманглар...» Мен бирдан даҳшатга тушдим: яқинда бир шоир ҳам деворга «Мен сўз излаб кетдим» деб ёзиб, ақлдан озиб қолганди.- Нима гап экан? - сўради уй эгаси менинг юзим оқариб кетганини кўриб.- Ҳеч гап йўқ. У ўзини излаб кетибди, - дедим изимга қайтарканман.

ЯЛПИЗ ҲИДИ

I. САРАТОН

Дам олиш куни хонасида китоб ўқиб ётган Самандарнинг димоғига бирдан ялпиз солинган шўрва ҳиди урилди ва саккиз яшарлик пайти баҳор кунларининг бирида ҳаётларининг бурчагидан отасининг бир қучоқ ялпиз териб келгани ва онаси кечқурун ялпиз шўрва қилгани эсига тушди-ю, китобни ёпиб, ҳавони бурнига торта бошлади. Сўнг ўрнидан туриб, дераза пардасини сурди ва у ердан кўриниб турган, ҳали тўла сарғаймаган дарахтларни кўриб, кўнгли чўқди. Боғга ҳафсаласизлик билан кўз югуртирди. Боғдаги дарахтлар сийрак, лекин сершоҳ эди; қаровсиз қолганидан боғни чириган чакалаклар босган, айти саратонда бу манзара нохуш таассурот қолдирар, кўп йиллардан бери қуёш кўрмай касал бўлиб ётган шол кампирнинг қўлидек қуруқ ва кўримсиз эди. Самандар улардан нигоҳини дарров олиб қочди. Шохларнинг синиб, сарғайиб, мунғайиб ётишини ортиқ кўргиси келмади. Негадир юраги ғаш бўлди. Деразага яқин иккита дарахт узун маржон шаклида мева қилган, меваси ҳали ғўр ва дарахт тусига нисбатан яшилроқ ва ялтироқ эди. Дарахтларнинг остида ботаётган қуёшнинг тангача шуълалари ўйноқларди. Боғнинг ярми жўка, дуб ва Самандар ҳали номини ҳам билмайдиган дарахтлардан иборат эди. У шаҳарда ҳар қадамда учрайдиган бу дарахт турларини бир-биридан зўрға ажратарди. Жўка дарахтини узоқ йили озғингина боғбондан билиб олганди. Боғбон ҳам боғдаги дарахтларнинг кўпчиллигининг номини билмасди. У фақат шарқона дарахтларнигина қийналмай санай оларди. Самандар эса ёшлигидан таниш бўлиб қолган олча, олма, шафтоли ва ёнғоқ ларахтларинигина таналарига қараб ажратиб берарди. Бироқ боғга дарахтлар аралаш-қуралаш экиб ташланган ва у боғдан кўра алланечук қаровсиз хиёбонга ўхшаб кетар, мевали дарахтлар деярли йўқ эди. Самандар деразага яқин, ҳали меваси қизарар-қизармас боғ ичидан ўтаётган мактаб болалари талаб кетадиган олча дарахтини ва панжара тўсиққа қаватма-қават экилган, лекин ҳеч қачон ёлчителиб мева қилмайдиган жийда дарахтини ёқтирарди. Олча дарахтининг танаси кексаларга хос ғадир-будир, сершоҳ, сермева эди.

Жийда эса баҳор пайтлари бутун шаҳарни ўзининг ҳиди билан тўйдирарди. Самандар деразадан кўринаётган олча дарахтининг нариги бетдаги осмонга туташиб кетган юқори қисмидаги баргларининг сарғая бошлаганини кўрди. Шохда барглар қатор тизилганди ва Самандарга яқин бўлгани учун осмонни тилимлаб турган дастасиз ханжарга, барглари эса осмон саҳнида улкан мовий кўлга бир-бирининг тумшуғидан боғлаб, қатор териб қўйилган кичкина қайиқчаларга ўхшарди. Бу ҳозир Самандарга боши оғриб тургани учун ёқимли манзарадек бўлиб туюлди. Ҳатто баргларнинг қайиқчаларга ўхшашини кашф этганидан хурсанд бўлиб кетди. Баргларнинг худди денгиз тўлқинида солланиб турган қайиқлардек тебраниб турганини ва осмоннинг жуда ҳам мовий, боғнинг бўм-бўш, дарахтларнинг сукутда экани бир зум жуда ноёб гўзалликдай бўлиб туюлди. Ҳозир Самандарнинг қулоғига нарироқдаги катта йўлдан трамвай ва троллейбусларнинг тақа-туқлаб ёки гувиллаганча ўтиб бораётгани ҳам, машиналарнинг сигнали ҳам, болалар боғчасидан келаётган шовқини ҳам кирмасди: у ҳозир мана шу ноёб гўзалликни бутун онгига, шуурига сингдирмоқчидек, фақат боғ ичида дарахтлар ва барглар шитиригагина бутун эътиборини жалб этганди. Жўка дарахтининг қуёш тегиб турган қисми сарғиш тусда, бошқа қисмлари қорамтир-пистоқи тусга кирганини англаб қолди. Жўка дарахтининг сербарг новдалари орасида унинг шохлари деярли кўзга ташланмас, дарахт у турган деразадан ярми қора, ярми сариққа бўялган эски гумбазга ўхшаб кўринарди. Самандар бир ҳафтача олдин К. майдонидаги хиёбонга борганини эслади. Хиёбонда ҳали ҳамма нарса ям-яшил, гўё баҳор ҳали кетмагандек, гуллар очилган, арчалар хушбўй ҳид таратган, майсаларда намчил тафт бор эди. Хиёбон шу даражада гўзал, рутубатли, ҳар хил рангга беланган ажиб бир манзарага эга эдики, айниқса, қуёш ботган маҳали бу

манзара яна ҳам гўзаллашар, кўзларини яшнатиб, юракни қитиқларди. Бироқ баҳри-дилини очиб юборадиган бундай гўзалликда қандайдир ясамалик бор эди. Самандар бу гўзаллик ўзига юқмаганини сезди. Ҳар хил шаклга солиб экилган гулзор ва майсаларнинг жозибасини ўзига сингдиrolмади. У майсалар ичида ёки арчаларнинг доимо соя тушганидан зах бўлиб қолган жойларида биронта ҳам бегона, ёввойи, ўз холича ўсиб ётган ўтларни кўрмади. Ҳатто кўм-кўк бўлиб оқаётган хиёбон ичидаги кичкина жилғачанинг атрофи ҳам жуда эътибор билан тозаланган ва тартибга келтирилган эди. Тўрт бурчак шаклидаги майдонда майсалар қулф уриб яшнаб ётарди. Майсазорда фақат майса, гулзорда фақат гул ўсган, улардан одамнинг юзига роҳатбахш салқин ҳаво уфурар эди. Ўша куни Самандар худди ҳозиргидай қишлоғининг чеккасидаги доимо сув сизиб ётганидан нақ чангалзорга айланган ва ёввойи гулларга бурканган тўқайни эслаганди. Тўқайда майсалар товон урар, ҳар хил гуллар аралаш дасталари сувга қониқиб, бутун бир тўқайни ҳиди билан маст қилиб турган, тарсиллаган ёввойи ялпизларни, печакгул ва шамакгулларни, тўқайдаги юлғун, зирак ва харсанглар соясида офтоб тегмаганидан сарғиш тусга кирган қоқигулларни эслаганди. Негадир болалигида унга кадрли бўлмаган тўқайдаги ўша анвойи гуллар, энди ҳатто ўсимликлари, гуллари ҳам тартиб билан ўсадиган шаҳарда унга алланечук ардоқли бўлиб туюларди.

У балким бир ҳафта олдин қишлоғининг четидаги тўқайда ўсадиган бўлиқ ялпизларни эслаган ва сўнг унутгани учун ўша куни юзага чиқар-чиқмас, яна яширинган - ҳали ўзи ҳам нима деб аташни билмаган ботиний туйғулари ва хотиралар бугун китоб ўқиб ётганида ўз-ўзидан шуурини банд этиб, бир зум сувга яширинган пўкакдек хаёлига лип этиб қалқиб чиққану, унга ялпиз солинган шўрва ҳидини эслатгандир? Ҳар қалай, Самандар ялпиз солинган шўрва ҳидини кўмсарди. Шу сабабли бўлса керак, унинг орқасидаги болалар боғчасига қарашли қаровсиз боғ унинг кўнглига яқинроқ эди. Йўқ, у қарийб саккиз йилдан бери шу ерда яшаётгани учун бу боғ қадрдон эмасди, балки, ўша, ҳатто одам тушунтириб бера олмайдиган, майсалар билан гуллар ўртасидаги ҳали буткул чегара ўрнатилмаган, ўсимликлар ўз эркича ўсиб ётган, баъзи кунлари деразани очиб, ишлаб ўтирганида ялпиз ҳиди келиб қолгани учун мана шу қаровсиз боғ Самандарнинг кўнгли ва хотираларига яқин эди.

Ўшанда у биринчи синфни тугатаётганди. Ёмғир эндигина ёғиб ўтган, боғдаги майсаларнинг кафтларида маржон-маржон томчилар жилваланар, отқулоқлар баргида ҳовуч-ҳовуч томчиларни кафтларига олиб, кўз-кўз қилиб турганга ўхшар эди. Отаси билан ҳаётнинг отхона жойлашган қисмига боргунча кичкина этиги худди яп-янгидай ялтираб қолган, бундан суюниб кетган Самандар ҳаётдаги ўтларга этигини тобора кўпроқ ишқаб ялтираган, узун чопонининг жиққа ҳўл бўлгунча ўтлар ичида мастона-мастона ағнаганди. Ўшанда отаси отхона девори остидан бир қучоқ ялпиз териб олган ва онаси кечқурун ялпиз барглари солиб шўрва қилганди. Ялпизларнинг дастаси бўлиқ ва серсув эди. Самандар ўша кунги шўрва таъмини бошқа ҳеч қаерда туймади ва жуда кўп кўмсади. Ялпизли шўрванинг қурут солинганидан бироз тахир таъми ўша куни унинг оғзида бир умр ўрнашиб қолди. Онаси кейинчалик ҳам ялпиз солинган шўрва қилиб берган, лекин ҳеч қайсиси ўша кундагидай Самандарга хуштаъм туюлмаган ва дарров эсидан чиқиб кетганди.

Самандар олдинлари ҳам ўз хотиралари билан қаровсиз боғ ўртасида қандайдир уйғунлик борлигини кўп марта ҳис қилганди. Лекин бу қандай уйғунлик вав қандай ўхшашлик эканлигини ўзи ҳам билмасди. Боғнинг қаровсиз экани-ю, ўзининг доимо иккиланиб, шаҳар ҳаётига кўниқолмай яшаётгани ўртасида қанчалик мутаносиблик борлигини ва нима учун бу ташландиқ боғга бунчалик кўнгил қўйгани-ю, боғ нима учун ўзига азиз ва мўътабар туюлишини билмасди. Лекин кейинги ойлاردан боғ унинг бирдан-бир ҳамдарди, унинг сўзсиз суҳбатдошига айланди. Кўнгли қачон ёлғизликни ёки қишлоқ хотираларини кўмсаб қолганда, Самандар боғга

кирар ва қаровсиз дарахтларга қараб, болалик пайтларини эсларди. Самандар дарахтлардан анқийдиган чиркин ҳидни туяр экан, новдаларга, шох-шаббаларга, хазон уюмларига тўлиб ётган, дарахтлари бўталаб кетган бу боғ унга ҳар қандай сўлим ва бежирим хиёбонлардан гўзалроқ туюларди. Куз ёки баҳор пайтлари шаҳарга адашиб кириб қолган довуллар, боғдаги кекса дарахтларнинг шохларини, қасир-қусур синдирар экан, Самандарнинг кўнглида ҳам нималардир қаси-қисирлаб кетарди. Шундай пайтлари уйқуси учиб, тун билан безовта бўлиб чиқар ва эрталаб бекатга чиқа туриб, довулга дош беролмаган шохларнинг мағлуб ботирнинг синган найзасидай ерга осилиб турганини кўрарди; шундай лаҳзаларда дарахтларга азбаройи раҳми келганидан, бу йилдан бошлаб боғга боғбон тайинлашларини сўрайман, деб аҳд қиларди.

Жиккаккина боғбон эса уч йил олдин қазо қилганди. Ундан кейин боғ ўз харажатини қоплолмагани учун ташландиқ бўлиб қолди. Лекин баҳор келиши билан боғ ёввойи гулларнинг ва ям-яшил дарахтларнинг нафис-муаттар ҳидларига тўлиб кетар экан, Самандар ҳамиша ўз аҳдини унутиб қўяр ва боғнинг гўзаллигига мафтун бўлиб қоларди. Дарахтлар шу даражада зич, тарвақайлаб кетган эдики, синган-чириган новдалару ям-яшил барглар, ранго-ранг гуллар ичида дарахтнинг ўзи кўринмай қоларди. Баъзан бу ердан бир иккита адашиб чиқиб қолган ялпизни ҳам топиш мумкин эди. Боғда ёввойи гуллар кўп эди. Самандар ялпизни кўрганида ҳамиша ҳаяжонга тушар, ютоқиб ҳидлар. Кўнглида жўш урган хотиралар чўғига шу билан сув сепмоқчи бўларди. Бироқ ялпизнинг ҳиди у кутгандай димоғини куйдириб юборадиган даражада ўткир бўлмасди. Аксинча, ялпизда кўпроқ зах ҳиди ўрнашиб қолган эди. Шунда Самандар беихтиёр отаси отхона девори остидан териб келган ялпизларни ва ялпиз солинган шўрва ҳидини эсларди ва кечки пайтлари боғда сайр қилишни яхши кўрарди. Шохлар тарвақайлаб кетганидан боғ ичидаги йўлкалар ҳам ёпилиб қолган, Самандар боғни айланиб нариги томонга ўтарди. У томондан боғнинг ичига кирадиган йўл очиқ эди. Боғ ўз кексалиги ва ташландиқ эканлигини одамлардан яшириш учун атрофни шох-шабба билан ўраб ташлагандек эди. Бу ерда йўлак бўйлаб, тиғиз қилиб пўстлоғидан ҳамиша рутубат анқиб турадиган тераклар экилган, йўлак орқали боғ тўрига кириш ва болут дарахти остида ўтириб бемалол хаёл суриш мумкин эди. Самандар ўтиришда соатлаб китоб ўқир экан, гоҳ жийда, гоҳ дубдан таралаётган сокин кўклам ҳиди ёки ёввойи гулларнинг анвойи ҳидини сезарди. Бундай пайтлари чиркин шох-шабба ва хазонларнинг ҳам ҳиди хушбўй бўлиб кетарди. Дарахт шохларида мунчоқдай-мунчоқдай ёмғир томчилари баргларнинг қорачиқлари каби ўйнаб, ялтираб турарди. Баъзан томчилар баргларига сирғалардай осилиб оларди. Самандар бу ерда ўзини эркин ҳис қилар, ҳар қандай хушту-хаёлларига эрк бера оларди. Гоҳида унга боғдаги гўзалликда ҳам қандайдир нуқсон бордай бўлиб туюларди. Бу қандай нуқсон эканлигини унинг ўзи ҳам бимасди. Самандар қишлоқдан шаҳарга келган пайтларини, у пайтдаги туйғуларининг нақадар поклигини ва ҳаётга завқ-шавқ, ҳайрат билан қараганини армон билан эсларди. У ишга борар, вақтида қайтарди, мана етти йилдан бери худди шу аҳвол эди. Маълум тартибга тушган: вақтида ишга борар, иш тугаши билан қайтар, дам олиш кунлари китоб ўқир ёки бирон дўстиникига борарди. Етти йиллик таржимаи ҳоли мана шу битта жумладан иборат эди. Кейинги йилларда ўзидан норози бўла бошлаганди. У ўз ҳаётидан қоникмас, умрининг кун билан туннинг ўзгаришидай бир хил эканлиги уни тобора ҳафсаласиз қилиб қўйган, тез-тез қишлоқ хотираларига берилиб кетарди. Хотирага берилиш билан тезда гуп этиб ялпиз солинган шўрва ҳиди димоғига урилар ва беихтиёр ҳапқириб кетарди. Шунда бирдан юрагида ҳар хил туйғулар ғалаён қилиб қолар, у ерда изнсиз довуллар бошланар, тўрт томони ҳам девор бўлган каталакдек уйда юраги сиқилиб кетар ва секин боққа чиқарди; оқ, харир гулбаргларнинг худди қуш патидай учиб тушишларини ва сўнг жажжи қушлар каби оҳиста ерга қўнишини кўриб, бу бир лаҳзалик гўзалликдан кўнгли завқ-шавққа тўлиб кетар, умрининг беҳуда ўтаётгани ҳақидаги ўй-хаёлдан аста-секин фориғланиб борарди. Балки, мана шу сабаб

Боғ билан Самандарни бир-бирига яқин қилиб қўйгандир?! Боғ ҳам Самандарнинг назарида унга ўрганиб қолгандай эди. Уч йилдан бери у билан суҳбатлашар ва Самандар ўзи енгил тортгани сайин боғ ҳам ташландиқлигини унутаяпти, менга дардларини айтиб бераяпти деб ўйларди. Чунки у кирганда дарахтлар унга нелардир деб, шивирлай бошларди ва унинг кўнгли ҳам овозсиз шитир-шитирларга, чаҳ-чаҳларга тўлиб кетарди. Шундай лаҳзаларда самандар боғ билан ўзининг қалби айнан бир нарса эканлигига сира ҳам шубҳа қилмасди.

Самандар отасининг отхона девори тагидан ялпиз териб келганини ва ўзининг барра гул бедага то чопони ҳўл бўлгунча ағнаганини, майса қулоғидаги ёмғир томчилари унинг бўйнидан ичига тушиб, қитиғи келганини орзиқиб эсларди. Бедага ағнагани худди ляпиз солинган шўрва ҳидидай унинг эъзозли хотираларидан бири эди. У бошқа, ҳеч қаерда, ҳеч қачон ўша кунгидай завқ билан, шодлигидан қийқириб, ўзини батамом бахтли ва эркин ҳис этмади. Талабалик йиллари тоққа чиқиб, майсаларни кўрганда болалиги тутиб кетган, майсаларга мастона-мастона ағнагани, лекин бу ағнаш унга бедага ағнаганчалик завқ бермагани. Боғдаги майсаларнинг қулф уриб яшнаб ётганини кўрганда Самандарнинг ёшлик хумори тутиб кетар, лекин у энди бола эмас эди, атрофдаги баланд-баланд бинолардан аёллар ва эркаклар эрмак учун шунчаки боғни томоша қилиб ўтиришар ва эснаб қўйишарди. Мана энди бу манзаралар у одатдагидай дам олиш кунларининг бирида китоб ўқиб ётганида, булут ичига яширинган қуёш каби хаёлига балқиб чиққан ва бутун хотираларини ёритиб юборган ҳамда гоҳ болаликка, гоҳ отаси ялпиз териб келган олис оқшомга, гоҳ қаровсиз қолган боққа ўхшаб кетадиган ажиб бир хотиранинг торини чертиб юборгани. Самандар бу торнинг кўнглида борлигини илгарилари ҳам сезгани. Энди эса бу ўйчан ва хазин оҳангга қўшилиб, ўзи ҳам саркашлик ва ўйинқароқлик билан ўтган, лекин ҳозиргига қараганда мазмунлироқ ва бахтлироқ бўлган болалик кўчаларига ва ўша олис оқшомга мана бу ташландиқ боғ орқали ўтиб борарди. Боғ энди унга фақат хотиралар макони эмасди, балки, умрининг бир қисми ҳам эди, ким билади, эҳтимол умрининг айнан ўзи ҳамдир.

II. ҲАЗОНРЕЗ

Куз қандай келганини Самандар деярли сезмай ҳам қолди. Мезон ойининг бошларида сафарга кетдию, ўн кунлардан сўнг қайтиб келди. У қайтиб келган куни шаҳарга ёмғир ёққанди. Ёмғир шу даражада енгил ёғандики, эдики, гўё кимдир бутун шаҳар устига ҳўл рўмолчасини бир силкитиб олгандай эди. Шаҳардаги дарахтлар ҳали ўз рангини йўқотмагани. У кечқурун боғ айлангани чиқди-ю, тонг қолди: бу ерда куз аллақачон бошланган, қуриган новдалар чирт-чирт узилиб тушарди. Энди боғ ёздагидан ҳам кўра аянчли тусда эди. Ёмғир тафти аралаш ер ҳиди келаётган бўлса-да, Самандар кўпроқ куйинди ҳидини сезарди. Бу ҳид фаррош аёл болалар боғчаси атрофини супураётганда боғдан учиб борган хазонларни ёқиб юборган жойдан - кекса ёнғоқ дарахти тагидан келаётганди. Самандарга бу ҳид ноҳуш нарсдан даракчи бўлиб туюлди. Бир ҳафталардан сўнг столида уч дона номозшом гулининг сўлиб ётганини кўрди-ю, ногаҳон куз келганини ва бунга ўзининг ишонгиси келмаётганини англади. Гулларни уч кун олдин қизи болалар боғчасидан - гулзордан узиб келгани, сўнг отасига мақтаниб кўрсатган эди: қизи гулни ҳадеб искарди. Самандар ҳатто ақли етмаган гўдак ҳам гўзалликка бунчалар шайдо бўлишини кўриб, ҳаяжонланиб кетгани. Қизининг юзи ҳам эндигина очилган ғунчадай яшнаб турарди; қизи унинг китоблари билан овора бўлиб, гулни стол устида унутиб қолдирган, у келтирганда гулларнинг сарғиш гулбарглари ҳали сўлим эди. Самандар уч кунча олдин гулларни столида кўриб, ухлаб ётган учта гўдакка ўхшатгани; энди эса, қовжираб қолганда улар болаларга яна ҳам кўпроқ ўхшар, фақат уларда ҳаётдан асар ҳам йўқ эди. Гуллар қуриб, малла тусга киргани. Самандарнинг уларга кўнгли ачишди-ю, столи устидан олиб ташлагиси келмади; гулларнинг биронта ҳам

барги тўкилмагани, улар ўлим билан мардонавор жанг қилгани. Бу йил куз, унинг назарида, бошқача келди. Энди тўкилаётган хазонларни у кузнинг тириклик ва ўлим ҳақидаги қасидаси деб эмас, балки ҳарир кўйлак кийган, хаёлидаги ва боғдаги мусиқага мос рақс тушаётган фаришталар деб ўйлай бошлади.

Самандар кечқурунлари ишдан қайтар экан, тролейбус деразасидан барглarning қандай тўкилаётганини кўриб, юраги орзиқар, уларнинг бунчалик тез тўкилаётганидан ҳайратга тушарди. Автобус ва тролейбус шарпасидан йўл бўйидаги дарахтларнинг барглари дув тўкиларди. Кечки қуёш шуъласида Самандар барглarning қандай ялтираб кетганини ва ҳавода узоқ пирпираб турганини кўрганда, бир пайтлар қандайдир кинода кўрган денгиз чағалайлари эсига тушарди. Чағалайлар ҳам кўм-кўк денгиз устида оғирликларини гоҳ у- гоҳ бу қанотига солиб учар ва тонги қуёшда уларнинг оппоқ қанотлари жилваланиб кетарди. Тўкилаётган барглар эса қандайдир улкан идишдан узлуксиз тўкилиб турган тафтсиз митти юлдузчаларга ўхшарди ва ҳавода узоқ пирпираб туриб қоларди. Самандар шунда таниш ёш шоирнинг куз ҳақидаги сатрларини эсларди ва хаёлан бу сатрларни такрорлар экан, шеърдаги ташбеҳдан ҳамиша ҳаяжонга тушарди.

Баъзида деразадан саратонда ўзи бир-бирига тумшукларини тираб, боғлаб қўйилган қайиқларга ўхшатган шох энди шип-шийдам бўлиб қолганини кўриб, қайиқлар денгиз бўйлаб қаёққадир сузиб кетган, кўрфаз бўшаб, энди фақат феруза денгизгина қолди деб ўйларди. Бу денгизда ҳам тез-тез бўронлар бўлиб турар, уни қоп-қора довуллар қоплар, қийқирганларида тўда-тўда булутларни қайгадир қувиб ўтиб қолар, жала пайти эса боғдаги хазонлар ростдан ҳам қайиқчалар каби қаёққадир оқиб жўнардди.

Самандар кўнглига оқиб кираётган шу тахлит кечинмалардан ўзини маст бўлиб қолгандек сезарди. У бу туйғулар қалбига оқиб кирган сайин мулоҳазалироқ, мулойим, дилгир бўлиб бораётганини англади ва ҳозирги ҳаёти аввалги ҳаётидан мазмунлироқ туюларди. У авваллари йиллаб бирон марта ҳам чин юракдан ғуссага тушмаганини, ҳайратланмаганини таажжуб билан эсларди. Ваҳоланки, ўшанда ҳам шу боғ бор эди. Куз ўшанда ҳам худди шундай сирли туюларди. Сабабини ўйларди-ю, тагига ета олмасди, лекин менинг бунчалик хазонришта бўлиб қолишимга ўша саратондаги ялпиз солинган шўрва ҳидини эслаганим сабабчи бўлди, бўлмаса, мен бу оламда ғафлатда ўтиб кетардим. Бу гўзалликларни сезмай қолардим, деб ўйлай бошларди. Баъзида эса куз ҳам, боғдаги сукунат ҳам, хазонларнинг рақсга тушаётгани ҳам, кўнглидаги кечинмалар ҳам ва ўзи ҳис этаётган ботиний гўзаллик ҳам - ҳаммаси кўнглидаги ўша туганмас кўшиқнинг давомидай бўлиб туюлар ва ўша кўшиқ кўнглини энди тобора забт этиб олаётганини сезиб қоларди. У кузнинг аста-секин уйига ҳам бостириб кираётганини дафъатан сезиб қолди. Бир ойча олдин хазон боғнинг ўзида уйилиб ётганини кўрганди. Бир неча кундан сўнг эса хазон уй билан боғни ажратиб турган панжарадан ўтиб, йўлкага ҳам сирғалиб ўтганини кўрди. Бир ҳафтадан сўнг эса кечаси довул бўлди. Эрталаб у ишга отланаётганида даҳлизда иккита хазон ётганини кўриб қолди ва шунда куз ҳатто уйга ҳам бостириб кирганидан хурсанд бўлиб кетди. Хотини эса унинг кечаси деразани очик қолдирганидан норози бўлиб, хазонларни супуриб олди-да, ахлат челака ташлаб юборди, сўнг худди юқумли касалликнинг жойини тозалаётгандек даҳлизни яхшилаб артди. Самандар шунда бу хазонлар боғдан менинг уйимга мадад излаб учиб келган деган ўйга борди. Лекин бу ўйини хотинига айтиб масхара бўлишдан қўрқди.

Самандар бир кечаси дераза қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди. У ётган жойидан шошиб турди-ю, гарангсиб деразани ва юпқа ёғоч тўсиқни очди, юзига ёмғир ҳиди, сўнг томчилар урилди. У зим-зиё тунда деразани қоққан кишини қидириб аланглади, лекин ҳеч ким йўқ эди.

Шунда у дераза менинг хаёлимда тақиллаган деб ўйлаб, хотиржам тортди. Бироқ эртасига яна кимдир деразани шошиб қоқди. Самандар деразани очиб ҳеч кимни кўрмади. Яна ёмғир аралаш хазон ҳидини сезди ва энди ўзидан хавфсирай бошлади. Фақат учинчи кунгина «безори»ни тутишга муваффақ бўлди бу - деразаси ёнида ўсган кекса ўрикнинг шохчаси эди. Шамол турганда шохча силкиниб деразани тақиллатарди. Самандар шохчани ушлаб кўриб, унинг ғадир-будир, совуқ эканини сезди: шохчада ҳаёт асари сезилмасди. Азбаройи шохчага раҳми келганидан унинг бандини бир-икки силади-ю, шохчага тегинмади. Унинг назарида куз ўзини безовта қилишга ҳаққи бордай эди. Шохча ўзини эслаганидан хурсанд ҳам бўлди. Бир куни ишдан қайтганида шохчанинг узиб олинганини, қора чирик пўстлоғи қўли кесиб олинган энгдай осилиб турганини кўрди-ю, бу хотинининг иши эканини билди. Эрталаб хотини бир ҳафтадан бери дераза тақиллашидан ухлай олмай чиқаётганидан нолинган эди. Самандар шунда хотини билан ўзи орасида катта жар пайдо бўлаётганини англади: бу жар тобора катталлашиб борарди, назарида хотини ҳеч қачон ўзини тушунмагандай туюлиб кетди. "Ўғулликни бўғиб қўйиш ҳам, ўғулликка нисбатан куч ишлатиш ҳам ер юзидан ҳаёт илдизларини суғуриб ташлаш билан баробардир", - дея ўйлади Самандар қандайдир китобдан ўқиган сўзларини хотирлаб. Самандар шу кунларда бутун вужудига қайдандир келаётган хазин оҳанглар сингиб бораётганини сезарди, бу оҳанглар қаровсиз боғдан таралаётгандай эди.

Самандар вужудида қандайдир таранг тортилган торлар бору, торлар боғдан келаётган оҳангларга акс-садо бераётгандай туюларди. Баъзан торлар гўё танбур торларидай ғўнғиллаб кетарди. Баъзида эса ёмғирнинг боғни ҳафсала билан чўмилтираётганини деразадан томоша қилиб турар экан, ёмғир ўзининг кўнглидаги ғуборларни ҳам ювиб кетаётганини ҳис этарди.

Октябрнинг иккинчи ҳафтасида кун бирдан исиб кетди. Ердан, айниқса, боғдан буғ ва ҳовур кўтарилди. Ҳовурдан чирик хазон ҳиди анқирди. Ҳатто одамлар кўйлакчан юра бошлашди. Бу мавридсиз ҳароратга алданган боғнинг чеккасидаги майсалар яна қайтадан ям-яшил бўлиб бош кўтарди. Самандар ишдан эртароқ қайтаркан, кўёш ҳали ботмаган, майдалаб ёмғир ёғарди. Бутун шаҳар рутубат қўйнида эди. Самандар ишхона ёнидаги хиёбон оралаб кета бошлади. Хиёбон ўртасидаги фаввора атрофида одамлар гавжум эди. Ёмғир томчилари бошқа кундагига нисбатан бугун негадир одамларнинг завқини қўзғатиб юборганди.

Томчилар юзлардан оқиб, ёқаларининг ичига кириб кетаётган бўлса ҳам негадир ҳеч ким жунжикмасди. Ёмғир томчилари илиқ ва роҳатбахш эди. Самандар фаввора ёнида томчиларга кафтини тутиб турган яшил ёмғирпўшли етти-саккиз яшар боланинг бошида тождай порлаб турган камалак ёйини кўриб, ҳайратланиб бир зум йўлак ўртасида тўхтаб қолди. Камалак боланинг бошида тождай ярақлар ва томчилар фониди товус патидай жимирлаб кетар эди. Бошида тож борлигини боланинг ўзи ҳам билгандай, юзида, кўзларида ғурур ва ҳайрат жилваланарди. Қўли билан ёмғир томчиларини қучоқлаб олмоқчидай шахти бор эди унинг. Салдан кейин бола катак-катак соябон кўтарган онаси билан зинадан кўтарилиб кетаётганда камалак ёйи боланинг белига осилиб қолди. Бу ўғул манзара эди. Бола ҳам ёмғир томчиларига юзини тутиш учун бир зум тўхтаганда камалак боланинг ёмғирпўши билан уйғунлашиб, яхлит бир сурат ясади. Энди камалак боланинг белида қиличдай осилиб турарди. Бола эса онасининг тортқилашларига қарамай ҳамон юзини осмонга тутиб турар, белида эса рангин шамшир ўйноқлар, бола ҳаракатига мос қилич бир йўқолиб, бир пайдо бўларди. Самандар токи бола зинадан ғойиб бўлгунча унга маҳлиё бўлиб қараб турди. У кўпдан бери бундай манзарани кўрмаганди. Кўрган бўлса ҳам парво қилмаганди; олти ойча олдин табиат инъоми бўлмиш ҳар бир манзарада инсонни поклайдиган қандайдир синоат бор дейишса, у ўша кишининг устидан мазах қилиб кулган бўларди; ҳозир эса ташландиқ боққа қараб, ўзини кашф этар экан, ғафлатда бунчалик узоқ қолиб кетганига ҳайрон бўларди. Камалак энди зинанинг ўзида қолган

ва енгил ҳилпираб турарди. Самандар хиёбондаги фаввораларда пайдо бўлган яна бир неча камалакка кўзи тушди. Фавворалар юқорига отилар экан, ёмғир томчиларига урилар, ёмғир томчилари эса ўзидан ранг-баранг камалакларни таратарди. Қуёш қия ботаётганидан Самандар турган жойдан фаввора устида ловуллаб атиргуллар очилгандай бўлиб кўринди. Фақат бу атиргулларнинг гулбарглари турли рангда эди. Фаввора атиргули ёмғир томчиларини енгиб, бир юқорига кўтарилар, шунда атиргулнинг яшил гулбарглари кўпаяр, бир пасга солланиб эгилар ва қизил гулбарглари ловуллаб кетарди. Самандар бир неча сония қотиб турди ва юраги ҳапқириб кетди, назарида фаввора устига осмондан қучоқ-қучоқ атиргуллар ёғилаётгандай бўлди. Хиёбондаги майсалар яшил кўйлак кийган болалардай завқ билан юзларини чайишарди.

Самандар бекат томон борар экан, яна икки марта бурилиб фавворага қаради. Энди у йерда камалак жилваланмасди.

Самандар кейинги кунларда ҳам шу манзаралар таъсирида юрди. У баҳорда ёки саратонда эмас, айна бутун борлиқ хазон бўлишга, чиришга, сўлишга юз тутган фаслда ўз қалбидаги фаввора устига тушаётган гулларни кўрганидан хурсанд эди.

III. БАҲОР ГУЛЛАРИ

«Буюклик ва гўзаллик ҳамиша ёнма-ён турса керак», деб ўйлай бошлади Самандар шаҳарда ўриқлар гуллаб, йўлакларни оқ-қизғиш гулбарглар қоплаб олган ва кўнглида ўзидан кўра улўғроқ бир шижоат уйғонаётганини англаган, ҳар бир гўзаллик бутун таровати ва фусункорлиги билан кўнглига оқиб кираётганини ҳис этган пайтлар Боғ баҳор келиши билан бирдан ўзгача яшилланиб жўнаганди. Самандар ҳатто ўтган йили қуриб ётган дарахтларнинг қовжираган шохларида куртаклар ўсиб чиқаётганини кўрганди. Гарчи чиркин ҳиди ҳамон таралиб турган бўлса ҳам, энди боғдан кўпроқ кўкат ҳиди келарди; бир ёввойи ғурур билан очилиб яшнаган анвойи гуллар ҳам боғга ўзгача фусункорлик бағишланганди. Гулларни, айниқса, ялпизни кўрганда Самандар завқланиб кетарди. Ялпизлар ҳам бу йил ҳар йилгидан кўпроқ эди. Болалар боғчасидан оқиб келиб, боғнинг этагини айланиб ўтадиган ариқча атрофида бир қулочча жойда ялпизлар гуриллаб ўсиб чиққанди. Бу жой кекса жўка дарахтининг орқасида, кўздан пана жойда бўлгани учун ялпизни бу йил ҳеч ким юлиб ташламаганди. Самандар боғдаги гўзалликдан руҳи тиниқлашиб бораётганини сезарди. У кўнглида уйғонаётган туйғуларнинг булоқларини боғдан топгандай эди. Энди у ҳар куни боғга чиқар ва ярим соатча боғни айланар, кўнглида бирдан ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган кечинмалар пайдо бўлаётганини ҳис этарди; бу кечинмалар шунчалик нафис эдики, Самандар бу нафисликни беҳосдан йўқотиб қўйишдан қўрққанидан оҳиста қадамлар билан юрар: кўксида жуда нозик гуллардан терилган гулдастани кўтариб юрганга ўхшарди.

Самандар ўз хаёлидан ва боғдан таралаётган олам билан уйғунлашиб борар, уйғунлашган сайин қалбида кўпроқ ташналикни ҳис этарди. Самандар бир неча ойдан бери зариф туйғулар билан яшарди, у бу туйғуларни қайта йўқотиб қўйишдан қўрқар ва шунинг учун ҳар лаҳза қаршисидаги қаровсиз боғнинг битта гўзал томонини кашф этар ва тобора у билан уйғунлашиб борарди.

Бир куни ишдан қайтиб, хотинига хонасини боғга қараган деразаси олдига жой қилдирди: столни тахтлаб бўлгач, оромкурсига чўкканча, боғни томоша қила бошлади. Хотини чой олиб келди; изидан ўзи ҳам курси келтирди-да, эрининг ёнида ўтирди. Тўсиқ-панжара билан қатор қилиб экилган, лекин қаровсизлигидан шохлари панжаралардан ошиб тушган гуллар улардан атиги бир неча қадам нарида яшнаб ётарди.

- Гуллар негандир бу йил бошқача очилди, - деди хотини унга қарамай. - Негандир бу йил

кўнгилга жуда яқиндек туюлаяпти.

- Ҳар йили ҳам шундай очиларди, - деди Самандар, - фақат биз эътибор бермасдик.

- Билмадим. Ҳар қалай, бу йил жуда бошқача, - деди хотини, - қараб турсанг, ҳар бир гул панжаралардан бошини узатиб қараётган қизалоқларга ўхшаб кетади.

- Тўғри, улар билан болалар ўртасида қандайдир ўхшашлик бор, - Самандар хотинининг топқирлигидан завқланиб кетиб, унга кулиб қараб қўйди. Хотини унинг гапини деярли эшитмади ҳам. У ўзининг таассуротларини бирдан гапириб қолишга ошиқарди, чоғи.

- Қараб турсангиз, гуллар ҳам бир-бири билан жуда берилиб гаплашаётганга ўхшайди; - деди яна хотини, - қулоғинга қикир-қикир кулганлари эшитилгандек бўлади, агар бирон гул тебраниб қолса, ҳаммаси бирга қўшилиб тебранишади.

- Гуллар ҳам худди биз каби яшайди. Тўғри, бизга қараганда қисқароқ, лекин яшайди. Олдинлари гулни маъшуқа қизга ўхшатишган. Қаранг, қандай гўзал. Самандар аруздаги икки байтни бармоқ оҳангига солиб ўқиди.

- Бу кимдан? Бизда одамни гулга ўхшатмайди, шекилли, - деди хотини, - мен одамни гулга ўхшатишни қандайдир япон ёзувчисидан ўқиганман.

-Бобурдан. Мен ҳам илгари шундай ўйлардим, - деди Самандар ва хотини бир пайтлари ўзи билан адабиётларга муносабат масаласида ҳеч келиша олмаганини эслади. - Лекин тўққиз ой олдин Навоийни ўқий бошлагач, бу фикримдан қайтдим.

- Одам гулни кўрганда кўнглида нимадир туғилади-ю, сўнг дарров йўқолади, афтидан, у йўқолмаса керак, бизнинг ўзимиз унутсак керак, - деди хотини яна гулзорга қараб.

Самандар хотинига ҳайратланиб қаради.

- Баъзида гулни кўрганда кўнглинг шундай яшнаб кетадики, бирдан яшариб қолгандай ҳис этасан ўзингни. Шунда ўзинг-ўзингга хунук кўриниб кетасан, бирдан бошқача яшагинг келиб қолади.

Самандар хотинига баттар ҳайратланиб боқди. Чунки хотини унинг кўнглида кечаётган, у бир неча ойдан бери тушуниб етолмаган нарсаларни жуда содда қилиб тушунтириб берган эди. Бирдан хотини билан ўзи ўртасида жар қурган ўша куз оқшомини эслади. Балким, ўша жар уларни айрича қилиб яқинлаштиргандир? Жар кўп нарсаларга тўсиқ бўлган-у, лекин уларнинг айнан бир нарсани ҳис этишларига, айнан бир нарса ҳақида бир хил фикрга келишларига йўл очиб бергандир? Ҳар қалай, Самандар ҳозир ҳижолат тортди.

- Ростдан ҳам, оқ атиргул гўзал бир қизга ўхшайди, - деди у ўзининг қизариб кетганини хотинидан яшириш учун. - қаранг, ана у гулбарглари - қат-қат сочлари, қизғишроқ яллиғи бор гулбарг эса юзи... Соч юзни оҳиста ҳовучлаб турибди... гўзал бир ҳикоя чиқаркан... Нима дедингиз? Сўзга уста бўлсам, ўзим ёзардим.

Хотини унга яйраб тикилди. Самандарнинг ҳаяжони унга ҳам кўчганди, юзи қизил туман чангланиб кетгандайин, кучсизгина қизарди.

Қизи эшиқдан югуриб кириб, ўзини онасининг қучоғига ташлади.

- Ойижон, мен оламушук куйдим, - деди у тилини ясаб, эркаланар экан. Онаси унинг бошини силади. Лекин гулзордан кўз узмай:

- Гулларнинг номини жуда топиб қўйишади-да, - деди, - тугмачагул, гулибеор, қирқоғайни, оққалдирғоч... ростдан ҳам, қалдирғочга ўхшайди. Қизлигимда менга нуқул оққалдирғоч совға қилишса, деб орзу қилардим.

-Мен эса атиргул совға қилганман, - эслатди Самандар, хотинини илк бор оппоқ кўк гулли кўйлақда учратгани кўз олдида келди. «Ростдан ҳам ўша пайт оқ қалдирғоч га ўхшарди», ўйлади у дафъатан.

- Тўғри, - деди хотини, унга бир кўз ташлади-ю, уялиб олиб қочди. - Карамга ўхшаган улкан атиргул эди. Лекин ҳиди ҳалигача димоғимдан кетмайди, ўша гулни эсласам, негадир анови атиргуллар кўримсиз бўлиб қолади. Балким бу ёшлик хотираси бўлгани учундир?

-Анови гуллар қуёшчаларга ўхшайди, - деди қизчаси, дераза раҳига осилганча, қўли билан панжара ағнаб ётган жойдан кўринаётган гулларни кўрсатиб. У отаси билан онаси нима ҳақида гаплашаётганини дарҳол англаб олган эди ва унинг чарос кўзлари ҳам ҳайрат, ҳам гўдаклик аралаш порлаб турарди.

Самандар қизи кўрсатган томонга қараб, сариқ мойчечакларни кўрди.

Мойчечаклар митти қуёшчалар каби яшнаб турарди ва ҳозир Самандарнинг кўзига бу митти қуёшчалардан таралаётган нурлар бутун боғни чароғон нурларга тўлдириб юборгандай бўлди. У қизнинг гапидан энтикиб кетиб, уни қаттиқ қучиб олди. Ўзининг ҳаяжондан ёшланган кўзларини хотинидан яшириш учун кўзларини оҳиста юмди. Бирдан кўз олдини ялтираб турган ўргимчак уясидек тўр қоплаб олди; тўрнинг ҳар бир катагидан яшил шуълалар тараларди. У қобоғини озгина ҳаракатга келтириши билан яшил шуъла алвонлашар ва бутун кўз олди қип-қизил рангга тўлиб кетарди. Бу унинг юзига тушаётган қуёш нурларининг киприкларида акс этаётган жилвалари эди. Хотини унга худди бир энди кўраётгандек қараб турар, қуёш нурлари эрининг юзини оппоқ атиргулдай яшнатиб юборганидан дафъатан ҳайратга тушганди. Самандар кўзларини очганда хотини ўзига тикилиб турганини кўрди. Кўнглини хотинининг кўзларидан таралаётган ҳайрат ва фароғат эгаллади. Ўзи ҳам хотинига ҳайрат билан боқди. У ҳеч қачон хотинининг кўнглини ўзига шу дақиқадагидек ҳамоҳанг ва яқин ҳис этмаган эди.

У дераза олдида юзини сўнаётган офтобга тутганча ўтирарди. Хотини билан қизи ошхонага ўтишди. У ердан қизининг қандайдир қўшиқни хиргойи қилаётгани эшитилди. У курсига яхшилаб жойлашиб олди.

Хавода кўкат ҳиди аралаш гул ҳиди бор эди.

Қуёш уфқ ортига яширинди. Уфқ алвон рангга беланди: ҳозир феруза осмон фониди бу ранг жуда тиниқ ва равшан эди. Феруза рангдан ҳам алвон рангдан ҳам мусаффолик тараларди. У уфққа қараб ўтирган куйи беихтиёр бир йил муқаддам курсдошлари билан бир дўстининг қабрига борганларини эслади. Марҳум тенгдошлари ичидаги энг ювош ва келишган йигит эди. У машинасида тўсатдан фожиали ҳалок бўлганди. Сабоқдошлари билан етиб борганда марҳумни энди чиқаришаётган экан. Марҳумнинг барваста гавдали отасининг йиғиси Самандарнинг юрак-бағрини эзиб юборса ҳам негадир Самандар йиғлай олмаганди. Бу хабар бутун тенгдошларини тўсатдан эсанкиратиб қўйганди. Улардан ҳеч ким йиғламади. Ҳамма бошини эгиб тураверганди. Бу бошқаларга шумшук кўринаётган бўлса-да, йиғлашаётганлардан кам қайғуришмаганди.

Самандар марҳумни кўмишаётганда оппоқ матонинг ичидан унинг юзини кўргандек бўлганди: юзи ҳам оппоқ эди. Кейин кўмиб бўлишгач, кимдир қабр бошига бир тувак сариқ атиргул қўйди. Самандар ўша куни гулга унчалик эътибор бермаган эди. Бироқ эртасига яна сабоқдошлари билан қабрга боришганда, кечаги гулларнинг ичида фақат биттасигина бир кечада қовжираб қолганини кўрди. Бошқа гулларнинг гулбаргларида ҳам сўлимлик акс этса-да, улардан ҳали ҳаёт нафаси уфуриб турарди. қуриб қолган гулнинг гулбарглари ҳам тўкилиб, қабр атрофига сочилиб кетган эди. У ўша куни гул билан одам бир-бирига жуда ўхшаш эканлигини ҳис этганди. Бир кун олдин қўйиб кетган гуллардан бири қабр бошида бир кечада тўкилиб бўлгани унинг хаёлидан ҳеч кетмади. У марҳумни эслаган сайин кўз ўнгига унинг оппоқ, келишган юзи келар ва ўлимига ишонгиси келмади. Лекин у марҳумни эслаши билан ҳаёт ва ўлим ораси бир қадам эканлигини ҳис қилар, ўзини ҳам қовжираб бораётгандай сезар ва ваҳимага тушарди. Сўнг у бу туйғуга кўникиб қолди. Қачон гул билан қабрни ёнма-ён кўрса, ҳаёт билан ўлим ораси бир қадам эканлиги эсига тушар, гул ва қабр, марҳумнинг юзи ҳеч хаёлидан кетмай қоларди. Унинг хаёлидан аста-секин гул, қабр ва марҳумнинг оппоқ юзи уйғунлашиб кетди: назарида аввал марҳум гулдай қовжираб тўкилган, изидан эса гул

тўкилганди. Қабр билан гул орасига атиргулнинг сариқ гулбарглари тўкилиб тушарди. Ўша пайтда у сариқ атиргул билан қабр ўрасидаги бу қадар мутаносибликдан ҳайратга тушганди.

Бу манзаралар мана энди у худди уфққа тикилиб тургандай, хотиралари деразасидан унга тикилиб турарди.

Ҳозир ҳам у марҳумнинг юзини эслаши билан хотирасига лип этиб гул ва қабр қалқиб чиқди. Шунда у ўлимнинг бир қадам нарида турганини ҳис этди-ю, умрининг бунчалик қисқа эканлигидан бирдан вужудини титроқ босди. «Бу иккаласининг ораси бунчалик яқин, - деб ўйлади у, - одам бир марта тўйиб нафас олишга ҳам улгурмайди». Сўнг уфққа қараб хотирасидаги ва кўнглидаги ваҳимани қувмоқчи бўлди. Бироқ ловуллаб ёнаётган уфқда ҳам сариқ атиргул ва қабр пайдо бўлди. Сариқ атиргулнинг гулбарглари оҳиста тўкилар, ловуллаб ёнаётган уфқдан қип-қизил чўғга айланиб ерга учиб тушарди. У хаёлидан гул ва қабрни ҳайдаш учун кўзларини юмди; бироқ гул ва қабр кўз олдидан кетмади; аксинча, уфқдаги қип-қизил олов бирдан асов шамол гирдобига тушган қип-қизил лолаларга айланди; лолалар у ёқдан бу ёққа тебранар экан, бир зум қоқ ўртада турган сариқ атиргул ва қабрни ютиб юборар, яна гул ва қабр қалқиб чиқаверарди. Самандар бундан ларзага келди: бу манзара хаёлида энди узлуксиз адвом этишини англади ва кўзларини яна қаттиқроқ юмиб олди; шу дақиқада бу манзарада қандайдир ҳузурбахш гўзаллик таралаётганини, кўнгли бирдан ҳамма нарсадан холи ва айни дақиқада ҳамма нарсага алоқадор, ўзи, вужуди билан кўз олдидаги манзаранинг бир бўлаги эканлигини, буни ҳис этиш қалбида тарахҳум ва зариф туйғулар уйғотаётганини ҳис этди.

«Ҳар бир инсон қалбида олам билан уйғунлашишга ташналик бор, - дея ўйлади Самандар, - бу ташналик хунуклик ва турмушнинг кундалик туманлари ичида гарчи йўқолиб кетгандай туюлса-да, у бор, унинг борлигини билиш учун инсон ўз қалбини излаб кўриши керак; инсон умрининг мазмуни аслида ана шу ташналиқдир...».

Осмон бинафша рангга кирган эди; боғ устида сариқ атиргулнинг бир дона гулбаргидай ой қалқиб турарди.

Самандар буларнинг ҳаммасида теран бир умумийликни англади; у ҳамон қаровсиз боғни - кўнглини тинмай кузатарди.

У кейинги кунларда ўзини ҳам гул деб ўйлай бошлади; буни аввал у боғдаги панжара орқасидаги қаровсизликдан шохлаб кетган атиргулнинг ҳиди димоғига урилганда, кўнглида ҳам қандайдир бир нарса яшнаб очилиб кетганини сезган пайтда ҳис этганди; кейин бу ўхшатиш унинг миясида чарх уриб айлана бошлади ва Самандар ўзининг ҳам гул эканлигига энди шубҳа қилмай қўйди. Ўзини гул деб ўйлаш энди унга бачкана ҳам, беўхшов ҳам туюлмасди. Аксинча, бу ўхшатиш жуда табиийдай эди. Ҳатто у ўзининг қалбида қандайдир гул пориллаб очилганини, бутун танасига қучоқ-қучоқ ҳид таратаётганини сезгандай бўларди. Бу гул унинг назарида лолага ўхшарди.

Лоланинг гулбарглари ҳовучида бир томчи шудринг ўйноқларди; шудрингдан тонгнинг мусаффо ҳавоси таралар ва Самандарнинг вужуди бу гўзаллик қаршисида мадорсиз бўлиб қолар, танаси ҳузур қилар, гул эса тобора яшнаб борар, кўксига пора-пора чайқалар, бутун вужуди шу гулнинг нозик гулбаргларидек, оҳиста титраб кетарди.

Бошқа бир кун у панжара ортидаги атиргулни узиб олди-да, хонасига жўнади. Қизи ҳали боғчадан қайтмаган эди. Хотини унинг қўлидаги гулни кўрди-ю, тувак келтириб берди.

- Умиданинг хонасига қўя қолинг, - деди у кўзлари яшнаб гулни ҳидлар экан.

Самандар бош чайқади; ўзи ҳам гулни шунинг учун келтирганди. Гулни қизининг хонасига тувакка қўйди-да, қизининг қароватига ўтириб, уни томоша қила бошлади.

Қизининг гулни кўриб, қанчалик қувонишини ўйлаб, кўнгли яшнаб кетди.

У жилмайиб қўйди.

Юрагининг қуюқ туманлари орасидан - қаровсиз боғдан бу кўримсиз гулни топиб олганидан хурсанд эди.

Гул ёлқинланиб, хонани безаб юборгандай туюлди.

«Қизимга бу гулни сўлитма, дейман - дея ўйлади у, - ва гулни қандай парвариш қилиш кераклигини ўргатаман”.

Самандар гулга қараб эгилиб олган, хотини эса эшиқдан гўё хонадаги иккита гулни томоша қилаётгандай гулга ва эрига ҳайрат аралаш тикилиб турарди.

ОЗОД ҚУШЛАР

Ҳаёт муъжизалардан иборат эканлигига сен ҳам ишонардинг. Сен ҳам бу асрдан мўъжиза кутиб яшардинг. Ҳолдан тойиб ишдан қайтар экансан, кичкинагина муъжаз уйингда тўшакка чўзилганча, ёлғизлик салтанатидай кўримсиз, ҳувиллаган хонангда қандайдир мўъжиза рўй беришини кутиб яшардинг. Бу мўъжиза бир неча дақиқадан сўнг юз берадигандай ўз хаёлларингдан ўзинг лаззатланардинг. Сен мўъжизасиз ҳам бахтли эдинг. Ер юзидаги миллионларча одамлардек осойишта ҳаёт кечирардинг. Ҳар ҳафтанинг сўнгида ўртоқларинг билан чойхоналарга, истироҳат боғларига борардинг. У ердан кайфиятинг кўтарилиб баҳри-дилинг очилиб қайтардинг. Бироқ негадир ўз ҳаётингни ўзгартирадиган, шавқ-у завқ олиб келадиган мўъжиза кутиб яшардинг. Бу мўъжиза гоҳ гўзал бир қиз, гоҳ лоторея ютуғи қиёфасида, гоҳ қандайдир ўзинг ҳам билмайдиган қиёфада кўз олдингда намоён бўларди. Бироқ мўъжиза сенинг хонангга тўсатдан кириб келишини, бутун ҳаётингни остин-устун қилиб юборишини ҳали билмасдинг. Сен ҳаётингдан ва ҳаёлинг жомидан тўкиладиган шаробдан масту мустар эдинг.

Ўша кун сен ишдан яёв қайтдинг. Кўчада бўлажак аёз кунларнинг элчиларидай изғирин изғиб юрар, сенинг ёноқларингни, бурунларингни чимчилаб ўтарди. Ундан ўзингни ҳимоя қилиш учун қунишиб олгандинг. Тезроқ уйга етиб олиб, иссиқ хонангда мириқиб чой ичишни кўз олдингда келтириб, тезроқ юришга ҳаракат қилардинг, изғиринни худди ўткир қиличдай тилимлаб кетиб борардинг. Ўз кўчаларингга бурилганингда сен сал олдинроқ кетаётган қизил пўстинли, сочи елкасига ёйилган, бўйчан жувонни кўриб қолдинг. Бу кўчада яшайдиганларнинг барини деярли танирдинг. Дуркун оёқлари, бежиримгина тебранаётган елкаларига қараб жувоннинг ҳали жуда ёш эканлигини ҳис этдинг. Кўчада икковингдан бўлак ҳеч зоғ йўқ эди. Кайфиятинг чоғ эди. Шу сабабли аёл билан бемалол суҳбатлашининг мумкин эди. Тез-тез қадам ташлаб, аёлга етиб олдинг, сўнг у билан ёнма-ён кета бошладинг. Шундагина аёлнинг ҳаддан таддан ташқари гўзал эканлигини билиб қолдинг. Аёл сенга бир қаради-ю, индамай кетаверди. Унинг кўзлари гўзал, жодули эди. Елкасига ёйилган сочлари худди қоядан тўкилаётган селдай силкиллаб турарди. Аёл сени батамом мафтун қилиб қўйган эди. Изғирин эса сенга рашки келгандай юзларингни тинмай чимчилар, аёлнинг эса оппоқ тиззаларини кўз-кўз қилиш учун этакларини очиб юборарди. Аёл сенга қарамай, дарҳол этакларини ёпар, сен унинг эндигина оқариб келаётган тонг шафағидай билинар-билимас қизариб кетганини кўриб қолардинг. Аёлнинг лаблари изғирингга жаҳл қилиб титраб кетар экан, негадир бу сенга хуш ёқарди, аёл сенга осмондан юборилган тухфадай, беихтиёр завқинг келиб, жилмайиб қўярдинг. Сен аёлнинг бу шаҳарлик эмаслигини сезгандинг; аёлнинг юзи сўлим, тиниқ ва оппоқ эди. Кўнглингда меҳмонни кўрганда туғиладиган мезбонлик туйғулари жўш уриб кетганди. Аёл бизнинг кўчага адашиб кириб қолган бўлса керак деган уйга боргандинг.

- Бу ерлик эмассиз, чоғи, - дединг томдан тараша тушгандай, тўсатдан, сирли қалъадаги қўшинни чамалаб кўраётган маккор лашкарбошидек синовчан оҳангда.

- Йўқ, шу ерликман, - деди аёл йўлида давом этар экан, сўнг сенга қараб, майингина жилмайиб қўйди. Сен аёл ҳазиллашяпти, деб ўйладинг. Бироқ аёл жуда жиддий ва қатъий оҳангда гапирётган эди; у бу кўчани кўпдан бери биладигандай эркин ва хотиржам кетиб борар, муюлишлардан ҳам чалғимай ўтарди. У ростдан ҳам аниқ мақсад билан кетаётган сирли қўшинга ўхшарди.

- Унда бу кўчада турмасангиз керак, - дея саволингни дарров ўзгартирдинг.

Бу орада сен яшайдиган уйга яқинлашиб қолгандиларинг. Шу сабабли аёлдан ажралиб қоладигандай безовта бўла бошлагандинг. Вужудингга аёлнинг гўзал кўзларидан сен кўпдан бери кутган ва ҳар кеча ўйлайдиган қизнинг соғинчидай ширин бир орзиқиш оқиб кирганди.

- Йўқ, шу кўчада яшайман, - деди аёл ва шу сўзлари билан сени бутунлай янчиб ташлагандай кибрли назар ташлади. Сизлар ўзинг яшайдиган уйга бурилар экансизлар, яна сўрадинг:

- Қизиқ, мен ҳеч кўрмаган эканман-да, сизни.

- Мен ҳам, - деди аёл.

- Яқинда кўчиб келдингизми?

Аёл энди сенга хўмрайиб тикилди. Хўмрайиш ортида яна қанча саволлар берасиз, бунча шилқим бўлмасангиз деган нозли бир эркалаш бор эди.

- Мен шу ерда туғилганман. Ота-онам ҳам шу ерда яшашган.

Сен батамом тонг қола бошладинг. Бу маҳаллада фақат ўзинг танийдиганлар яшайди, деб ўйлардинг. Бу кўчада этиқдўз иккита жухуддан бошқа биронта ҳам ўзга кишиларни кўрмаган эдинг. Кўчадагиларнинг ҳаммаси сенга таниш эди. Бироқ аёлнинг ота-оналарини эслай олмадинг. Зотан бу кўча сени ва сенинг болалик тасаввурингни серямоқ этагига солиб катта қилган қадрдон кўча эди. Сен уйинг рўпарасига келганда таққа тўхтадинг ва аёлдан ажралгинг келмай, уни уйга таклиф қилмоқчи бўлдинг. Бироқ аёл ҳам сен баробари тўхтади ва сенга ҳайрон бўлиб тикилиб, сумкасидан нимадир излай бошлади.

- Мана шу менинг уйим, - деди аёл ҳам тантанавор, ҳам хайрлашган оҳангда.

Сен жилмайдинг. Аёл сени яшайдиган бу ўйни билади ва ҳазил қиляпти, дея ўйладинг. Лекин аёлнинг ҳаракатлари қатъий эди. У ростдан шу уйда яшайдигандек тутарди ўзини. Шунда эсингга ҳамиша бирон ғаройиб воқеалар ўйлаб юрадиган ошноларинг тушди ва даъфатан мияннга аёлни тағин улар жўнатган бўлмасин, деган фикр келиб қолди. Аёлнинг кўзларидан ҳозиргина отилиб, кейин сочилиб кетадиган ҳазилнинг кўринишларини излай бошладинг. Бироқ аёл ҳамон жиддий, афтидан, ҳечам ҳазиллашгиси келмаётгандай сенга синовчан тикилиб турарди. Унинг кибрли ва мафтункор кўзларидан, чиройли, оппоқ юзларидан, заҳархандалик билан қимтиб олган лабларидан атрофга ёт бир малоҳат тараларди. Аёл сумкасидан худди сенинг қўлингдагидек калит чиқариб, эшикни оча бошлагач, бир зум эсанкираб қолдинг.

- Кечирасиз, - дединг иложи борича қувноқ товушда. - Мен ҳам шу уйда яшайман.

Аёлнинг кўзларида ҳайрат ва ғазаб жилваланди. Сўнг булранинг ўрнида қаҳр ўйноқлай бошлади. У сени қандайдир кўча шилқими деб ўйлаётган эди. Унинг кўзларидан бу фикрни ўқиб олдинг-у, хўрлигинг келди.

- Агар ишонмаётган бўлсангиз, мана, марҳамат қилинг.

Сен уни четга суриб, ўз калитинг билан эшикни очдинг. Энди аёл сенга қизиқсиниб, бир эшикка, бир қўлингдаги калитга қараб қўйди, ниманидир ўйлаб, сенга шубҳа билан тикилганча туриб қолди.

-Балки ўғридирсиз, - деди соддалик билан деярли шивирлаб. - Бекор қиласиз, бизникида ўғирлашга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ.

- Қани эди, - дединг ўзингни қувноқ тутиб, - балки ростдан ҳам ўғридирман. Бироқ бу уй менга отамдан, отамга эса отасидан қолган.

- Менга ҳам отам-онамдан қолган, - деди аёл. - Уларга ҳам отасидан қолган.

- Уч хоналими? - деб сўрадинг сен хаёлингга келган режада бирдан қувониб, аёлни синаш учун.

- Ҳа, уч хона, ундан ташқари - айвон, ошхона, кўмирхона, қазноқ бор.

Сенинг ҳайратинг кўнглингда шубҳага айланаётган эди. Агар ҳозир отанг тирилиб келди, деса ҳам бунчалик ҳайратга тушмасдинг. Аёл сен яшайдиган ўйни беками-кўст тасвирлаб берганди. Сен энди аёлга шубҳаланиб тикилиб қолдинг. Балки, бу аёл эмас, қандайдир инсу-жинсдир? Сен ҳеч қачон жинларга ва ажиналарга ишонмасдинг. Бироқ ҳозир ишонгинг, тавба қилгинг келарди.

- Қизиқ, - дединг сен сўлғинлик билан, - балким, меҳмонхона деворига тоғнинг сурати солингандир?

- Бўлмасам-чи,- деди аёл. - Гуллар очилиб ётган тоғ этагининг сурати бор.

- Девордаги суратчи? Кимники. У одамларни ҳам танирсиз?

- Ҳа. У ерда ота-онаминг сурати осилиб турибди.

- Ётоқ деворига қизил гилам осилган бўлса керак?

- Тўппа-тўғри, отамга ўртоғи совға қилган.

Сен ҳайратдан ўкириб юбораёздинг. Аёл сенинг уйинг ва сенинг отанг ҳақида гапирмоқда эди.

Сен мўъжизага ишонардинг-у, бироқ мўъжизанинг бу тариқа ташриф буюришини сира ҳам хаёлингга келтирмагандинг. Мўъжиза ҳам худди аёллар каби маккор бўлиши мумкинлигини сен ҳали билмас эдинг.

- Сиз қаердан биласиз? - дея сўради аёл ҳам энди сенга ажабланиб тикилиб.

- Ахир мен шу уйда яшасам, қандай билмаслигим мумкин? - бақириб юбординг сен бироз асабийлик билан.

Изғирин гоҳ сенинг, гоҳ аёлнинг юзида ўйноқларди. Аёлнинг этаklarини кўтарар, сенинг ёқангни ҳилпиратиб, жиғингга тегарди. Сен жуда ҳам совуқ қотдинг.

- Балким уйга кирармиз, - дединг сен аёлга ер депсинганча, - оёғим қақшаб кетяпти.

- Меники ҳам.

Иккаланг ҳам ҳар куни кириб-чиқиб турадиган йўлак бўйлаб, сўнг зинадан кўтарилиб, айвонли уйга кирдиларинг. Сен туғилганингдан бери юравериб, кўзингни юмиб ҳам топишинг мумкин бўлган уйда биринчи марта сени ёт бир аёл бошлаб борарди. Сенга қадрдон бўлиб қолган ҳовлига, икки туп ўрикка, кичикинагина гулзорга, тунука ёпилган ошхона томига худди энди бир умр айрилиб қоладигандек нажот излаб боқардинг. Кўксинг юрак учун ардоқли бўлганидай, бу уй сен учун ардоқли ва азиз эди. Уйингдаги осойишталикдан ва осудалиқдан тонглари роҳат қилиб ўйғонардинг. Бепоён денгизда сузаётган кемадек, сен ана шу осудалиқ қўйнида кун бўйи оҳиста сузиб юрардинг, худди гўзал бир қўшиқнинг нақоратидай, сен уйдаги осудалиқ мусиқасини баъзи-баъзида эҳтиёткорлик билан бузиб, ўзингнинг бахтли эканлигингни билдириш учун ғўнғиллаб-ғўнғиллаб кўярдинг. Назарингда ҳеч ким сени бу ердан ҳайдаб чиқаролмайдигандек ва буларнинг ҳаммаси қандайдир англашилмовчиликдай бўлиб туюлганди. Аёл мезбон каби мулозамат, илтифот билан муомала қилганча, эргаштириб борарди. Сизлар аввал айвондан, сўнг биргина даҳлиз орқали меҳмонхонага кирдиларинг. Ҳамма жиҳозлар сен қандай жойлаштирган бўлсанг, ўша ҳолатда турарди. Бундан сен хурсанд бўлиб кетдинг. Уйдан сенинг ҳидинг келарди. Буни сен даҳлизга кирган заҳотиёқ сезгандинг. Аёл эса худди ҳамма нарса ўзига тегишлидай эмин-еркин тутарди ўзини. У этигингни ечадиган жойни кўрсатгач, сен ҳар куни кийиб юрадиган шиппакларингни сенга мулозамат билан узатди. Меҳмонхонада ҳам ҳамма нарса сен қўйгандай жой-жойида турарди. Қайсидир йили бориб маҳлиё бўлиб қолган, сўнг расом дўстингга айтиб чиздирган тоғ этагининг суратидан баҳор нафаси уриларди. Сен суратдаги харсанг устида пастдаги кўзичоққа хезланиб турган улоқчани кўриб, кўнглинг бир оз жойига тушди. Булар бари сеники эди. Сал олдин ичингга олган яна адашган бўлмайдиган деган шубҳага асос йўқ эди. Бу ердан сени ҳеч ким қувиб чиқариши мумкин эмас эди. Кўнглинг хотиржам бўлиб, сени ҳайрон бўлиб кузатаётган аёлга зафар қозонгандек ғолибона тикилдинг.

- Эрим қайсидир йили тоққа чиққанда шу манзара ёқиб қолибди, - деди аёл сенинг девордаги манзарага тикилиб турганингни изоҳламоқчидек. - Бир расом ўртоғини бошлаб келиб, деворга шу суратни чиздирди.

Сен аёлга яна кўрқиб тикилиб қолдинг. У менинг фикримни ўқиб олиб ўзимга айтмаяптими, деган шубҳага бординг. Ахир ҳар куни мўъжиза содир бўлиб турган бу асрда одамнинг фикрини уқадиган машина яшаш ҳам ҳеч гап эмас-ку? Сен тагин машина-робот бўлмасин, деган шубҳада аёлни синчиклаб кузата бошлардинг. Йўқ, унда машинага хос ҳеч қандай хусусият йўқ

эди. Ҳатто у жуда гўзал ва жозибали эди. Бу гўзалликдан сенинг юрагинг дукурлаб, беҳаловат ура бошлаган эди. Сен буларнинг ҳаммаси тагин тушим эмасмикин, деб ўйлаб қолдинг. Бу ўй ҳатто сенга таскин бергандай, сени юпатгандай бўлди. Тушда ҳар нарса бўлиши мумкинлиги бирдан қалбингдаги шубҳа ва гумонларни қувиб юборди ва сен ўзингни худди тушдагидек тута бошладинг. Аёлга кулиб, хотиржам тикилдинг. Уни кулдиргинг, кўнглини олгинг келди. Чунки барибир тезда уйғониб, бу англашилмовчиликлар барҳам топишига ишонар эдинг. Уйғонгач эса, сени ҳеч ким уй меники деб тергамас эди. Ҳеч қандай чалкашлик ҳам юз бермасди. Тонгда уйғонардинг-у, ўз уйингга ёлғиз хўжайин бўлиб, чой қайнатиб ичардинг, тўшагингда хоҳлаганча ағнаб-ағнаб ётардинг. Ҳеч ким сени таъқиб этолмаган бўларди. Бироқ туш узоқ ва сўнгсиздай давом этар, хатар ва гумонлар кўнглингга кўпроқ ёпирилиб кирарди.

- Ана у эса ота-онамнинг сурати, - деди аёл, - дарвоқе, буни сиз биласиз, шекилли?
Сен ота-онанг сурати осилиб турган жойга қарадинг ва даҳшатдан мурдадай қотиб қолдинг. Суратда отанг ва онанг сенга ҳар доимгидай кулимсираб, меҳрибонлик билан боқиб турарди, уларнинг кўзи, юзи, тикилиши - ҳаммаси сенинг ота-онанг эди. Бироқ бошидан ҳеч қачон дўпписини ташламаган отанг ялангбош, сочи ҳам алланечук патила эди. Онанг эса худди ёнингдаги аёлга ўхшаб сочларини ёйиб юборган, унинг сочлари ҳам худди аёлникидай тилларанг ва елкалари оша тўкилиб турарди. Сен бирдан ваҳимага тўхдинг ва кўзларингга ишонмай, довираб, аёлга тикилиб қолдинг.

- Уйнинг ҳужжатини кўрсам бўладими? - дединг шоша-пиша.
- Марҳамат!

Аёл сенга уй дафтарини келтириб берди. Ҳужжатда ҳамма нарса жойида эди; уй аёлга тегишли эканлиги тўғрисида кичкина изоҳ билан салобатли муҳр бор эди. Сен нариги хонага ўтиб, ҳужжатлар ётган жавондан ўз номингдаги уй дафтарингни ахтара бошладинг. Орқангдан ҳайрон бўлиб қараб турган аёлга эътибор бермай, ҳамма нарсани худди ақлдан озгандек ҳар ёққа сочиб ташладинг. Ниҳоят, эскириб, варақлари кўчиб кетган уй дафтарини топгач, қувончдан бақириб юбординг:

- Мана, мана бу ерда уй менга тегишли эканлигини билдирувчи муҳр бор.

Аёл ҳайрон бўлиб, сен узатган дафтарни варақлай бошлади. Сўнг сенга қараб, бурнини жийирди-да, яна қайтариб берди ва димоғи аралаш мазах билан кулиб кўйди. Ҳеч нарсага тушунмай, бир унга, бир дафтарга шошиб қараганча варақлай бошладинг. Уй сеники эканлиги тўғрисидаги тегишли муассалар чиқарган қарор ёзилган варақ бўм-бўш эди. Сен батамом довираб қолдинг ва аёл ўзингга энди янада кўпроқ шубҳа билан қараётганини кўргач, Ҳар оқшом ўтириб газета ўқийдиган дераза олдидаги эски ором курсига ўзингни беҳол ташладинг. Сени буткул гумонлар чулғаб олган эди. Нажот излаб бутун уйни кўздан кечирдинг. Нимадир эсингга тушиб, чўнтақларингни тита кетдинг ва қип-қизил жилдли пастпортингни топгач, ирғиб туриб, аёлнинг кўз олдига бориб варақлашга тушдинг.

- Мана бу ерда ёзилган... мана бу ерда... - Дея хансираб бақирдинг. Бироқ бирдан дамнинг ичингга тушиб тўхтаб қолдинг, иш жойингда маош ераётганда кекса, инжиқ кассир юз марталаб синчиклаб текширадиган «Яшаш жойи» деган варақда иккита узун чизиқдан бошқа ҳеч қандай белги йўқ эди.

Сен яна ором курсига чўкканча бошларингни чангаллаб узоқ ўтирдинг ва шунда яна мен туш кўраётган бўлсам керак, деб ўйлай бошладинг. Аёл эса тепангда сенга ҳамон шубҳа ва ажабланиш билан тикилиб турар эди. Ким билади, у шу дақиқаларда сен тўғрингда нималарни ўйлади экан. Балким биронта учига чиққан қаллоб деб ўйлагандир; балким ўзи айтгандай муттаҳам ўғри деб ўйлагандир, балким кўчада юрадиган биронта шилқим деб ўйлагандир, балким уйига сурбетлик билан кириб олган босқинчи, деб ўйлагандир. Ҳар қалай, унинг

кўзлари сенга хавфсираб тикилиб турарди. Агар бу туш бўлса, сен ҳеч қачон бунчалик узоқ туш кўрмагандинг. Ҳар қандай хатарга юрагинг дош бермай уйғониб кетган бўлардинг. Лекин сен уйғонмасдинг. Қачон уйғонишинг ҳам номаълум эди. Балким сен уйғонгунча оёғинг остига яна бир аср йиқилар, балким сен ачрнинг устига йиқилиб тушарсан. Балки, сени уйғотишга менинг бу мадорсиз ва кучсиз сўзларимнинг қудрати етишмас. Балким бу сўзлар сени уйғотиш ўрнига, сени кўпроқ ғафлат чоҳига қараб етаклар? Тушмиди бу? Агар туш бўлса қачон уйғонардинг? Буни мен ҳам билмасдим, буни сен ҳам билмасдинг. Қачон уйғонасан сен?! Бу рўё салтанатини кўз олдиндан қачон супуриб ташлайсан? Бу салтанат сени тобора ўзига тобе қилиб, муте қилиб борарди. Сен ором курсисига чўкканча ожиз қиёфада ўтирардинг.

- Балким, уй хўжалиги бўлимига бориб учрашиб кўрармиз, - дединг сен ниҳоят аёлга умид билан тикилиб. Аёл сенинг кўзларингдаги илтижони кўриб, раҳми келди, шекилли, елка қисди. - Марҳамат, менга барибир.

У ўзига ишонар, шунинг учун ҳам сен билан дунёнинг нариги бурчагига ҳам ҳеч иккиланмай бига бораверарди.

Сизлар изғирин ўйноқлаётган кўчага чиқдиларинг. Иғирин яна аёлнинг этагини ўйноқлай бошлади. Иккаларинг ҳам гунг ва бир оғиз гаплашмай, жим кетиб борардиларинг. Сен шу даъфада ҳеч нарсага ишонгинг келмасди. Гўё буларнинг барчаси рўё эди. Бироқ сен айна пайт ухлаб ётганингни, уйғоқ эканлигингни ва қандайдир номаълум аёл билан бирга кетаётганлигингни англардинг. Сен бундай рўёни ҳатто тушларингда ҳам кўрмаган эдинг. Тушингга ҳамма нарса кирарди. Эҳтимол, бу аёлни ҳам қачонлардир тушингнинг кўчаларида кўргандирсан. Лекин сен ота-онанг, бобокалонларинг яҳаб ўтган ўрни ўзиники қилиб олган ва яна ҳаммаси тушдагидай эмас, ўнгдагидай содир бўлган воқеани ҳеч қачон кўрмаган эдинг. Сен ўзингга ҳам ишонгинг келмасди. Балки мен ҳеч қачон яшамагандирман. Бу уй ростдан ҳам аёлга тегишлидир ва мен тунгги капалак каби бу уйга адашиб кириб қолгандирман, деган фикр дамо-дам хаёлингда чарх урарди ва аёлга шубҳа ва илтижо билан тикилиб-тикилиб қўярдинг. Шунда бирдан шу кунларда газеталарда шов-шув бўлган бир воқеа эсингга тушганди. Шаҳардаги тарих музейида ёшгина ходимани бўғизлаб кетишганди. Газетадаги хабарларга кўра, ходим ўша куни кечга томон ишдан сўнг ўз хонасида ишлаб ўтирган эди. Сўнг тўсатдан бутун музей шовқин-сурон ва тўполон бўлиб кетган эди. Музей қоровул хонасидан югуриб чиқаман деб пушонасини эшикка уриб олганди. Унинг эшиги қулфлаб ташланган эди. Шунда музейнинг кенг залида қандай шовқин бўлаётганини кўриш учун калит тирқишидан мўралаган ва ходимни найзаларининг учига илдириб чиқаётган қандайдир дубулғали кишиларни кўрган эди. Газетада қоровулнинг руҳий беморлар касалхонасида ётгани ёзилган эди. Музей ходимининг нимталаб ташланган жасади ёнидан еттинчи асрда ясалган қилич топиб олишган эди. Одамлар бу воқеани турлича изоҳлашарди. Кўплар бошқа сайёрадан тушган одамларнинг иши деб баҳолашарди. Кўплар эса мутлақо ишонмасди. Турли шарпалар касалхонада ҳам қоровулнинг кўзига кўриниб турибди, деб айтилган эди газеталарда. Сен бу хабарга мухбирбаччаларнинг навбатдаги ўйдирмаси, деб ишонмагандинг. Лекин ҳозир бирдан ишонгинг келиб қолганди ва аёлга бирон шарпа ёки бошқа сайёрадан тушган одам эмасмикин, деб гумон билан қарагандинг. Йўқ, у арвоҳ эмас эди ва бошқа сайёраликлигини билдирадиган ҳеч қандай аломати йўқ эди. У ўзингдан ҳам кўра табиyroқ, сўлимроқ, гўзалроқ эди ва ёнингда аёзли осмонни тантанавор кезиб юрган ҳилол каби мағрур ва мафтункор қиёфада кетиб борарди. Сенинг кўринишинг сувга бўктирилган кучукдай аянчли эди. Бутун вужудинг муқаррар мағлубиятдан қалт-қалт титради. Уй хўжалиги бўлимига сен деярли умид қилмасдинг, шундай бўлса ҳам таваккал қилиб кетиб борардинг. Аёл эса ўзини безовта қилганидан норозидай баъзи-баъзида минғирлаб қўярди.

Сенга ҳамиша уй ҳақини ўз вақтида тўла, деб пўписа қилиб юрадиган бўлим мудирини сизларнинг гапларингизни ҳайрон бўлиб эшитди, сўнг қандайдир ҳужжатларни текшириб, сенга ғазаб билан тикилиб турди-да:

- Уй қурилгандан буён бу хонимга тегишли. Сен қаяқдан келиб қолдинг? - деди.

Сен индамай ташқарига йўл олдинг. Бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ўзинг ҳам сезгандинг. Аёл билан биргаликда энди сеники бўлмаган уйга қайтдиларинг. Аёлнинг мезбонга ўхшаб қилаётган мулозаматидан энди ғашинг келмасди; аёлга индамай бўйсиниб борардинг.

- Агар хоҳласангиз вақтинча қазноқдан жой қилиб беришимиз мумкин! - деди аёл уйга қайтиб кирганларингда, сенинг сўлиб қолганлигингдан раҳми келиб. - Совуғу, лекин начора, қиш ўтса, бирорта жой топиб оларсиз.

Сен рад этгандек бош силкитдинг. Ором курсисидан узоқ ўтирдинг. Деразаларга тун пардаси тортилгач, секин ўрнингдан туриб, ҳозирлана бошлардинг.

- Кийимларимни олсам майлими? - сўрадинг аёлга тақдирингга тан бергандек.

- Қандай кийимлар?

Сен кийим жавонида териб қўйилган кийимларингга ишора қилдинг.

- Ахир улар эримнинг кийимлари-ку? - сал бўлмаса ҳайрон бўлиб бақирди аёл ва худди сен тортиб оладигандек жавоннинг олдини келишган қомати билан тўсиб олди.

Сен у билан тортишиб ўтирмадинг. Қўпқуруқ, сўппайиб кетаётган қўлларингни сени вояга етказган дарчалар ва эшиклардан яшириш учун чўнтагингга тикиб батамом тор-мор этилган қўшиндай таниш йўлак орқали уйдан секин чиқиб кетдинг...

... Бу, тушнинг охири эмас эди. Бу ибтидоси эди. Бу тушни сен менга ўша совуқ изғиринли кунда гапириб бергандинг. Сенинг юзларинг умидсизлик ва ёлғизликдан гезариб кетган. Сен бу тушни гапирар экансан, мен ўзимга ишонмай қолгандим. Бу тушни сен менга гапириб берганмидинг ё менинг ўзимми?! Сен шу пайтда изғиринли кўчада манзилсиз дайдиб юргандирсан, аёз супургиси сени ҳам бу оқшом саҳнасидан батамом супуриб ташлаш учун синган туғнинг бир парчасидек аёвсиз тортқилар, ғазовот ўтида ёниб, учиб келаётган кўчманчи мўғул аскарининг эгнидаги қора рўдаподек сени осмон-фалак қўйнида тинмай ҳилпиратар. Лекин бу тушни сен кўрдингми, менми, ғануз билолмадим. Мен сени шундан кейин фақат бир марта учратдим. Сен Қ. майдонида ёввойи каптарларга дон сепиб ўтирардинг. Кўзларинг орзуманд порлаб турар, юзинг бахтдан яйраб кетганди. Мен сени кўпдан бериш шу ҳолатда кўрмаган эдим. Каптарлар сен ҳар дон сепганигда ҳуркиб, гуриллаб ҳавога кўтарилар, сўнг ҳеч қандай хавф йўқлигини билгач, қайтиб ерга қўнишар ва кукулай-кукулай сен сепган донларни териб ейишарди. Сен эса уларга худди гўзал манзарани кўргандай қараб турардинг. Мен сенинг ёнингда турганча, сен бу каптарларга қараб нималарни ўйлаётганингни билгим келарди. Сен бу ватансиз қушларга қараб нималарни ўйлаган эдинг? Балким сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб озод қушлар ҳақида ўйлагандирсан? Балки, уларга боқиб ватан ҳақида ўйлагандирсан? Балки туйғуларингни каптарларга айлантириб, узоқ-узоқларга учуриб юбормоқчи

бўлгандирсан? Балки сен ҳеч нарса ҳақида ўйламагандирсан? Сен шунчаки кунни кеч қилиш учун ёки ўзингнинг уйсиз эканлигингни унутиш ва бирон лаҳмга ёки вокзалнинг бир буочагига бориб тунгаш ва вақт ўтиши учун қушларни шунчаки эрмак қилиб ўтиргандирсан? Ёки бу қушларга қараб, уйсиз фақат ўзинг эмаслигинг, оламда миллионлаб уйсиз ва ватансизлар борлиги тўғрисида ўйлаб, ўзингни овунтиргандирсан. Балким сен қалбингни мана шу қушларгагина очгандирсан? Мен сенинг ўша куни Қ. майдонида нималар ҳақида ўйлаганингни ҳалигача билолмадим. Кеч тушгач, ўрнингдан турдинг-да, қорни ёпиниб ухлаётган, деярли йўловчиси йўқ, ҳувиллаб ётган кўчага қараб, қоронғулик қаърига сингиб кетдинг. Мен сенинг изингдан қараб турар эканман, сенинг ростдан ҳам шу даъфа қушга ўхшашинг ҳақида ўйлагандим. Сен қор ўйноқлаётган кимсасиз кўчага қараб парвоз қилиб кетгандинг. Мен

сендан ўша куни нималар ҳақида ўйлаганингни сўрай олмай қолгандим. Кейинчалик ҳам сенга бу саволни бера олмадим. Сен билан бошқа учрашмадик. Сенинг қушларга қараб нималарни ўйлаганингни ҳеч қачон била олмадим, бу менга армон бўлиб қолди. Сўрай десам, ўша куни сенинг каптарларинг ҳам қайларгадир учиб кетган эди. Ўша куни Қ. майдонида кабутарларга дон сепиб, уларни орзуманд ва мастона кузатиб, юзида азоб ва изтироб акс этиб турган паришон йигит сенмидинг ёки менмидим? Балки мен кабутарларга дон сепаётганда ва сўнг кимсасиз кўчага қоронғулик қўйнига сингиб кетганимда изимдан шафқат ва ачиниш билан қараб қолган сендирсан, каптарларнинг қанотларидан менинг орзуларимни ўқимоқчи бўлган ҳам ва кабутарларнинг кичкина, ҳушёр кўзларида ўқилиб турган ҳам балки сендирсан?

Шундан сўнг мен сен ҳақингда турли миш-мишлар эшита бошладим. Сени кимдир маст одамларга қўшилиб, ер ости йўлларида тунаб юрганингни айтди. Кимдир эса сени вокзалда ётиб юрибди деди. Кейин эса иш жойинг ётоқхонасидан жой берди. Сен ҳақингда мен бошқа ҳеч нарса эшитмадим. Кимдир сени узоқ жойга қурилишга кетган деди. Кимдир чўлга кетган деди. Мен уларнинг гапига унчалик ишонмадим. Лекин сенинг биз яшаётган шаҳарни бир умр ташлаб кетганингни билардим ва ҳар кеча мўъжазгина уйимда тўшакка чўзилганча қандайдир бир мўъжиза юз беришини кутиб ётар эканман, гўё мўъжиза худди шу дақиқада юз берадигандек юрагим ширин лаззатдан ҳаприқиб кетарди, шунда беихтиёр сени ва ўша изғиринли кунни эслардим...

АЖР

«...Сен қўшиқ айт, Зубайда, ёниб-ёниб қўшиқ айт - ўзинг кўрмаган бу дунёнинг ранглари ҳақида, офтоб нури, булоқ суви, дарахт гуллари, чечаклар ва қизғалдоқлар ҳақида қўшиқ айт; сен йиғлаб-йиғлаб хиргойи қил-у, бу қўшиқ мени мана шу тўқайдаги қоқи гулига, ҳечқурса ёвшонлардан бирига айлантурсин, мен сени кўриш ва мудом бирга бўлиш учун токи шу юлғунзорда қолиб кетай, сенинг оёқларинг тагига қовжираб тўкилай, майли, ғуборга айланиб сочларингга қўнай, фақат сенинг бўйнингдан уфураётган гул ҳидини ҳидлаб турсам бўлди, сенинг бахту муҳаббат истаб титрат турган кўкракларингга боқиб турсам бўлди...

Мен сени овута олмайман, Зубайда. Сени қушлар чуғури, қандай очилишини сен ҳали кўрмаган гуллар, сенинг шивирларинг каби ер юзига бодраб чиққан майсалар, сочларингни соғинган шабадалар, жимир-жимир ёғаётган ёмғир, тонгги шафақ овутсин...

О, нафақат сен, назаримда яратган ҳам унутиб қўйган бу тўқайга қуёшнинг бир парчаси синиб тушган, йўқ, йўқ, сени парвардигор юлдузлар ичидан топиб олган. Сенинг оғушинг офтобнинг ётоғига ўхшайди, баданингдан беҳишт ялпизининг бўйи келади, кўкрагингдан олма ҳиди анқиб туради...

Мен сенинг кўзларингга термулиб-термулиб ўтиргим келади, сенинг кўзларингдаги кўлга чўкким келади. Сен бу зулмат дунёда сакраб-сакраб ўйнаб юрган нурсан, бу тубанлик шоми чўккан дунёнинг бағрига тушиб турган ёғдусан. Ҳали бу мудҳиш дунёга қувилмасдан олдин, чечаклар гул-гул очилган ва дарахту кўкатларга, ҳашароту ҳайвонларга ҳали исм қўйилмасдан бурун, ҳали ўлим ва ҳаётни касб қилиб олмасларидан олдин одамзотнинг фаришта бўлгани тўғрисида фалакнинг бир туйқус иқрорисан сен... Сен жамики тириклик ўлатдан қирилиб кетган, жамики ўсимлик қувраб-қовжираб қолган, қип-қизил бўлиб жизғанаги чиқиб ётган саҳрода, қарғиш теккан бу биёбонда очилган бир тўп нафармон гулсан.

Кўзларингда фаришталар чўмилган қора туннинг бир парчаси қолиб кетган, йўқ-йўқ, сенга шайдо бўлганларни ҳибс этиш учун фалак сенинг кўзларингда зиндон қурган. Лаънатга йўсоққан биёбондагиларни огоҳ этиш учун эса сенинг кўкракларингда бу дунёга бир жуфт машҳар қўнғироғини жўнатган, неларга қодирлигингни кўрсинлар деб, сени - беҳишт гулини қабр устига қўйгандек бу олам остонасига ташлаб қўйган, йўқ,йўқ. борлиқ сенинг қаршингда чала туғилган гўдакдай хунук бўлиб қолишини билган фалак бу аянч дунёни кўрмасин дея сенинг кўзларингни боғлаб қўйган...»

...Атрофга сиёҳранг тук чўккан эди. Йўл дала узра олтин калавадек чўзилган - ҳаво дим ва теварак жизғанақ бўлиб куйиб ётарди, юлдузлар липиллай-липиллай сўнардилар - ҳаводан куйинди ҳиди келар ва қоқ ўртасидан ёлғизоёқ йўл кесиб ўтган дала тутаб ётарди. Йўлда ялангоёқ кетаётган барваста гавдали одам тутуннинг аччиғидан ўпкаси узилаётгандек тез-тез ва пўк-пўк йўталарди. Унинг эғнида жуда оҳорли камзул осилиб турар, кўйлагининг зарҳал тугмалари сўнаётган юлдуз шуъласида ярқиллаб кетарди. Унинг елкасида патак соқолли, беқасам чопон кийган, жиккаккина чол оёқларини осилтириб ўтирарди.

Кеч тушганига анча бўлганига қарамай, тупроқ иссиқ эди, барваста одам ҳансираб-ҳансираб, зўрға кетиб борарди.

- Эсингдами, - дерди чол ўғлининг ҳарсиллаб қолганига юраги ачишаётгандек ва атрофдаги мудҳиш сукунатдан чўчиётгандек шивирлаб, - ўн йилча олдин шу йўлни туш кўрган эдинг. Айнан шу йўлни. Ўша тушни сен билан бир кечада мен ҳам кўрган эдим - ахир қонимиз бир-да!

Ўшандаёқ сенга раҳмим келган эди, ҳам бағрим манави даладай тутаб кетганди! Анави тепалик ҳам кирган эди, эсингдами, ўзинг ҳам бир ҳафтагача ўша тушни эслаб, хуфтон бўлиб юргандинг. Ҳар қалай шу тушингни сотиб емагандирсан? Ё, уни ҳам бирон нарсага алмаштириб юбордингми? Йўл, дала, тутун, ўкириклар, йиғи-сиғи - эсингдами?

- Эсимда, - хириллади ўғил, - ҳаммаси эсимда.- Ўшанда мен ҳам бир неча кун ухлай олмаган эдим, бу йўлган қандай ўтаркансан, деб. У туш эмас, ёсдиғ эди. Ўша кечасиёқ сенинг пешонангга ёзиб қўйилганди. Мен шундан қўрққан эдим. Сен ахир у пайтлари пешонангга ёзилгани шу деса кулар эдинг-да. Сизлар бу дунёдаги ҳамма нарсаинг оёғини осмондан қилиб ташладиларинг. Ҳамма нарса муаллақ бўлиб қолди. Қаёққа қарама, ёвуз ниятни кўрасан. Сизлар қилган ва қилаётган ишларни кўриб, одамзод ҳамон яшаб келаётганига ишонмай қоламан. Ахир сизларнинг кўнгилларингизда тирноқча эзгулик қолмаган бўлса, бошқа қандай хаёлга бориш мумкин. Олдинлари одамлар ишониларди, яхши кунлар келишига, болаларига, қўшнисига, бир-бирига. Сизлар мана шу ишончини ўғирлаб қўйдиларинг. Энди одамлар ҳеч нарсага ишонмайди, ё тавба, ҳатто боласига ҳам. Орият, номус қолмади одамларда. Сизлар уларни иштон кийган ҳайвонга айлантдиларинг. Қандай иснод! Тўрт кишига бошлиқ бўлиш учун хотинини қўшиб қўйишдан ҳам тоймайди булар. Ҳаммаси сенга ўхшаганларнинг касофати. Ё гапим ёлғонми, а?!

Ўғил индамади - икки-уч марта ич-ичида инграб қўйди. Қаеридир чидаб бўлмас даражада оғриётгандек кўзларини юмиб очди. Пешонасидан оқиб тушган тердан кўзи ачишарди. Дармони қуриган, йиқилай-йиқилай деб кетиб борарди. Теварак-атрофга кулоқ битиб қоладиган даражада бир неча сонияга сукунат чўқди, гўё тун ҳам, тутаб ётган дала ҳам, гоҳ-гоҳида қайдандир эшитилиб қоладиган бўриникига ўхшаш увиллашлар ҳам ўғилнинг иқрорини эшитиш учун бир зум тин олгандай эди. Ҳар қандай савол ҳам жавобсиз қолмаслигини, эртами-кечми, барибир жавоб топилишини, фақат саволга жавоб бергани, уни ошкора тан олгани одамнинг юзи чидамаслигини, бироқ кўнгилнинг бир чеккасида бу саволдан алангаланган жавоб бутун юракни кўйдириб туришини чол ҳам, ўғил ҳам сезар, шундай бўлса ҳам ўғил миқ этмас, гўё гапирса йиқилиб тушадигандай ҳансирар ва шип-шип этган товушдан бошқа сас чиқмасди ундан.

Сукунатни яна отанинг товуши бузди.

- Ҳеч нарса деёлмайсан! Қайси юз билан гапирасан?! Сендайлардан туғилмасларингдан олдин воз кечиш керак эди. Лекин, афсус, сизлар туғилдиларинг, униб-ўсдиларинг, сўнг униб-ўсган ерларингга тупурдиларинг, униб-ўстирган одамларнидиларинг. Яна кўкракларингга муштлаб «халқпарвармиз, ... парвармиз» деб даъво қилдиларинг.

- Бўлди...- ингради ўғил. - Бўлди, бас... қирқ йилдан бери шу бир гапни такрорлайсиз... Чарчаб кетдим. Бас!

- Мен-чи, мен чарчамадимми? - Чолнинг товуши зорланиб чиқди. - Менга осонми?!

- Ахир қирқ йил бўлди! Қирқ йилдан бери шу саволни такрорлайсиз...

Қирқ йилдан бери шу гап, шу таъна! Адоғи борми бу йўлнинг?! Мен ҳам одамман ахир...

- Оз қолди. Жуда оз қолди. Елкангдан тушаману мен ўз йўлимга кетаман, сен ўл йўлингга...

Бошқа қайтиб кўришмаймиз... Кўришмаганимиз ҳам тузук. Мен ўзим ўстирган теракнинг қандай ёнаётганини кўришни истамайман. Мен ўша, сен билан охирги марта юрган қоя остидаги ғорга кетаман, менинг у ерлардан бош олиб кетишим мумкин эмас, менинг қоним тўкилган у ерларга. Ўша қоя эсингдами? Сен мени Бухородаги табибга кўрсатиш учун олиб чиққан эдинг, эсингдами?

- Эсимда! - хириллади ўғил. - Ҳаммаси эсимда! Нега бунча эгзасиз?

- Хайрият, - деди чол, - ақалли шунга ҳам шукр. Ҳар қалай ўша кунни сотмабсан, шунга ҳам

шукр. Ёи бу хотиранинг - ислиқи бир чолнинг ўлими тўғрисидаги хотиранинг ҳеч кимга кераги бўлмадими? Ёки сотишга, ўзигни ошкор этишга қўрқдингми?! Майли, шунга ҳам шукр, баъзан қўрқоқлик ҳам имонни асраб қолади. Майли, шукр...

Сиёҳранг тун қуюқлашиб борар эди. Тутун кўзни ачиштирар, димоғни куйдирар, ўғил тинмай йўталарди, теваракка пала-партиш ташланган яланг оёқларнинг бесаранжом саслари тараларди. Ҳаво дим ва бўғиқ, йўл эса бениҳоя эди.

- Сизларнинг катта хатоларинг шуки, Уни таъқиб қилдиларинг. Унга қўшиб, ҳамма нарсани таъқиб қилдиларинг. Аслида ҳамма нарсанинг бошланғичи У эди. Чунки У дунёнинг исми эди, У бу азалий дунёга исм берган, зеб берган уста эди. Дунёни Ундан ажратиб олиб бўлмасди... Сизлар буни тан олмадиларинг...

- Чарчадим, - деди ўғил астагина. - Бунчалик оғир бўлмасангиз? Елкам эзилиб кетди. Оёғимда дармон қолмади.

- Буни мен эмас, сенинг ўзинг истагансан... Ўзинг мени шунга ундадинг. Ўша куни бу менинг хаёлимда ҳам йўқ эди. Сендан ҳатто миннатдор эдим - касал отасини кузатиб бораётган шундай ўғлим бор деб... Бу йўлни сенинг ўзинг танлагансан.

Ўғил ихраб-ихраб кетарди. Унинг пишнаши демаса ҳамон ваҳимали сукунат ҳукм сурарди, фақат атрофда қандайдир сассиз шарпалар айланиб юрар, улар жуда кўп эди, афтидан. Бутун дала бўйлаб югуриб юришар, лекин қадам товушлари эшитилмас, баъзан йўлга яқинроқ бостириб келишар, сўнг ҳансираш ва пишнашни эшитиб орқага чекинишарди.

- Ўшанда мен харсанглар орасидаги ташландиқ ғорга кириб кетдим, - давом этди чол, - кун совуқ эди, ундан кейин биров менинг шарпасни сезиб қолишидан қўрқардим. Биринчи кунлари жуда зерикдим, атрофда гаплашадиган ҳеч ким йўқ эди; кундазлари тоғма-тоғ сакраб тоғ эчкиларини қувиб юрардим. Токи онанг хабар топгунча, мен шу ҳолатда ёлғиз яшадим. Бир куни кечқурун ғорга онанг кириб келди - худо раҳмат қилсин, у жуда яшариб кетган эди, у ҳаммасини кимдандир эшитибди, шу сабабли мендан ҳеч нарса сўрамади, фақат «Қоядан нарироқ юрсангиз бўларди-ку, ахир унинг бир куни шундай қилишини билардингизку?» деди. Шўрлик, қанччалик қилмишингдан эзилмасин, сени ногаҳон қарғаб юборишдан қўрқарди; иккаламиз ҳам тилимизни тиярдик, ўша кунни эсламасликка ҳаракат қилардик, агар озгина қарғасак ҳам у дунёю бу дунё куйиб кетарди. Онанг ўша кезлари ҳар куни келиб турарди, у ёқларда қаёқдан келяпсан деб сўралмайди, бунга ҳожат йўқ, ҳамма марҳумларнинг борар ва келар жойи битта. Биз ғорда тошга бош қўйганча сенинг қандай туғилганингни, қандай той-той бўлганингни, чўғга қўлингни қандай босиб олганингни эслаб ўтираодик: у ёқларда фақат хотирагина кишига ҳузур беради, бошқа ҳеч нарсанинг мазмуни қолмайди; мен сенга ачинаман, сен ахир бу дунёдаги қилган ишларингни қандай қилиб эслайсан - эслашинг билан арвоҳлар қузғуни бошингга балодай ёпирилади. Сенга ачинаман... сени ҳеч ким аямайди... бир неча кундан сўнг кечаси ғорга қилич-қалқон таққан отлиқ кишилар кириб келишди; улар уч кунгача ғорда қолиб кетишди, негадир ғорда мени кўриб ажабланишмади; улар бу ғорда ҳар хил қўноқларни учратишга одатланиб қолгандилар чоғи, бизнинг тилимизда, сал бураб гапиришарди, дубулғачиларнинг бири оқсоқ эди; менинг ғорга келиб қолиш саргузаштимни эшитишгач, сендан жуда ғазабланишди, ҳатто оқсоқроғи ҳозир бориб чопиб ташлайман деб ирғиб турди, лекин мен кўнмадим, ўғлим айбдор эмас, ўзим йиқилиб тушдим деб алдадим. Дубулға кийганлар мен билан уч кунча яшашди. Улар ҳам менга ўхшаб ўз ажали билан ўлмаган эдилар, гапларига қараганда бири жангда, бири суиқасдда, бири касал бўлиб ўлганди. Отлиқлар юз йиллардан бери бир вақтлар ўзлари забт этган мамлакатларни айланиб юришаркан ва ҳар йили қиш тушиши олдидан Чинмочинга юриш уюштиришар ва ҳар доим мағлубиятга учрашаркан. Кейин улар мени ўзлари билан олиб кетмоқчи ҳам бўлишди, бироқ оқсоғи кўнмади, афтидан, у менга ишонмади. Бир қанча вақт ўтгач, яна юриш уюштириш учун ўзларининг ўликлардан иборат лашкарларини йиғишга жўнаб кетишди. Мен ғорда яна ёлғиз

қолдим. Фақат кунора хабар олгани онанг келиб турар, менга сен ҳақингда ва шотирларинг ҳақида ҳикоя қилиб берарди; мен унинг гапларига ҳеч бир ажабланмасдим, шусиз ҳам сенинг қилмишингдан хабардор эдим; ўхў, сен қанчадан-қанча одамларга жабр қилмадинг, қанчадан-қанча бегуноҳларни қамаб ёки отдириб ташламадинг. Сен қилган ҳар бир иш учун мени уларнинг ота-боболари қистовга олишарди, мен эса ўша ёқда энди ёвуз ниятингнинг навбатдаги қурбони ким бўларкан, унинг марҳум қариндошлари кўпмикан деб, юрак ҳовучлаб турардим. Сени қанчадан-қанча арвоҳлар қарғамади. Сен одамларнинг ўзингдан кўрқишини, зор титраб туришини орзу қилардинг, уларнинг ожизлиги ва ночорлиги сенга ҳузур бағишларди. Улар ҳаётда ўз ташвишларидан ҳам муҳим нарсалар борлигини хаёлларига ҳам келтирмасди, сен буни билардинг, билиб туриб қилардинг барча ярамасликларни. Сендан ёвуз одамни бу тоғлар ҳали кўрмаган... туф... Энди ҳам кўрмасин... Сен охиргиси бўл! Сенинг қилаётган ишларингга Караб туриб ҳар доим ўлик сенми ёки менми деб ўйлардим, тани ўлгандан сўнггина одамнинг ўлик ёки тириклиги маълум бўлади. Хомтама бўлма, лекин сен фанода бирормарта ҳам тирикларга хос иш қилганинг йўқ, сен нимаики қилган бўлсанг, ўзим учун қилдинг. Шундай! Ўлим - ман тириклик! Сен ўликлар орасида қайта тирилар экансан, ҳатто оддийгина, «нима учун яшадим? Деган саволга ҳам жавоб беролмайсан. Сени ҳатто оддий ўликлар ҳам ўз сафларига қўшмайди, сен қум қуюни қоплаб олган саҳрода ёлғиз ўзинг абадий кезиб юрасан, абадий! Бу саҳро ҳеч қачон тугамайди; ойлар, йиллар, авлодлар тугайди, лекин бу саҳро ҳеч қачон тугамайди; ана шунақа. Ҳу, ана, қорайиб кўринаётган ғор - ўша саҳронинг эшиги... Йўлинг сени тўғри ўша ёққа олиб боради. Яқинлашиб ҳам қолдик. Мен сени ўша ергача кузатиб қўяман. Дадил бўл. Ҳечқурса ғордан ўтаётиб мени уялтирма, шусиз ҳам менинг юзим шукут бўлиб қолган...

- ... Анави қз ким? Нега тўқайзорда ёлғиз ўзи юрибди? Қадам ташлашлари ҳам бежо.

- Неъмат калнинг тнғич қизи. Ҳар доим шу тўқайда қўзи боқиб юради.

- Нега қўлини олдинга чўзиб юради?! Кўриниши абгор, нима, эси пастроқми?

- Эси-ку жойида, унда балоннинг эси бор. Лекин у бахтиқаро бўлиб туғилган. Ҳамма бало шунда. Бўлмаса бундай сулув қиз бу ўртада топилмайди. Унинг кўзлари басир. Чиппа кўрмайди. Она қорнидан шундай бўлиб тушган. Шунинг учун ҳам қўлларини олдинга чўзиб юради...

- У ҳеч кимнинг кузатувисиз юрадимми?! Шу ҳолида-я?!

- Э-е, уни ким ҳам кузатиб юрарди. Отасининг бундан бошқа олти қизи бор, ташвиши шусиз ҳам етарли... Бу эса отасига қўзи боқиб беради. У қўзиларни исидан танийди. Қўзилар уни ҳеч қачон ташлаб кетишмайди, шу атрофда ўтлаб юришади. Кеч бўлгач, уйга ўзлари айтади. Ана шундай у қиз...

Ешикни ямоқ тўн кийган ўрта яшар одам очди. У ичкарига кўрқа-писа назар ташлаб, ўзига қаттиқ тикилиб турган кўзларни ҳис этгач, секин ичкарига кирди. Изидан эшик секин ғичирлаб ёпилди.

- Хўш, нима гап? - деди ичкаридаги овоз.

Тирқишдан сирғалиб кираётган хирагина ой нурида унинг чарм камзули ялтираб кетди. Кирган одам остонадаёқ тиззалаб ўтириб олди. Гап бошлашдан олдин камзулли одамнинг авзоини билмоқчидек, унга зингил солиб қаради. Бироқ шилпиқ кўзлари барваста шарпа устида қалқиб турган хумдай қорадан бошқа ҳеч нарсани кўрмади; унинг назарида ичкаридаги одамнинг на юзи, на кўзи, на лаби бор эди, фақат чуур ғорда ёқиб қўйилган бир жуфт шамдай иккита кўз ўзига қадалиб турганини ҳис этар ва ўнғайсизланарди.

- Нима гап? - деди яна ичкаридаги овоз.

- Мен... мен... - Келган одам қоронғулик қаърига тикилди, лекин бояги шайтоннинг соясидай шарпадан бошқа ҳеч нарсани илғамади, - мен пастки чорбоғда ўт ўраётгандим... бу йил беда эрта қувраб кетди.

- Хўш, гапир...
- Шундай йўлнинг бўйида. Ой ёруғида ҳам ўрақолай деб ҳали уйга кетмагандим.
- Бу ерда нега келдинг? - ўшқирди ичкаридаги овоз. - Сенга бу ерга келма дегандим-ку?!

Остонадаги одам чўчиб тушиб, гапини йўқотиб қўйди, тили оғзига косовдай тиқилиб қолди, уни ҳаракатга келтириш учун хийла қийин кечди, бир неча бор қизариш ва қалтирашдан сўнг бўғзидан дафъатан отилиб чиққан товуш ҳеч қандай маъно ифодаламади.

- Шу... шу... ўраётандим... Кейин бирдан...- Ўзини тутиб олди у охири. - Кейин бирдан ов... овозидан танидим. Йўлда Бегмат полвон билан Ҳасан чўлоқ ўтиб боришаётган экан. Улар эрталаб Кўчабулоққа - Сори Ҳайдарникига таъзияга ўтиб кетишганди, ўз кўзим билан кўргандим. Улар бир-бирига шивирлаб гаплашиб боряпти экан...

- Нимани? Эшитдингми?...

- Ҳа, сизни... сизни, отасини ўлдирган, падаркушлик қилган дейишяпти...

Ичкаридаги одам шуъла тушиб турган деразани айланиб ўтиб, бурчакка бориб келди. Яна аввалги жойига келиб деразага орқа ўгириб туриб олди.

Ўртага бир зум сукунат чўқди.

- Тухмат қилма! Занфар!!!

- Тухмат бўлса тош боссин. Ичкаридаги одам бошини қуйи эгиб олди. Орага яна жимлик чўқди. Унинг нафас олиши оғир ва хирилдоқ эди. Бу сукунат нақадар хатарли эканини сезган остонадаги одам безовта бўлиб, қимирлаб қўйди. Ичкаридаги одам унга эътибор бермади, тиззаларига тикилганча узоқ туриб қолди.

- Мулла Хидирникида нима гап? - деди у сўнг мутлақо бошқа оҳангда.

- Пойлаб юрибман. - Остонадаги одам бирдан енгил тортиб жавоб берди.

- Сайфул эшон билан Шукур қизил келиб кетди. Лекин нима олиб келганини кўролмадим, ичкарига кириб кетишди.

- Майли, сен энди боравер, лекин бундан буён кела кўрма, керак бўлсанг ўзим олдинга бораман. Мулланикини яхшилаб кузат. Ким, қачон, нима олиб келди, ҳаммасини билиб ол. Агар бирон кори хол бўлса, ўзинг қулоғингни ушлаб кетасан.

Остонадаги одам итоаткорона бош ирғади. Эшикни очар экан, қайрилиб яна ичкарига қаради, яна барваста шарпадан бошқа ҳеч нарсани кўрмади. Бу ўзи қандайдир шарпага ўхшайди, - ўйлади ичида у. - Чироқ ёқибўтирса нима қиларкин? Ё ёруғликдан қўрқармикин.

- Самад ўзинггуноҳингни бўйнингга ол, шундай қилсанг, жазонг ҳам енгил бўлади.

- Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Ахир буни сенга неча марта айтдим.

- Ўйлаб кўр. Балки эсларсан.

- Ахир ўн кундан бери жслолмадим. Мени бу ерга нима учун олиб келишди, ҳеч билолмаяпман.

- Гуноҳсиз кишини бу ерга олиб келишмайди. Яхшилаб эслаб кўр.

- Йўқ эслолмайман, каллам шишиб кетди. Ё мени отиб ташла, ё қўйиб

юбор. Ортиқ бу азобга чидай олмайман. Мени шарманда қилма.

- Буни жинойт қилмасдан олдин ўйлаб кўриш керак эди. Энди кеч.

Яхшиси, ўзинг бўйнингга ол. Тавба қилиб келди, деб ёзиб қўямиз

- Айбм бўлса, шартта айту жазоимни бер. Нега менга азоб берасан! Ҳар нарса тўғрисида ўйлайвериб адои тамом бўлдим.

- Шукур қизилникида қўшиқ айтганмидинг? Нима деб айтганинг эсингдадир?

- Айтгандим. Нима, қўшиқ айтиш мумкин эмасми?!

- Мумкин, мумкин. Сизларга мумкин.

Барваста одам бир уюм қоғозлар ичидан бир варақ қоғоз олиб, Самад бахшига узатди.

- Мана бу қўшиқ сеникимми?!

Бахши қоғозга кўз югуртирди

- Мен ўқишни билмайман.

- Ўқиш шарт эмас. Дарров эсингга тушди. Ўзинг муғомбирлик қиялсан. Отасини ўлдирган, ғамандухга тўлдирган ким экан?! Биз эмасми?! Сен бу ерда бизни назарда тутмаяпсанми?!
Ўчиб хамроҳига тикилиб қолди.

- Бу қўшиқни бизнинг ота-боболаримиз тўқиган.

- Лекин сен айтгансан...

- Мен бундай демоқчи эмаслигимни сенинг ўзинг биласанку?!

- Нега?! Масалан мен худди шундай деб ўйлайман. Кейин буни мен эмас, ўша тўйда бўлган хушёр одамлар етказишган.

- Ёлғон! Ҳеч ким бундай демаган.

- Ўқирма, бу ер отангинг уйи эмас. Тўйда қатнашганларнинг ҳаммасини бир-бир чақирдик. Ўн етти киши буни тасдиқлади. Мана, кўр. Улар айнан шундай тушунишган. Хўш, энди тан оларсан кимга сотилганингни?!

- Мен ҳеч кимга сотилмаганман.

- Унда ўзинг бузғунчи экансанда- Майли шундай деб ёзиб қўямиз.

- Нега энди билиб туриб зуғум қилаётганингни мен тушуна олмаяпман.

- Тезда тушуниб оласан. Сен кўп ақлли бўлиб кетдинг. Ҳар қўшиғингда қандайдир отасини ўлдирганлар тўғрисида жаврайдиган бўлиб қолдинг. Энди ақлингни пешлаб кел. Сен қўрқма, Сибирга жўнатмайман, сен чўлга борасан, чўлни ўзлаштирасан. Агар онгли равишда ўз хатоингни ювсанг, қайтиб келишга рухсат беришади.

- Мени шарманда қилма. Тўртта болам бор, уларнинг қарғишига қолма!

- Болаларинг тўғрисида қайғурмай қўяқол.. Ўзимиз ғамхўрлик қиламиз. Агар сенинг ёнингда бўлса, уларни ҳам душман қилиб тарбиялайсан.

- Кўзингни оч! Бу туришда яқинда бутун аҳар ҳувиллаб қолади.

У яна нимадир демоқчи эди лекин хонага кирган икки киши уни олиб чиқиб кетди.

- Биз йўлимизга ким тўсиқ бўлса, ҳаммасини йўқотамиз, ҳеч кимни аямаймиз, - бақирди унинг изидан ичкаридаги одам. - Қишлоқ бўшаб қолса, бошқа одамларни кўчириб келамиз...

«Бу қўллар эмас, сени ногирон қилиб яратган дунёнинг бағрига санчилган ханжарлардир, Зубайда. Киприкларинг у осмон шоҳининг тасбеҳидир, о, йўк, бу кўнгил қушларига қўйилган тузоқдир...

Мени сендан тортиб олишадигандек бўйнимдан қучоқлаб йиғлаганингда, бу овлоқ тўқайни пичир-пичирларингга тўлдирганингда, лабингда тушуниксиз саволлар қотганидаю бу сирли оламга ёриб чиқиб ва ўчдида ва мени ўзингга ҳам ишонмай ўз кўзлари билан кўриш учун жажжигина юрагинг кўксингнинг қафасларига гурс-гурс урганида, бу дунёдан бахт излаб чўзилган қўлингнинг қон ҳиди тутган сочларингни силаганида сен уни топдингми, Зубайда?!

...Кел, мени қучоғингга ол, офтобни кўмгандай мени оғушингга кўм. Майли, кўзларинг қўрғонига қамаб қўй, майли, киприкларингга боғлаб қўй, фақат бу дунёнинг қарғишларидан мени сочларинг қатига, лабларинг қаърига яширсанг бўлди.

Мен сени излаб бу ерга ҳар кун келгим, бу тўқайга умр ўтовини тикким келади, сенинг босган изларингга ўзимни кўмгим келади. Кел, панжаларингни кўзларимга санчиб қўй, тошлар тилган оёқларингни кўкрагимга экибю қўй, шивирларингни қулоғимга қок. Сен менинг излай-излай топиб олган бахтимсан, сен менинг тўқайзорга қадаб қўйган туғимсан. Майли, ҳамма юз ўгирсин, майли, ҳамма ташлаб кетсин, фақат сен мени ташлаб кетма, сен ташлаб кетма...»

«...Сенинг зилол сувларинни ичганимда, кўрпа бўлиб тўшалган кўкатларинг устида яйраб ётганимда ҳаётга қайтадан келгандек бўламан. Мен сенинг тупроқларингдан яралганман, бу улуғвор қоялар ҳам, ундаги харсанг тошлар ҳам, илон изи ёлғизоёқ сўқмоқлар ҳам менинг таним. Мен улар билан бирга нафас оламан. Кўрагон тоғидан майин шабада эсяпти,

кўкатларнинг ҳиди димоқни қитиқлайди. Қандайдир қушлар сайраяпти. Ҳойнаҳой, мода какликлар бўлса керак...»

«Афтидан кўклам келганга ўхшайди. Димоғимга олма гулининг ҳиди келяпти. Пастдаги тўқайда болалар шовқини эшитилмоқда. Улар чиллак ўйнаётган бўлса керак, ҳар-ҳар дамда қайсисидир ғувиллаб югуради. Унинг оёқларининг шитири менинг суякларимни яйратади, мен бу товушдан ҳузур қиламан, мен унинг майсалар ялаган, шабнам ювиб қўйган жажжигина товонларидан ўпсам дейман, ётган жойимдан тепага - уларга мўралаб қарагим келади. Улар оёқлари тагида одам суяклари қақшаб ётганини, захда чирсиллаб синаётганини, чириётганини, энг қизиғи, менинг ўйғоқлигимни, уларни кузатиб турганимни, товушларини эшитаётганимни билишармикан? Агар менга у дунёдагидай овоз ато этишганда мана шу гўримда туриб, уларга қарата: «Сизлар ғафлатда қолманглар, ҳушёр бўлинглар! Боболаринг руҳи ўйғоқ, ўйғон!» дея қичқирган бўлардим...»

«Нариги қабрнинг атрофини кимдир супуриб-сидираяпти, супурги шитири эшитилаяпти. Менинг ёнимда ётган болакай ўйқу аралаш ҳиринглаб кулиб қўйди; кимдир туш кўрди, шекилли, балким тушига онасининг маммалари киргандир; юқоридагилар унинг кулгусини эшитишдимикин?!.. Ер ости дунёси нақадар бепоён! Бу ерга одам қайта ўлмаслик учун келади. Бу ерда у дунёдаги умр кўз очиб юмишдай гап. Яшайверасан, яшайверасан, бу яшашнинг, қани, охир-ниҳояси бўлса. Фақат сен шу зим-зиё қўрғондагина ер билан абадий бирга эканингни англайсан...

...Менинг ён томонимдаги қиз яна хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади. Ошиқ йигити билан топиб олишган акалари уни нақ қоядан улоқтиришган. У дунё нақадар мудҳиш. Одамлар устида ҳамиша ёвузлик ҳукмрон бўлади...

...Ух яна қандай шовқин?! Нақ устимда қиёмат қойим бошлади чоғи. Ниманинг товуши бу?! Мунча ваҳимали?! Э-е, булар мазористонни бузишяпти-ку! Ақлдан озишибди у дунёдагилар... Ҳа, аниқ, бузишяпти, яна, ўша мудҳиш қиёмат товуши тобора яқинлашиб келяпти. О, сен, она ерим, момо ерим, мана энди улар мени сендан жудо қиладилар, суякларимни абгор қиладилар. О, ярамаслар, ҳаромилар, падаркушлар!..»

- Ўртоқ бошлиқ биз Неъмат кални олиб келдик.

- У нима гуноҳ қилибди? Нега уни боғлаб ташладиларинг?

- У катта қизини мана бу болта билан чопиб ўлдирибди. Қизи кимдандир бола орттирган экан. Боласини ҳам чопиб ташлабди. Бу ўша - биз тўқайда кўрган қиз. Унинг қоқ пешонасидан болта урибди. Тили бир қарич чиқиб ётибди...

Ўғилнинг силласи қурий бошлаган эди: унинг пешонасидан реза-реза тер оқар, юзи тобора бўғриқиб, кўкариб борарди, оёқлари чалишиб кетарди. Лекин йўлнинг адоғи ҳали бери кўринмасди - бутун борлиқни тун шоҳи тимқора чодир тагига яшириб олган эди.

Йўл нақ жаҳаннамга олиб бораётгандай ҳарорат тобора кўтариларди.

- Биз ҳеч кимга ҳеч нарса қилмаган эдик, - дерди чол ўғлининг жимиб қолганидан ва бу кимсасиз саҳрода ёлғиз кетаётганидан бир оз чўчиб. - Биз ҳеч кимнинг ерига бостириб бормадик, биз ҳеч кимга зуғум қилмадик. Тинчгина яшаб юрган эдик: қўш ҳайдардик, буғдой янчардик, тириклик тошини секин тортиб юрувдик. Биз эмас, улар бостириб келишди, тинч ҳаётимизни улар бузишди. Сизлардай ақлимиз ўткир эмас эди, ҳар нарсани ҳам дарров тушунмас эдик. Биз фақат эски осойишта ҳаётимизни қуролли кишилардан қурол билан қайтариб олмоқчи эдик. Бор гуноҳимиз шу эди, бошқа ҳеч нарса! Эшитяпсанми, бошқа ҳеч нарса.

- Биламан, - деди ўғил. У филт этиб ютинди. Юзи кўм-кўк ганч ҳайкал рангига кирганди, товуши бўғизидан эмас, гўё ер остидан, нақ жаҳаннамдан гулдираб чиқаётгандай эшитилди.

- Биласан? А? Демак, отангни билиб туриб ўлдирган экансан. Қойил. Сизлар кимдан таълим олдиларинг, билмадим. Отасининг гуноҳи йўқлигини билиб туриб, атайлаб ўлдирган эмиш? Отам тирик турса, ўша шалоқ курсимга ўтиролмаيمان, бошлиқ бўлолмаيمان деб қўрқдингми, а? Шундан қўрқдингми?

- Бўлди, - инграб юборди ўғил отасини силкиб, ўнгариб кўтарар экан, - бўлди деяпман...
- Тўғри, шундан қўрқдинг. Отанг тирик турса, сенга нозик жойларни ишониб топширмасди, парвозинг баланд бўлмасди, ҳар икки дақиқада отанг учун сўроқ бериб туришингга тўғри келарди. Сен буни жуда яхши англадинг. Отангни деб, сенга ғанимларинг тинчлик бермасди. Ўлиб кетса ҳеч ким нотайин одамни суриштирмасди ҳам. Сен шундай деб ўйлагандинг. Афсус ўша куни - деди қоя орқали олиб ўтаётганинда буни сезмаган эдим. Сен ҳаммасини осонгина ҳал қилиб қўяқолдинг. Қоя устига келганимизда менинг остимдаги отга қамчи босдинг. От ҳуркиб, олдинга ташланди, мен ҳатто нима бўлганини билолмай қолдим, фақат қоядан тошдан-тошга урилиб учиб тушаётганим эсимда. Сўнг мен бир зум зулмат ичида қолдим, қайта тирилганимда сен менинг жасадим устида йиғлаб ўтирардинг ва нарироқдаги иккита чўпонга нималардир деб тушунтирардинг. Сен жуда қўрқоқ эдинг, қилган падаркушлигингни биров билиб қолмаслик, шубҳаланмаслик учун оғзингни саситиб сўкинганинда, гўё аламдан ақлингни йўқотгандай, оғзидан қон келиб, ихраб ётган отни ҳам отиб ташладинг. Сен отдан ҳам қўрқдинг, отаркансан, унинг жавдираган кўзларига қарай олмадинг... Мен эса ҳаммасини кузатиб турардим - шундоқ олдинда, ёнингда кузатиб турардим. Ҳатто икки марта маузерингни олиб, нишон қадалган кўкрагиндан отиб ташлагим келди. Лекин бизга бундай ҳуқуқ беришмаган. Мен жасадим ортилган аравани Кўкқиягача кузатиб бордим-да, сўнг ғорга қайтдим. Лекин, сен менинг жасадимни қандай кўмганингни кўриб, сезиб турардим. Сен бошлиқларинг олдида бир томчи кузёш тўкмадинг. «Отам ёт одам эди, ўз ўлимни ўзи топди» дединг. Сенинг аҳволингни кўриб улар ҳам ич-ичидан кулди - ахир уларни ҳам ота яратган-да. Агар йиғлаганинда ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Фақат сен устаси фаранг одам эдинг. Унсур отасининг устида йиғлаганди деган гапни кўтаргинг, келажакнингни ҳавф остига қўйгинг келмади. Сен йиғламадинг, йиғлармикансан, тавба қилармикансан, деб мен уч кунгача уйинг атрофида айланиб юрдим. Йўқ, йиғламадинг. Сендайлар асли йиғлашмайди. Одамларнинг ўлимидан роҳатланишади. Қандай уят?! Ҳали бизнинг аждодимизда ожизага зуғум қилиш ҳодисаси бўлмаган. Сен эса ҳеч нарсадан тап тортмадинг. Мана, оқибати... Ана кўряпсанми, изингдан қанчадан-қанча арвоҳлар бўридай эргашиб юрибди, ёлғиз қолсанг, таппа босишаи. Улар жуда қутурган... Ўша совуқ юртлардан сени деб айтиб келишган. Энди ҳар кеча йўлингни тўда-тўда бўлиб пойлаб ётишади. Ҳар бирининг сен билан ўз ҳисоб-китоби бор... Сенга ачинаман, бироқ начора бу йўлни сен ўзинг танлагансан...

- Ота, эсингдами мен ҳали жуда-жуда ёш эдим, мишиқиси аримаган қизча эдим, ҳаммаси қўрқинчли тушдек элас-елас эсимда, сен ғоз қотиб турардинг, йўлдан эса арава-арава одамлар ўтарди, йўллар тикилиб кетарди, худди чумолилар инига шошаётгандек аравалар қайларгадир имиллаб борарди, одамларнинг эса ранги қочган, сенга гоҳ сездирмай, гоҳ ошкора адоват билан тикилиб-тикилиб қўярди, сен эса пинак қоқмай тураверардинг, аравалар ҳес тугамасди, турна-қатор бўлиб тонгдан шомгача, шомдан тонггача ўтаверарди, ҳатто ярим кечалари ҳам йўлдан араванинг ғийқиллаган товуши, зорланиши эшитилиб турарди, уларни қандайдир аскарлар қўриқлаб боришарди, сен эса ўша ерда қотиб тураверардинг, икки кунми, уч кунми вақт ўтиб, аравалар яна кунчиқар тарафга қараб йўл олишарди, йўлдан бирин-кетин ўтишарди, аравачилар ҳам бошларини эгиб олган, атрофига қарашдан қўрққандай, уялгандай отларини қичаб ҳайдаб боришарди, аравалар ғийқилларди, аскарлар сўкинарди, тўда-тўда аравалар кунчиқарга йўл олишарди, лекин бўм-бўш бўларди, бу аравалар, ота, худди кераксиз тошларни қайгадир, хилватроқ жойга тўкиб қайтишаётгандай, аравалар бўм-бўш бўларди, яна бир неча кундан сўнг арава-арава одамларни олиб қайларгадир жўнарди, сен эса, ўша баҳайбат харсанг

олдида ғоз қотиб тураверардинг, ўша одамларни қайга олиб кетишарди, ота? Нега уларнинг кўзлари сенга бунчалик кин билан тикиларди, нега сени бунчалар ёмон кўришарди улар?! Эсингдами, ота? Ё тушмиди бу? Мен, ўша мишиқи қизалоқ буларнинг барини туш кўрганмидим?! Ўша аравалар тушмиди, ота?!

- Билмадим, қизим, булар менинг эсимда йўқ... Ҳойнаҳой сен туш кўрган бўлсанг керак...

- Ўша пайтлари одамлар гўё бу ерларда ёвуз бир шарпа оралаб юргандай ҳамиша нимадандир кўрқиб, ҳадиксираб юришарди. Бир-бирига шубҳа билан тикилишарди, ҳатто болаларни ҳам бир-бири билан ўйнатгани қўймасди, болалар ўйларидан чиқмай қўйган эди. Ҳамма худди ёвуз шарпа сенинг тананга яширингандай, сенга кўрқиб-писиб қарашар, сен билан дуч келиб қолса кўзларидаги ғазабни яшириб, гўё жони сенинг қўлингда тургандай ялтоқланиб, эгизиб-букилиб ўтарди, беллар эса... аёллар сенинг номингни қўшиб қарғашарди, сени кўрганда этакларини кўтариб, орқаларини кўрсатишар ва энди бу еримни ҳам ол деб шанғиллашарди. Нега шундай дейишарди, ота? Нега кечалари қишлоқлар мазористондек жимиб қоларди, ота; нега одамлар бир-бирига еб қўйгудай тикилишарди, бир-биридан нега кўрқарди, ота?!

- Билмадим, қизим. Ҳойнаҳой сен адаштиряпсан. Буларнинг ҳаммаси туш бўлса керак.

Ҳаммамиз туш кўрганмиз, қизим, шу сабабли у замонларни яхши эслолмаймиз... эслаганимиз ҳам тузук.

- Мен эса кечалари уйғониб кетаман, назаримда, ҳали ҳам йўлдан аравалар ғийқиллаб ўтаётганга ўхшайди, гоҳида куппа-кундузи ҳам йўлга тикилиб қарасам, аравалар ҳамон ўтиб бораётганини кўраман, улар аввал кун ботишга қараб ўтади, сўнг кун чқарга... Баъзан бу умр бўйи тугамайдигандек, охири йўқдек туюлади менга. Гўё энди бир умр қулоғимиздан аравалар ғийқиллаши аримайдигандек, кўзларимиз олдида энди фақат аравалар ўтиб турадигандек туюлади менга. Ярим кечалари уйғониб кетаман.....

- Билмайман, қизим. Мен кексайиб қолдим. Менга бундай саволлар берма! Ҳеч нарса эсимда йўқ! Эсимда бўлмагани ҳам тузук.

- Кимдир шу тарафга келаётганга ўхшайди, ота.

- Улар афтидан икки киши бўлса керак, яхшилаб қара-чи.

- Икки киши экан, бири сал орқароқда келяпти. Сен аердан билдинг?

- Кеча хабар беришган эди. Уларни мен эртароқ келса керак деб ўйлагандим.

- Қиз бир зум анграйиб қараб қолди.

- Ким экан улар?

- Чўлга кетганлар. Бегмат полвон билан Ҳасан чўлоқ

- Ахир уларни ўлди деб хабар келганди-ку.

- Улар аллақачон ўлиб кетишган, ўлмаганларида бу ерларга қайтиб келмасди...

...Йўлнинг интиҳоси кўринмасди. Шип-шип этган қадам товушлари эшитилар, улар кетаётган йўлга юлдузлар учиб тушарди. Ўғил юриб борар, ота эса унинг елкасида ялпайиб ўтирганча йўлнинг адоғига тез-тез кўз ташларди. Афтидан, у ҳам ўғлининг елкасида ўтиравериб чарчагандек эди. Йўл кесиби ўтган дала эса ҳувиллаб ётарди, атроф уларнинг шарпасидан кукундай тўзғиб кетаётган куйинди суяклар билан тўлганди; тонг гўё бу ерларга ташриф буюришни унутиб қўйгандай уларнинг устида бесарҳад тун сим-сими тўшалиб ётарди. Йўл эса бениҳоя эди...

ҚАЛБ ТЎЗОНИ

Яқинда бир танишим бир тўда қўлэзма кўтариб келди.

-Шу қўлэзмалардан яроқлисини танлаб, бир тўплам қилсангиз. Муаллифи икки ой бурун қазо қилди. Жуда ёш эди, тўплам қилишга ҳам улгурмаган экан. Нимадан ўлганини ҳали аниқлашганича йўқ. Ҳа, айтгандай, бу йигитнинг ҳикоясини ўқиган эдингиз, сизга жуда ёққанди. Бўлимда иш қалашиб ётган бўлса ҳам, марҳумнинг ҳурмати учун қўлэзмаларни олиб қолдим. Икки ойлардан сўнг унга тартиб бериш ва танлаш учун саралаб, ўқий бошладим. Ростдан ҳам марҳумнинг икки-уч ҳикоясини ўқиган эканман: қўлэзмаларни саралаётганимда эсимга тушди. У мен тасаввур қилгандан ҳам ёш, ҳали кўп ишлар қилиши мумкин бўлган нозиктаб ва фавқулодда қобилият эгаси эди. Тўғриси айтишим керак, журналда ишлаганимга ўн йилдан ошган бўлса-да, бундай ҳикояларни камдан-кам ўқигандим. Ҳикояларда инсон табиатида мавжуд бўлган зиддиятларнинг ҳаммаси потирдаб юзага чиққан, муаллиф тушкунлик умидсизлик, иккиланиш, журъатсизлик, хижолат, чўчиш ва мавҳумликлараро ўзига шундай йўл очиб олганди-ки, уни энди бу йўлдан суриб чиқариш мумкин эмасдай туюлганди менга. Қўлэзмалар мени қанчалар ҳаяжонга солганини ҳозир тушунтириб беролмайман. Мен гўё бийдай бепоён ва туганмас саҳрода узоқ адашиб юриб, тўсатдан кўклар чўмилиб ётган, қизғалдоғу лолалар пориллаб очилган, майсалар қоматларини кўз-кўз қилиш учун сайлга чиқан қизлар каби дуркунлашган, ҳавосидан ҳаёт иси анқиб ётган, узоқ-яқиндан ҳайвонлар ўкириги эшитилиб турган ям-яшил ўрмондан чиқиб қолгандай эдим. Ким билади, турли хил чучмал қўлэзма ўқийвериш, чарчаганим учун шундай таъсир қилгандир, лекин узоқ давом этган тунни уфқдан отилиб чиққан кўёш тўсатдан чарағон қилиб юборгани каби унинг севган қизингизнинг табассуми янглиғ дилингизни нурафшон қиладиган сўзлари, мажозлари, манзаралари ва рамзлари менинг кўнглимни ловллатиб ёриттиб юборгандир? Ҳикоялари халқалари мустаҳкам ва ҳеч қачон узиб бўлмас занжир, кўчаларда ўлжа излаб, увиллаб юрган ўлим, қабрларга бошлаб борадиган йўл, қайгадир шошиб кетишаётган бошсиз одмлар, кўзлари чиппа кўр боболари изидан оқ қасрни излаб боришаётган болалар, фақат кўзичоқ туғадиган аёл, эгасиз ва қоровсиз дайдиб юрган отлар, умр бўйи ҳеч ким сотиб олмайдиган ханжар ясаб ўтирган телба уста, донишманднинг бошини копток қилиб тегишаётган оломон ҳақида эди ва барча ҳикоялари одамнинг кўнглида аччиқ хўрсиниқ уйғотарди. Аммо мени тўплам ичидаги ҳикоя ҳам, кундалик ҳам деб бўлмайдиган, худди тассуротлар қайдномасига ўхшаш қўлэзма кўпроқ ҳайратга солди. Бу қўлэзма ҳали тугалланмаган, олдинги ҳикояларга ҳеч бир ўхшамайдиган тарзда пойинтор-сойинтор, у ҳикоядан кўра бирон китобдан олинган фикрлар умумлашмасига ўхшарди-аммо бу ерда на китобнинг номи, на уни ёзган ёзувчининг исми тилга олинган, туш каби алмойи-алжойи лавҳалар эди.

Бу қўлэзмадан алахсираш, васваса анқиб турар, сўзлар ишланмаган, варақлар ювиқсиз юз каби кир-чирга беланган, сўнг ғазаб ва нафрат билан саҳифалар токи йиртилиб кетгунча чизиб ташланган, бу манзаралардан бирон нарсани аниқлаб олиш қийин эди. Шошиб кетётганингизда олдингиздан лоп этиб бир йиртқич чиқиб қолгандек, бу қўлэзмада воқеалар ҳам тўсатдан, изоҳсиз, тафсилотсиз бошланганди. Мен қўлэзманинг биринчи варақлари тушиб қолган бўлса керак деб ўйлагандим, дарвоқе, саҳифаларга тартиб рақами ҳам қўйилмаган, воқеаларнинг ривожига қараб дуч келган бетдан ўқий бошладим.

«Бугун ёзувчи А. билан учрашув бўлди. Зал одамларга тўлиб кетди. Таниқли ёзувчиларнинг ҳаммаси А.ни «устоз» деб мақтади. А. менга янги чиққан китобини совға қилди...»

«... Касаллигим учун бугун мени ишдан бўшатишди. Миямда шиш бор экан. Яхши бўлди: энди уйда китоб ўқиб ётаман. Қўлимга китоб олганимга ҳам кўп бўлди. Бугун «Қалб садоси»да

босилган ҳикоямнинг қалам ҳақини суриштириб қўйишим керак. Балки, у менинг бир-икки ой кун кечиришимга етар?..»

“Бу китобни деярли ҳар куни ўқийман. Унинг сўзларигина эмас, тиниш белгиларигача ширага ёпишган пашшадай хотирамга ўрнашиб қолган. Кўзларимга туганмас қўшиндай бостириб кираётган жумлалар назаримда, тўсатдан ёрила бошлаган суяк каби қарсиллаб кетаётганга ўхшарди, ҳар сафар қайта ўқиганда бўшаб ётган кимсасиз далага ёпирилиб келадиган кузги қарғалар мисоли қалбимга янги-янги ваҳималар ёпирилар, баайни, ароққа рўжу қўйган, фақат майгина хулё офтобини ёритадиган, хуморини босадиган бодапараст каби менда ҳам китобдаги манзараларнинг хумори пайдо бўлган, воқеа мени маст қилиб қўйган, унга рўбарў бўлган кундан бошлаб, бирон кеча ҳам ўқимасдан ухлмас, ҳаётим шоми ҳам, тонги ҳам шу китоб бўлиб қолган эди. Ҳар куни кўчадан чарчаб қайтгач, номигагина нонушта қилар, бироз мизғиб олишга қанчалик ҳаракат қилмай, ёстиғим тагида ётган китоб мени оҳанрабодай ўзига торта бошларди: вужудингга худди майдалаб ёғаётган қор каби бир мискин ташналик, бир мискин қумсов эзилиб-езилиб ёғади. Мен эса қорга қараб туриб, ширин ҳаёллар суриш, хотираларга берилиш ўрнига, охири йўқ ботқоқни кечиб юргандек, китоб варақлари аро журъатсиз кезиб юрардим. Китобда айтарли ҳеч бир воқеа йўқ, тил ҳам занглаган касов каби қуруқ, жозиба ва нафосатдан холи, дағдаға ва ваҳм тўла манзаралар жой олган кўримсиз, айтиш мумкинки, ғоятда дағаллик билан ёзилган оғир занжирдай жумлалар тўпламидан иборат эди. Аммо мана шу сарғайиб кетган саҳифалар, қулаб тушай деб турган устунга ўхшаш зўраки жумлалар ва атайлаб бўрттирилган тасвирлар аро бир тожовузкорана руҳ кезиб юрарди. Ва балким мени ҳам мана шу руҳ ошуфта этган, тушимнинг, ҳаётимнинг осайишта ва сокин қўрғонларига шу руҳ бостириб кирган, телба хаёлини банд этган осмонсиз қуёшсиз каби менинг ҳам ўй-у хаёлимни банд этиб олгандир?!

Тунлари чўчиб ўғониб кетар эканман, ҳозиргана мени уйқу осмонидан ҳайдаб туширган туш калхатининг чақчайган кўзларини эслашга беҳуда ҳаракат қилардим. Ҳозиргана юрагингни юлиб олган, кўзларингга тирноқларини тикқан, томирингда оқаётган ҳаётни ялаб битирган йиртқичнинг асл қиёфасини эслаб бўлармикан? У йиртқичнинг асл қиёфаси борми? У тушим ухлаб ётган кулбага гоҳ уч бошли аждар, гоҳ осмон-фалакни қаноти билан тўсиб қўйган қалхат, гоҳ ер юзига ўзидек махлуқларни урчитиб юривчи ўлаксахўр махлуқ бўлиб кирарди. Ўғониб кетгач, хонамга пардалар орасидан зўрға сирғалиб кираётган тонгнинг мовий ёғдуларига тикилганча, унинг қиёфасини эслашга ҳаракат қилардим, шуълалар эса гўзал малакнинг мовий рангдаги соч толаларидек, менинг бўйнимни ва юзимни қитиқларди. Китобдаги руҳ аста-секин менинг ойларимни, ҳафталар, кунлар, дақиқаларимни истило қилиб олган, ҳар лаҳза, ҳар сония жисму жонимни қатилкор қадамлари остига олар, сўнг чекиб бўлинган тамаки каби эзғилаб ўтарди- бу ҳолат деярли ҳар куни такрорланар, тонглар шафақдан энди бош кўтараётган қуёш, тунлари тўлин ой бўлиб умрим кўчаларида пайдо бўлар, гоҳида эса бесаноқ қўшинлар йиғилиб турган улкан қалъа устида ҳилпираётган ялов каби хаёлим, шуурим деворларида ҳилпирар, тоғдан шиддат билан тўкилаётган жилға мисоли қон томирларимда гупириб айланарди, о, бу руҳ мени қачон тарк этар экан, о, бу тақдир китоби қачон мени кишанлардан озод қилар экан? Бундайин мудҳиш манзара, будайин очкўз махлуқ, будайин хўрлик акс этган китоб яна қайда бор? Қайда бор бундайин жоду фарқ қилган мустабид суҳуфлар? Қайда бор бундайин мутелик илми? Бу хўрлик санъатидан қачон қутуламан? Бу ҳақорат уйқусидан қачон ўғонаман? Мен ваҳим ва қўрқинч тўла кўнглимни нимта-нимта қилиб, саҳифаларда хўрак излаб изғиб юрадиган руҳнинг саёқ итларга бўлиб берган, энди менда жисму, тўртта суяқдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. У китобни на йиртиб ташлардим, на бировга бериб юбора олардим. У идиш тагига чўккан ғубор каби онгимга, шууримга ўтиришиб қолганди: ўқиб чиққандан сўнг ҳар сафар йиртиб, варақларини қийма-

қийма қилишга ўзимни чоғлар, бироқ пистирмадан чиқиб қолган, саноқсиз қўшин олдида лолу-хайрон бўлиб турган ботир янглиғ қўлимга олишим биланок, бу таҳлика, тожовуз ва ваҳим тўла варақлар олдида ўзимнинг забун ва ожиз эканлигимни англаб қолардим. Ваҳолаки, мен ҳам бу олам ишқининг меваси бўлган, хўрлик ва ҳақоратларга дош беришга ўзимда куч, тўқсон ботмонни бир силкишда кўтарган Алпомиш каби ўзимнинг изимдан ўттиз йил умр ботмонини кўтариб юрган, бир замонлар бу дунёга эзгулик ва заминни гулллатиш учун экилган ўша наслнинг навқирон авлоди эдим. Китоб қаршисидаги менинг ҳолатим яратган гуноҳларимга авф сўраб, сажда қилаётган тақвадорнинг холатига ўхшарди, зеро, менга китоб ростдан ҳам беҳад қудрат ва зўрликнинг тимсоли бўлиб туюларди. Балким, менинг саҳифалар олдида ожиз ва маҳкум бўлиб қолишимнинг ҳам сабаби шудир?? Менинг ўша пайтдаги кечинмаларим кема ҳалокатидан сўнг бепоён денгизда ёлғиз ёғочга осилганича турган одамнинг кечинмалари каби тушкун ва умидсиз эди, зотан, бу саҳифалар кўнгил боғларидан умид яловларини учириб кетгучи қоп-қора қуюнга ўхшарди. Шундай бўлса-да ўз ярасини ўзи тишлаб ётган бўри мисоли мен ҳам бу афюнга ўхшаш манзараларни худди телба каби қайта-қайта ўқийверар ва бундан махлуқ кўз олдимда яна ҳам улканлашиб, ваҳшийлашиб борар, энди мияхўр эртадан кечгача мия ер, лекин ҳеч тўйдим демасди: балким ростдан ҳам телба бўлиб қолгандирман, йўқса, менга бу наҳс ва зўрлик фарқ қилинган китобнинг фосиху фотиҳ кўчаларида кезишга не ҳожат, йўқса, шифти алам, девори хиёнат бўлган китоб билан яшашга не ҳожат, йўқса, ҳар қадамига дорлар қурилган йўлларда юришга не ҳожат?!

Мен энди ундан ҳеч қачон қутулолмайман. У мендаги ҳамма нарсага ягона хўжайин бўлиб олди. Унинг қиёфаси ҳам, юз ифодасини ҳам тасвирлашга ожизман, Унинг бош қисми мушукка, тана қисми маймунниқига ўхшайди, аммо маймунга қараганда уч-тўрт баробар улкан, тирноқлари ўсиқ, афти эса исқирт, тумшуғи мия ёғидан қорайиб қолган. У яқинда бутун шаҳардаги мияларни еб битирса керак. Ахир китобни ҳам шундайин ваҳшиёна руҳда ёзадими, деган фикр дамо-дам хаёлимга келарди: ахир махлуқнинг мияни қандай ейиши-ю мияси ейилаётган одамнинг кўзлари қандай чақчайиши, ажинлари қандай титрашиши, юзини, кўзини тириклик қушлари қандай тарк этиши, ҳаёт завқи қандай сўниши, махлуқнинг мия ейиш усуллари-ю, уни хил-хилига ажратиб, чаноқнинг ўзидаёқ эзғилаб, сўнг иштиёқ билан ялаши, ялар экан, кўзлари ҳузур ва ҳаловатдан сўзилиб кетиши, ўршиқ ва қалин лаблари орасидан кўкимтир, бадбўй сўлакнинг бўйинлари аро кўкрагига оқиб тушиши, исқирт тишлари орасида қолган мияни роҳат қилиб, кўзларини юмиб сўриши, сўнг яна мия излаб кўчаларда изғиб юриши, тирик жон пойлаб, муюлишларда, қоронғу хилватларда, даҳлиз ва ер ости йўлакларидида соатлаб пайт пойлаб ўтириши, бош чаноғи ёрилаётган одамнинг фақат кўчани эмас, бутун дунёни фиғонга тўлдириши, лекин махлуқ исканжасида типирчилай-типирчилай, охири жон таслим қилиши ҳақида бунчалар ҳафсала билан ёзилиши шартмиди, ўқиган кишининг дарду-дунёсини, шуури онгини бунчалар зулматга буркаш унинг қалбини, кўнглини ўрташ, махлуқ қўлида жон таслим қилаётган одамга қўшилиб, ҳар бир ўқиган одамни ҳам қатл этиш шартмиди?! Ўқувчини аввал мафтун этиб, сўнг уни ваҳималар ила ғовғога солиши, унинг кўнгил қасрларига қўрқув ва васваса яловларини илиш, шусиз ҳам сўқмоқларини чакалак босган умрининг далаларига тушкунлик ва умидсизлик уруғини экиш, шусиз ҳам қовурдоқ бўлган юракни саҳифалар товасида қовуриш шартмиди? Китоб ҳам шундай ваҳимкор бўладими, китобни ҳам шундай шафқатсиз ёзадими?! Ундан кўра жаллод бўлиб, суяқларини нимта-нимта қилган афзал-ку!!"... Мен китобга ва қалби ваҳимга лиммо-лим бўлиб турган қаҳрамонимга шунчалик мубтало бўлган кетдим-ки, энди ундан худди кулнинг бўйнидаги занжирдай сира ажрала олмас эдим ва тунлари китоб кўчаларида саргашта кезиб юардим. Китобда мияхўрнинг узун тафсилоти, феъли, тишлари, қорачиғи чўғдай ёниб турадиган кўзлари, қанча мия егани, уй бошчаноқ билан тўлгани, шаҳарни кундан-кун ваҳима қамраб олётгани ҳақида узун тафсилот берилганди. Кейинги саҳифаларида воқеа кескинлашарди.

«Оҳ, тангрим,-деб оҳ тортарди қаҳрамон,- нажот борми бу махлуқдан?! Кеча ёшгина қизчанинг миясини паққос туширди. Сўнг кун бўйи ётиб ухлади. Ухлаганда танасидан бадбўй хид чиқарди-хонада туриб бўлмади қолади - ундан қочиб чиқиб кетгим келади, бироқ тақдир мени унинг қўлларига экиб қўйган, унинг оёқларига кишанлаб қўйган! Қочиб қайга бораман? Қайга борай?! Бутун шаҳар унинг нафси билан тўлган бўлса, бутун дунё унинг оёғи остида ётган бўлса?! Қани нажот?! Агар у бор бўлса келтиринг, мен унинг кундасига бошимни қўяй, қўлларила ўзимни фарқ қилай, ажал оловига юзимни босай... Мен шуни англаб қолгандимки, жумлалар, сўзлар, саҳифалар кўз олдимда улкан ва еб тўймас махлуқни яратиб берар ва китобнинг ўзи ҳам кундан-кун, назаримда, мия ейдиган очкўз махлуққа айланиб борар, мен эса уни йиртиб, пора-пора қилиш ўрнига турли саҳифалардан иқтибослар кўчираб ва бу кўчирмаларни қайта-қайта ўқирдим. «...Мияхўр энди юзлаб мияни бир ўтиришда еб битирар, қанча еса шунча иштаҳаси очилиб борарди. Уни на тўхтатиб, на бу йўлдан қайтариб бўларди: умуман, уни тўхтатадиган куч бормикин? У қоронғу жойларда пойлаб турар, кўчадан бирон йўловчи ўтиши билан таппа босиб, бурчагига судираб кетар, шўрлик эсини йиғиб, бақирингга улгурмай бош чаноғини бир уришда очиб, ҳаш-паш дегунча мияни ялаб битирарди: мияни еб бўғач, жасадга қайрилиб ҳам қарамас, бошқа бирон жойига ҳам зиён етказмас, миясиз жасад ётган жойида тўлғана-тўлғана типирчилаб қоларди. Кейинги кунларда у ҳатто кўчаларда ошқора тентираб юрарди, қўлига тушган одам қочиб қутулолмасди, у бир пайтнинг ўзида оёқларининг тагига ўнлаб одамни босиб қўйиб, бирин-кетин бош чаноқни очиб, мияни ялар, сўнг яна ўлжа излаб, гавжум жойга йўл оларди. У кундан-кун семириб, шишиб кетаётган, юзи товоқдай лорсиллаб қолганди. Мия ялар экан, қип-қизил тили шундайин тез ҳаракат қиларди-ки, чаноқда бир чимдим ҳам мия қолмасди. Унга қарши қўйилган барча пистирма-ю тузоқлар бекор кетди: у ўлгудай айёр эди-пистирмалардан сакраб ўтар, қопқонларни синдириб, тузоқларнинг тўрларини узиб ташлар, ҳирсдай кучли, йўлбарсдай чаққон ва охудай хушёр эди».

«...У бир соат ичида бутун бошли бинодаги барча одамнинг миясини еб бўлиб чиқиб кетибди, деб эшитганимизда ҳеч бир ажбланганимиз йўқ. Ваҳоланки, бундай бинолар шаҳарда кундан-кун кўпайиб борарди. У уйларга сездирмасдан кирарди: қулфларини бир тортишда очар, китоб ўқиб ўтирган ёки ошхонада куйманётган кишининг бўйнидан хиппа буғар, унга унчалар азоб ҳам бериб ўтирмас, бош чаноқни тирноқлари билан қўпориб, мияни оғзига тикади-бир-икки дақиқадан сўнг яна билинтирмай чиқиб кетар, сиз унинг чангини ҳам сезмай қолардингиз. Бу ерда ваҳший одамхўрлар ҳақидаги ривоятлар ҳам шунчаки чўпчакка айланиб қоларди: бу ёвузликни кўз кўриб қулоқ эшитмаганди... ҳаммасидан даҳшати-мияхўрнинг кундан-кун нафси очилиб борар, унинг кўзлари қон тўла косадай улкалашганди...»

Қўлёманинг шу жойидан бир неча варақ чизиб ташланганди-ҳар қанча уринсам ҳам, бир-икки узук-юлуқ жумла-ю, бирикмалардан бошқа ҳеч нарса ўқий олмадим, балким ёш йигит саҳифаларда бир оддий уфринди китоб туфайли пайдо бўлган оҳ-воҳлардан уялиб кетгандир, балким бу саҳифаларда китоб қаршисидаги ожизлик ҳаддан ошгану, унга қарши қўлидан бирон чора келмаслиги ўзига нашъа қилиб, ожиз ва маҳкум этганлигини тан олгиси келмай, алам ва азоб билан чизиб ташлагандир-саҳифаларнинг йиртилиб кетганига қараганда бу тахмин ҳақиқатга яқинроқ эди- балким, тошиб, кўпириб келадиган ботиний ва ўжар туйғулар таъсирида шунчаки, бесабаб йиртиб ташлангандир: нима бўлганда ҳам бу чизиш одамнинг юзига қараб туриб, сурбетларча ва фаросатсизларча туфлаш билан баробар эди. Мен нафас рослаб олгач, бошқа саҳифани шошиб ўқий бошладим- зеро, бу қўлёмма пўлат шарикчанинг ичида нима борлигини билмоқчи бўлиб, беҳуда уринаётган боланинг қилиғи каби, мени ёқизиқтириб қўйган эди.

«О, мен бу саҳифага қачон мубтало бўлдим, бу китоб қачон жой олди қалбимдан? Бу хулёнинг чеку чегараси борми? Мени адои тамом қилади бу китоб. Наҳотки, умрим тариқдай шу китоб саҳифаларига сочилиб кетган бўлса? Китобдан қанчалик ўзимни олиб қочсам, унга шунчалик яқинлашаяпман, кўнглимда мубталолик бўронлари шунчалик кучаяпти.» «...Қабулига кирганимда бўлим мудиримиз ниманидир ковшаб ўтирарди,-мени кўриб, хўрагини дарров стол остига яширди. Унинг лабларида оқиш доғлар бор эди-худди ёллиғи сўнган чироқдай кўзлари чақчайиб турарди, одатда кишини жиноят устида қўлга туширсанг, шундай ҳолатга тушади. Мен шунда еётган нарсаси миядан бошқа нарса эмаслигини бир ички сезги билан ҳис этдим...»

“Қанча иқтибос олмай, қанча қайта-қайта ўқимай, китобга бўлган ихлосим сўнмас, аксинча, бу ихлосда қандайдир ҳирсий ёввойилик пайдо бўлаётганди: энг ҳиссиётли ошиқ ҳам ўз маъшуқасини мен китоб варақларидаги манзараларни кутган каби муштоқлик билан кутмаса керак. Бир куни бу мубталолик мени адо қилишига шубҳа қилмасдим. Кечалари хонамда кимдир гапиргандай бўлади, мен хириллаган нафасни аниқ эшитаман - юрагим орқага тортиб, тура солиб, чироқ ёққаннимда ҳеч зоғ кўринмайди: фақат варақларни деразадан кираётган шамол ўйноқлаётган китобгина очик турарди. Шунда минг йиллик занжирга ўхшаб салобат билан очилиб ётган китобга қараб туриб, мен барибир тақдирдан қочиб қутулолмаслигимни англайман. Шундай бўлса-да иқтибослар оламидан сира толиқмасдим. Кўчирганларим нақ китоб даражасида улканлашганда ҳам бу мени қониқтирмади, зеро, хонамда китоб пайдо бўлгандан бери на кундалик ёзишга, на қоғоз қоралашга ҳолим қолмаганди-китоб энди менинг бутун умримни ишғол қилиб олган, ётсам ҳам , турсам ҳам аста секин унга тақлид қила бошлаган, унинг олдида ўзимни мустабид шоҳнинг қаршисида қалтираб турган фуқорадек ҳис этар, охирги пайтлар эса фъели атворим мияхўрнинг хунук ва очкўз башарасига ўхшаб кетаётганини сезиб қалтираб кетардим, асли бу қиёфа махлуқнинг башарасими ёки менинг қалбимми? Наҳотки махлуқ қалбимни ҳам ишғол қилган бўлса?!

Наҳотки, қалбим ҳам унинг асирига айланган бўлса?! Қайда қолди менинг ёстиқдошим-осудалик?! Қайда қолди, йўлдошим ва рафиғим-хаёл?! Қайда қолди, камарим-ерким?! Ким мени бунчалик дағаллаштирди?! Ким менга бу тутқунлик тўнини кийдирди?! Ким менинг хазинамни-суруримни ўғирлади? Ким менинг осмонимни махлуқнинг тезаги ила бўяди? Ким менинг ҳужрамга ёлғизлик тегирмонини қурди? Ким менинг остонамга ваҳим йўлбарсини боғлаб қўйди?? Саволлар ўлик устида айланаётган қузғундай бошимда тинимсиз айланарди. Унга на жавоб бор, на садо. Ўрнига фақат китоб-қўрқув ва ваҳимга тўла китоб бор. Мени саҳифалар ўрмони толиқтирди: бу ўрмонда қайга қараб юрмай қаршимда фақат махлуқни кўраман-қани энди ётиб ўхласаму, эрталаб, мени бу қўрқув салтанатидан олиб чиқадиган халоскор билан бирга уйғонсам: кўзларимда уйқу тулпорлари чопоаяпти. Тун ҳам алламаҳал бўлгандир? Эшик тақирлаяпдими? Ҳозир туриб очаман, балки мени йўқлаб келишгандир?!.. йўқ, у келгандир...” Қўлёмма шу ерда тўсатдан тўхтаганди: гўё таъқиб ва ваҳм ҳукмрон чангалзорни кезиб юриб, бирдан бўм-бўш кимсасиз далага чиқиб қолгандай, бу ёғи бўшлиқ ва йўқлик зарб этилган бўм-бўш варақлардан иборат эди: шунда ёш ёзувчи қўлёммани давом эттиришни мўлжаллагану, бироқ қандайдир ҳодиса унга бу ёғини давом эттиришга қўймаган деган шубҳали, ҳам доғули фикр ўрмалаб кирганди. Қўлёммининг маъноси ҳам ҳали давоми ёзилмагандан дарак бериб турарди. Балким, бу ёш ёзувчининг сўнги қўлёммасидир, балким, бу қўлёммани тугатмай туриб, уни ажал элчилари мангу рихлатга етаклаб кетгандир?! Худди сокин ёз осмонини бирдан тўзон қоплагандек кўнглимда тўсатдан қуюндай ғулғула пайдо бўлди. Бу шубҳа қанчалар ишончсиз бўлса-да, менга шунчалар ҳақиқатга яқин бўлиб туюларди. Мусибатли хабар эшитганингизда ёхуд бир умр сиғиниб келган эътиқодингиз бир лаҳзада бир сўз ила пучга айланганда ёки хонангизда сизга ташланмоқчи бўлиб турган ҳаёлнинг қудрати етмас даражада улкан ва ваҳмкор чаёнини кўриб қолганингизда шуурингизда шундай ҳолат пайдо бўлади ва

тасоввурингиз шифтлари қўпорилиб, сиз ҳам хаёлдан тўкилувчи ва жазаванинг кундасига секин бош қўясиз. Мен ниманидир ғира-шира англадим ва англаган нарсаларим ёзувлар ичидан бир махлуқ каби бош кўтариб чиққан ва менинг чангимни ҳам қолдирмай бир ҳаплашда ютиб юборган эди, зеро, қўлёзмадаги ёзувлар тўзиган қалбнинг тўзонлари эканлигига мен энди амин бўлган эдим.

Ўз шубҳамни исботлаш учун мен эртасига танишимга сим қоқдим ва жасад қай ҳолатда топилганини сўрадим. -Биз ҳам ҳайронмиз,-деди у.

- Бош чаноқ очилиб ётарди, у ерда умуман мия қолмаганини айтмаса, тананинг бошқа ҳеч жойида ташқи зарбанинг аломати йўқ эди. Мен ўзим текшириб чиқдим, уйдан ҳеч нарса ўғирланмаган...

ОҚ АЛАНГА

...“Сен мени балки эсдан чиқаргандирсан, - деб хат ёзарди йигит ўзи бир вақтлар кўнгил қўйган қизига, - мен хотирангдан балки буткул ўчиб кетгандирман. Лекин менинг ёдимда ҳамон ўша қиёфада - кўкиш гулли оқ кўйлақда ловуллаб ёниб турасан. Сен худди ҳилпираб турган оқ алангага ўхшайсан. Бу аланга тилларигача оқ. Фақат баъзи-баъзида, аланга ловуллаб кўтарилаганда унинг оппоқ ёғдуси узра кўкиш учқунлар порлаб кетади-ю, сўнг дарҳол сўнади. Шунда гўё оқ аланга менинг юрагимда ловуллаб кетгандай бўлади. Орадан тўрт йил ўтса ҳам сен бирон соња кўз олдидан кетмадинг. Ҳар лаҳза, ҳар дақиқа кўз ўнгимда оқ алангани кўриб турдим... Аланга ҳамон менинг совуқ хонамни чўғдай иситиб турибди... Мен бу алангани ўчириб ташлашга ожизман... Йигит кўп йиллардан бери шу хонада яшар, хона улкан атиргулнинг ҳовучига ўхшарди. Хонада йигит гулнинг ширасига қўнган кичкина асаларидек бўлиб кўринарди. Йигитга ўзининг хонаси жуда ҳам ёқарди..

Ёзиб бўлгач, йигит хатдан гулола ясаб, деразадаги бўш тувакларга солиб қўярди. «...Ўша пайтлари менинг гапларим сенга қанчалик ҳавойи ва кулгули бўлиб туюлган бўлса, энди сенга шунчалик табиий бўлиб туюлади, деб ёзади йигит қизга.- Сен баъзида мени эслаб йиғлайсан ҳам. Сенинг гулгингни қистатган менинг туйғуларим энди сенга ҳеч ором бермайди. Бу туйғулар сенинг ҳозирги ҳаётингдан кўра мазмунлироқ бўлиб кўринади. Сен мазах қилган, менсимаган, ғашингни келтирган ўша туйғулар энди сени изтиробга солади. Энди бу туйғулар сен учун умрингнинг энг ширин лаҳзалари бўлиб қолади...»

Йигит ҳар куни хат ёзар ва хатни тувакларга жойлаб, хонасига териб қўярди. «Муҳаббат - инсон қалбида очилган лоладир. Агар у сўлса, умрининг ўзи ҳам сўлади... Тўрт йилдан бери кўнглимдаги лолалар чаман-чаман бўлиб очилиб кетди.»...

Дераза тўлгач, йигит қоғоз гуллар солинган тувакларни ёзув столига, курсига китоб жавонига, ерга, кейин эса диванга териб қўя бошлади. Хонанинг бурчаклари ҳам қоғоз гулли тувакларга тўлиб кетди. Хонада нагоҳан, барча гуллари чаман бўлиб очилган гузор пайдо бўлди. Йигит хона бурчаклари тўлгач, тувакларни хона деворларига осиб қўя бошлади. «Балким мен адашгандирман, - деб ёзди йигит . - Балким, мен ҳаётга сенинг нигоҳинг билан қарамаслигим керакдир. Ҳаёт менга қучоғини очиб тургану, мен сезмай келаётгандирман. Балким, менинг қалбимдаги муҳаббат эмасдир, муҳаббатдан ҳам кучлироқ туйғудир... Мен ҳар куни тушумда сени кўраман. Негадир ҳамиша тушумга илк марта кўрган қиёфада кирасан: юзларинг ловуллаб қизарган, сочинг бургут қанотидай ёйилган, лабларинг титраб турган бўлади. Гоҳо юзинг гулу, сочларинг бу оппоқ гулни ховучлаб турган қат-қат гулбарглarga ўхшаб кетади; гулбарглр бунчалик нафис гулни тебратганидан баъзан тўлғониб-тўлғониб қўяди. Тўлғонар экан гулбарг қатлари, ора гулнинг нозик банди кўриниб кетади. Бу гўё тун қўйнида ловуллаб ёниб, яна дарҳол сўнган гуханга ўхшайди. Тўрт йилдан бери мен сени ловуллаб ёнган оқ аланга орасида кўраман. Оқ аланга гуриллаб осмонга кўтарилар экан, ҳовучдаги гул чўғдай қизариб кетади...»

Йигит сўнги тувакни бўсағага жойлаштиргач, хонани хўрсиниб кўздан кечирди. Гултувакдаги лолалар сокин солланиб турар, чироқдан нур гулларга худди қизил ёмғирдай ва гулдондаги гуллар қизғиш рангда порлар эди. Гуллар чаман-чаман бўлиб очилиб ётган бу хонада энди йигитнинг ўзи ортиқча эди.

Йигит хонани ташлаб чиқиб кетди. Уйни айланиб ўтаркан, хона деразасига кўз ташлади. Хонани ловуллаган аланга буркаган эди...

БИТИК

«Мен мангу тошга ҳаммасини ўйиб ёздим» Кул Тегин Битиги

Бекатлараро такси ён тамондан келиб урилган «КаМАЗ»нинг зарбига дош беролмай аввал бир ёнга оғди, кейин гурсиллаб қулади: шофёр вайўловчиларнинг кўзлари чақчайиб кетди-қўрқув-даҳшат аралаш баравар бақириб юборишди- уларга нарироқдаги бекатда турганлар ҳам жўр бўлди: «КаМАЗ» нинг ҳайдовчиси машинадан сакираб тушиб, ттаксига қараб югурди: у спортчилар камзулини кийиб олган, барваста, жухудбашара шоп мўйловли одам эди: таксининг филдираклари ҳамон чириллаб айланиб турарди: у югуриб бориб кабинанинг эшигини тортди. Бироқ эшик пачоқ бўлганди, осонликча очилмади. Ҳайдовчи нарги эшикни шақирлатиб торта бошлади: шошиб қолганидан эшик сурғучини кўтаришни ҳам унутган эди. Изидан етиб келган шляпали киши унга ёрдам берди: иккаласи ойнаси чил-чил бўлган пачоқ эшикни зўрға ярим очишди: ва юзи шилинган қўрқувдан серрайиб қолган ёшгина йигитни тортиб тушуришди.

Йигит ўзининг тириклигига ишонмаётгандай ён-атрофга шубҳа ҳамда илтижо билан кўз ташлаб чиқди ва ўзини ерга таппа ташлади, бироқ орқасидан ушлаб қолган ўрта яшар, келишган аёлнинг ёрдамида яна ўзини тутиб олди: одамларга олазарак бўлиб бир-бир қараб чиққач, уст-бошини қоқа бошлади: сўнг бирдан эсига тушиб қолгандек ўзини машина эшигига урди-аммо такси олдига йиғилиб қолган оломон унга йўл бермади: «КаМАЗ» нинг шофёри яна учта йўловчини тортиб чиқарди- уларнинг ҳеч жойига жароҳат етмаган эди, ёхуд ҳали ўзларига тўла келмаган, шу сабабли ўзларини соппа-соғдай тутишарди. Улар нарироққа бориб, томашабинлар сафига қўшилишди. Такси шофёрининг чап юзи пачоқ бўлган эди. У гарчи гапираётган бўлса ҳам ўзини аллақачон ўлик ҳисоблаб чўзилиб ётиб олди. Яна бир йўловчи бор овози билан «Қавурғам... қавурғамнинг абжағи чиқди» деб бақирарди. Уни машина ичидан тортиб олиб, йўл четидаги ўтлоққа ётқизиб қўйишди. Шу пайт узун бўйли, оққува милитсионер етиб келди. У одамларни туртиб-суртиб олдинга ўтди. Машинада ўриндиқлар қисилиб қолган, лабининг бир чеккасидан қон сизиб турган тиззаси устида турган очиқ китобни панжалари билан қисиб ушлаб олган йўловчи қолган эди. Уни ўриндиқдан ажратиб олиш анча мушкул бўлди. Юзи суюнчиқ билан шифт орасида қолиб кетганди. «Камаз» ҳайдовчиси ярми синган ойнанаи олиб ташлаб, суюнчиқни орқага тортди. Йўловчини милитсионер ва яна икки киши ўриндиқдан суғириб олишди ва йўл четида ётқизишди. -Ўлибди-деди унинг бош томонида турган дўппили киши.

«Камаз» ҳайдовчиси энди милитсионерни кўрибю қолганди;
Йўл меники эди, қайдан пайдо бўлди билмай қолдим, - деди овозига мусибат туси бериб. Милитсионер ҳеч нарса демагач, шу гапни икки-уч марта қайтарди. Милитсионер ўлган йўловчининг панжалари орасидан китобни зўрға чиқариб олди ва қонли бармоқларининг изи қолган очиқ вараққа шунчаки нигоҳ югуртирди ва катта-катта ҳарфлар билан ёзилган «У китоб ўқиб ўлажак»... деган сўзларга кўзи тушди...

САНЪАТ-1

Мамлакат подшосининг олдида бир киши келди.

Мен рассомман, - деди у. - Умрим қашшоқликда ўтди, ҳаётимда шундай кунлар бўлдики, эслашнинг ўзи даҳшат. Мен энди очликдан жуда қўрқаман. Сенга ўзимнинг суратларимни сотишим мумкин. Суратларим жуда ғаройиб, у одам қурби етмайдиган ишларга қодир. Агар хоҳласанг сенга ғалабанинг суратини чизиб бераман, у орқали сен қўшни шоҳликни осонгина босиб оласан ёки бўлмаса гўзал бир қизнинг суратини чизиб бераман.

Шоҳ энди оёғини узатиб ётадиган даражада қариб қолган, лекин юраги тинч эмас эди. Шоҳликда тез-тез ғалаён бўлиб турарди. Одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, гоҳ нарх навонинг ошиб кетганига, гоҳ узлуксиз солиқларга қарши норозилик билдириб туришар, сарой аҳли жуда безовта эди. Одамларда шоҳга нисбатан ишончсизлик кучайиб борар, баъзи жойларда ҳукумат қўшинлари билан тўқнашувлар содир бўлаётган эди.

- Менга қўшни ернинг кераги йўқ, - деди шоҳ рассомга.

- Ўзимда ҳам ортиқча ерлар ошиб-тошиб ётибди. Агар сен ростдан ҳам шундай мо"жизали суратлар чиза олсанг, унда менга осойишталикнинг суратини чизиб бер. Одамлар ҳеч қачон ғавғо қилмасинлар, ғалаён ҳам бўлмасин, менинг чизган чизиғимдан чиқишмасин.

Мамлакатдаги масалаларни ҳал етишда фақат менинг ҳақим бўлсин.

Рассом даррво ишгв киришди. У ҳар хил бўёқларда аввал шоҳликнинг, сўнг унда яшаётган фуқораларнинг суратини чизди, - лекин суратдаги одамлар фавқулодда итоаткор, мўмин ва меҳнаткаш эди. Рассом уларни ғоят қунт ва усталику билан чизар, унинг қўли жодугарларникидек ҳаракат қиларди. Сурат чизилган сайин шоҳликдаги одамларнинг ҳам табиати аста-секин ўзгариб борарди: шаҳарларда ғалаёнлар бирин кетин тинчий бошлаган эди. Қандайдир сеҳрли куч уларнинг кўнгилларидаги норозилик ипларини узиб ташаларди: одамлар ишлашар, нима беришса қаноат қилишар, театрга, киноларга боришар, қўшиқ ҳам эшитишарди, бироқ ғалаён қилишмасди.

Рассом шоҳнинг талабига биноан уларни ростдан ҳам малданиятли қилиб тасвирлаганди. Мамлакатда ҳамма шоҳона кийиниб юрар ва шоҳ билан бир қозондан овқат ҳам ея оларди. Энг қашшоқчилик йиллари ҳам бу шоҳлик фуқоралари тўқлардек, шоду-хуррам кун кечиришарди. Сурат шоҳга жуда маъқул бўлди. Айниқса, фуқароларнинг ўзига ҳаддан ортиқ содиқлигидан хурсанд эди У Рассом кўнгли тусаганича тақдирлади ва суратни абадий асраш учун саройнинг тўрига осиб қўйди.

Рассом тирикчилик илинжида ҳамма жойда - шаҳарда, қишлоқларда, кент ва вилоятларда, қўрғон ва қалъаларда, қароргоҳ ва жанг майдонларида кезиб юрар ва унинг суратлари ҳамма жойда муносиб тақдирланарди.

У узоқ йиллар қиролларга ва вазирларга гоҳ сирли қуролнинг, гоҳ кишаннинг, гоҳ бойликнинг, гоҳ очликнинг, гоҳ қулликнинг, гоҳ ҳиёнатнинг, гоҳ урушнинг суратини чизиб бериб юрди. У узоқ умр кўрди, бироқ ундан бирон марта ҳам бахтнинг суратини чизиб беришни сўрашмади.

САНЪАТ-2

Бир мамлакатда камбағал рассом яшарди. У аянчли даражада қашшоқ, устига-устак жуда ҳам ёлғиз эди: у ҳаётни қандай тушунса, шундай кўринишда чизар, лекин уни ҳеч ким тушунмас, суратлари паст нархда сотиларди. Омадсиз рассом бир куни кўчада - айнан кўчада, чунки маликаларни бошқа жойда учратиш мумкин эмас, буни эртақлар ҳам тасдиқлайди, - шаҳар айланиб юрган маликани кўрди-ю, унга ошиқ бўлиб қолди; муҳаббат уни девонага айлантирди: у маликанинг исмини айтиб, кўча-куйда санғиб юрадиган ва эсига тушиб қолган жойда - тошга ҳам, деворга ҳам унинг суратини чизадиган бўлиб қолди. Бу ҳолни маликага етказдилар. Малика қаҳ-қаҳ уриб кулди-ю, рассомни чақириб, аввал масхара қилди. Лекин малика рассомнинг кўзларига боқиб донг қотди. Бу кўз эмас, тун қўйнида порлаб турган машъала эди: у ерда мусибат ва ситамларнинг ёғдуланган бўёқлари жилва қиларди. «Агар менинг суратимни худди ўзимдек қилиб чизолсанг, мен сенга тегишга розиман - деди малика.

- Фақат сурат ҳам мен каби жонли бўлиши шарт.»

У қашшоқ кишиларни ёқтирмасди, бироқ, мамлакатдаги ягона рассомнинг кўнглини қолдиришдан ҳам қўрқарди, шунинг учун ҳеч қачон амалга ошмайдиган шарт билан унинг муҳаббатини рад этмоқчи эди.

Рассом машаққат билан узоқ йиллар ёлғиз сурат устида ишлади. У яна ҳам қашшоқлашди, эндидаги кийимлар жулдурга айланди, ейишга нони қолмади, тушкунликнинг барча аянчли ва хароба кўчаларини бир-бир кезиб чиқди, лекин ихлос билан ишлайверди. Чарчаган ёки умидсизликка тушган пайтлари маликанинг гўзал чеҳрасини кўз олдига келтириб, унга ялиниб ёлворди, илтижо қилди, йиғлади, соғинч ва висол онларига умид ҳамда ёлғизлик мусибати унга куч бағишлади: у бўёққа ўзининг қонини қўшиб янги-янги ранглар топди, қарочиқларга кўзларининг нурини бахшид ва этди, орадан йиллар ўтиб, рассомни масхара қилиш учун маликанинг ўзи уникага ташриф буюрди. У рассомни кўриб, янада ҳайратда қолди - рассом жуда ҳам яшариб кетган, кўзларида бахт ва муҳаббатнинг оловлари ёнар, юзида улуғворлик акс этар, ёнида эса худди маликага ўхшаш, гўё маликанинг эгизагидай, худди маликанинг кўзга ташланар ва ташланмас нуқсонлари тарошлаб чиқилгандай маликадан-да латофатлироқ, эндигина очилган гулдек сўлим ва назокатли қиз ҳам турарди. Қиз маликадан ҳам гўзалроқ ва жозибалироқ эди - рассом унга хаёлнинг рангларини берганди, муҳаббатнинг буюклиги билан ишланган гўзал бир илоҳа яралган эди: у қаҳ-қаҳ отиб кула олар, рассомнинг хонасини мушку анбарга ва гул хидига тўлдириб фаришталардай рақс тушиб юрарди. Бу рассом қалби ва муҳаббатининг тимсоли эди. Рассом ўзи яратган илоҳани кўриб, ақли-хушидан айрилган, у маликани ҳам, берган ваъдасини ҳам унуттганди; «Маликам, - деди рассом, - мен сизнинг муҳаббатингизда йиллар машаққат чекдим, йиғладим-сиқттадим, қалбимни ғам-андух сўндирди. Кўзларим йўлингизда ногирон бўлди, лекин сиз шу йилларда ҳатто мендан бирон марта ҳам ҳол сўрамадингиз, аксинча, устимдан кулиб, мени телба, дея овоза қилдингиз. Мен учун энг оғир бўлган уқубатли даврда менга фақат шу суратгина таскин берди, менга қунт ва ишонч бағишлаб турди.

Суратни чизиб бўлгач тушундим, мен сизни эмас, аслида сизнинг қиёфангизда бўлган бу сиймони севган эканман. Мен излаганимни топдим, биз аҳду-паймон қилдик, мендек бир қашшоқ рассом фақат шу малаканинг тенгиман, сизнинг эмас, маликам». Шундай дея рассом чеҳрасидан малоҳат таралиб турган қизни етаклаб уйига кириб кетди... Биз аслида севганимиз тимсолидаги бошқа қиёфани севаимиз. Буни англаш учун рассом каби хўрликни бошдан кечиришимиз керак.

ЎПҚОН

Чорраҳадан ўтиши билан троллейбус тез юриб кетди; энди йўл унчалик гавжум эмасди. Троллейбусни қувлаб ўтаётган енгил машиналар баъзи-баъзида бир-бирини огоҳлантиргандек қувноқ сигнал бериб қўярди. Троллейбусда йўловчилар анчагина; ўриндиқлар тўлган, ўртада ҳам беш-олти йўловчи тик турарди. Завол пайти бўлгани учун троллейбуснинг устки туйнугидан изғирин ёпирилиб кирар, орқадагилар жунжукиб ўтиришарди; бироқ ҳеч ким негадир туйнукни ёпишни хаёлига ҳам келтирмасди. Биз тик турган ҳолда орқа эшик олдида турардик; совуқ шамолдан қулоқларни ҳимоя қилиш учун палтолларимизнинг ёқаларини кўтариб олгандик; барча йўловчиларнинг юзида ўйчан бир ҳорғинлик ҳукмрон, троллейбуснинг гувиллашини айтмаса, сукунат ҳукм сурарди; ҳамманинг юзида ланжлик аралаш, аксарият ҳолларда, қиш кунлари, байрам арафасида бўладигандек қандайдир музтарлик кезинарди; биз ҳам туйнукни ким ёпаркин, дея, унга яқин турган одамларга қараб қўяр, лекин жимликни бузишга журъат этолмас, кейин бир неча бекатдан сўнг тушиб қолишимизни ўйлаб, бу шарт эмас, дея ўйлардик. Ҳайдовчи қувноқ йигит эди; унинг бутун диққати троллейбусни ҳайдашдан ҳам кўра кабинага яқин ўтирган иккита попуқдеккина қизларни кулдириш билан банд эди. Қизлар унинг ҳазилларига жилмайиб қўйишар, бир-бирларига қараб нималардир дер, сўнг худди синаб кўришмоқчидек ҳайдовчини гапга тутишарди; умуман, йўловчиларнинг анча тунд юзларида ҳам карнай орқали ҳаммага эшитилиб турган бу ҳазил-ҳузилнинг енгилгина аломатлари акс этар, кўпгина йўловчилар қизларга қарамасликка ва уларни ҳижолат қилмасликка ёки ишдан ҳориб чиққан, юракларига шундан бошқа ҳеч нарса сиғмаётган, кайфиятлари узилиш даражасига етган тордек таранглашиб турган бир пайтда бу беминнат кўнгилхушлиқдан айрилиб қолгилари келмаётгандек кўзларини ташқарига тикканларича, мийиғида сирли қилиб, кулиб қўйишарди.

Баъзи кекса аёллар қизларга қараб ҳўмрайиб олишган, уларнинг лўқ қилиб олган кўзлари ҳасад ёки ҳавас билан тикилаяпдимиз, билиб бўлмас, фақат андек сершубҳа юзларида «шундай ҳам одобсизлик бўладими» дегандай бадгумон ифода қотиб қолганди. Аслида, қизларнинг ҳатти-ҳаракатида, ўзини тутишларида ҳеч қандай одобсизлик сезилмас, улар ҳайдовчининг гапларига фақат жилмайибгина қўйишар, саволларига эса ҳайдовчига қарамай жавоб беришар, бир-бири билан тез-тез кўз уриштириб олишар, сулув эканликларини ўзлари билишгандай ёки одамларнинг ҳаракатларига ва йигитларининг шакарғуфторлигига кўникиб қолишгандай, ўзларини эмин эркин тутишар, уларнинг тиниқ чехраларида бир оз кибр акс этиб турарди. Улар ростдан ҳам жуда гўзал эди; гўё троллейбус ичида бир жуфт гул қулф уриб очилиб турганга ўхшар ва уларнинг чиройларини, тиниқ юзларини кузатиш кишига алланечук ҳузур бағишларди. Қизларга яқин ўтирган ёш йигитлар - кўринишидан талабалар, сурбетлик билан тез-тез уларга ўгирилиб қарашар ва бир-бирларига қараб, сирли қилиб тиржайишарди. Уларнинг хулқ атвори, ўзларини тутишлари, хохолаб кулишлари йўловчиларга унчалик ёқмаётган бўлса ҳам негадир бу қилиқлар унчалик одбсизлик бўлиб туюлмас, аксинча, уларнинг кулишлари-ю, сурбетона тикилишларига қизлар айбдордай, йигитлар қиқирлаб кулиб юборишганда, қилар бирон айб иш қилишмадимикан дегандай ҳамма қизларга қарарди.

Қизлар талабаларга эътибор ҳам беришмас, гўё бундаай ҳодисалар уларнинг босган ҳар қадамида содир бўладигандек, кулаётганларга такаббурлик билан кўз ташлаб, беписанд елка қисиб қўйишар, сўнг яна «қулф уриб, солланиб» туришарди. Биз ҳамроҳим иккимиз ҳам қизларга бир кўз ташладигу, яна ўз хаёлларимизга фарқ бўлиб, ташқарида лип-лип этиб орқага югуриб ўтаётган дарахтлар, симёғочлар, бинолар, қуёшнинг сўнгги нурлари тўшалиб ётган кўчалар, у ердаги йўловчиларни, эриётган қорни, троллейбус ўтиши билан, югуриб кўчани кесиб ўтаётган жимитдайгина кучукчани, йўл четида дарахтлар орасида қор титаётган

қарғаларни кузатиб борардик. Йўл қуруқ бўлса ҳам бир ҳафта олдин ёққан қор йўл четида, иморатлар соясида ҳали эрмаган эди; гоҳ-гоҳида йўлакда қорбўрон ўйнаётган тўда-тўда болаларни кўриш мумкин эди.

Йўловчилар анча ғимирлашиб қолишди: кимдир ниҳоят туйнукни ёпди; ғала-ғовур бошланди, янги йўловчилар чиққан эди, троллейбус ичига энди анча жон кирди; қизлар ҳамон кабина олдида дугонасининг юзидан ўз аксини кўрмоқчидек, бир-биридан кўз узмай тикилиб туришарди. Талабалар анча тинчиб қолишган, тепаларида тик туришган ўрта ёшлардаги одамларни кўрмасликка олиб, энди ташқарига қараб ўтиришарди.

Троллейбус серкатнов катта кўчага бурилди; бу ерда машиналар кўп эди; кўплари худди ботаётган қуёшга тақлид қилишгандек ҳалитдан чироқларини ёқиб олган эди. Троллейбус беш метр юрмасдан йўл ўртасида бирдан тўхтади, сўнг яна силкиниб, юз қадамча, юрди-да яна тўхтади. Шофёр ҳазил аралаш «Бир неча минут танаффус эълон қиламан» деди ва шарақлаб кулиб юборди. Йўловчилар бир-бирига ва троллейбуснинг олдига ҳайрон бўлиб қарашди; юзларида норозиликка ўхшаш ифода қалқиб чиқди. Олдиндаги кенг йўл машиналар билан тирбанд бўлиб кетган эди; олдинда ҳам, орқада ҳам машиналар троллейбусни тикиб қўйишган, улар, афтидан, нима гаплигидан беҳабар тинмай сиганал беришарди.

-Йўл берк,- деди ҳайдовчи яна карнай орқали. Йўловчилар олазарак бўлиб, ён атрофга қарашди: ҳеч нарсага тушунмай яна жойларига ўтиришди. Бир пастда орқада ҳам машиналар қаторлашиб кетди; йўлни кесиб ўтаётган трамвай йўли ҳам беркилди; четдан қараган одам бу ерда транспорт кўриги бўлаяпти деб ўйлаши мумкин эди; беш - олтита трамвай изма-из туриб қолди; гўё намоишга чиқишгандек қатор йўловчи машиналар турарди бу ерда; бир пастда қиёмат қойим бўлди - юзлаб машиналар сигнал бера бошлади. Худди бу ҳол ўзларига ёқаётгандек баъзилари атайлаб жон жаҳдлари билан сигнал босарди; машиналар орасига тушиб қолган сарғиш «тез ёрдам» нажот сўраётгандай юракни орзиқтириб серена чалар, пешонасидаги кўкиш чироқ тинмай айланарди, Баъзи йирик юк машиналари «йўл бер» дегандай ҳар дамда «пов» этган товуш чиқарарди. Талабалар ҳайдовчига нимадир дейишар, у «мумкин эмас», «мумкин эмас» дегандай елка қисарди. Яна икки йўловчи бориб, унга нималарнидир тушунтиргач, ҳайдовчи машиналар тикилиб қолган ён верига қаради-ю, олдинги эшикни очди. Талабалар сабрсизлик билан ташқарига ўзларини уришди. Изидан яна икки киши тушишди.

-Яёв кетамизми,- деди ҳамроҳим.

-Узоқ-ку - дедим мен. - Тушайликчи...

Биз турган троллейбус олдида ҳам бир неча троллейбус бор эди; биз машиналар орасидан зўрға сирғаниб ўтиб, пиёдалар йўлагига чиқиб олдик. Юз қадам нарида одамлар тўпланиб турар, қандайдир яшилтоп машина йўлга узун бўлиб кўндаланг туриб қолган эди.

-Нима бало, авариями? - дедим мен ҳеч нарсани тушунмай.

Ҳамроҳим елка қисди.

Биз одамлар тўпланиб турган жойга бориб, уларнинг орасига кирдик. Қандайдир кузовига брезент ёпилган йирик ҳарбий машина ён томонга қийшайиб турар, орқа балони канализатсия қузурига тушиб кетган, йўлнинг икки четида икки ҳарбий машиналарни тўхташиб турарди. Бештача йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари машина атрофида айланиб, бош чайқаб юришарди.

Йўлак бирдан шафёрлар, йўловчилар билан тўлди. Ҳамма бу ерда ушланиб қолганидан норози, лекин ҳеч ким бу ушланиб қолишнинг асл сабабчиси бўлмиш ҳарбий машинадагилардан эмас, кўпроқ ўзларидан, айнан шу йўлдан юрганидан, айнан шу ерга келиб, тўхтаб қолишга маҳқум

этилган уловга ўтирганидан норозидай эди. Боги сулув қизлар ҳам бир четда турашарди. Ўпқонга тушган ҳарбий машина бу ерга қандай кўндаланг бўлиб қолганига ҳеч кимнинг ақли етмасди. Сабри чидаганлар сигарет олиб тутатишга тушди.

Топган жойини қаранглар , - деди ҳамроҳим жаҳл аралаш. Яна кимдир сўкинди ва кимнидир, афтидан, канализатсия қурувчиларини «муттаҳамлар», деди.

-Чорак соатдан бери тўхтаб турибмиз, - деди йўлакка яқин турган машина шафёри.

Шу пайт ён томонига «авария» деб ёзилган машина келиб тўхтади. Машинадан тушган учта сариқ коржомоли одам ҳарбий машинани айланиб, кўрди-да, шафёрга нимадир, деди. Шафёр бош ирғаб, машина будкасига кириб, қўлида қалин трос кўтариб чиқди. Озғингина ҳарбий, афтидан, ҳарбий машинанинг шафёри бўлса керак, троснинг бир томонини машинага улади, иккинчи томонини авария машинасига беркитди. Ва югуриб машина кабинасига чиқди-да, «кетдик» дегандек қўл кўтарди. Трос секин таранг бўла бошлади, ҳарбий машина бир силкинди-ю, қувурдан балони чиқар-чиқмас яна қайтиб тушди - шарақлаган овоз эшитилди, трос чиқиб кетган эди. Озғин ҳарбий тушиб, тросни қайтадан улади. Сўнг машинага чиқди - машина чираниб, увлади-ю, силкиниб ўпқондан чиқиб кетди, ўн қадамча илгари юриб тўхтади, сариқ коржомоли одам тросни олиб, авария машинасига ташлади.

Ҳарбий машина секин йўлга ўнгарилди ва нарироққа йўл четига бориб тўхтади. Сариқ коржомоли киши қандайдир белги қўйилган темир-лавҳани ўпқондан нарироққа - машиналар қаршисига олиб бориб қўйди.

Биз югуриб, энг олдинги троллейбусга чиқдик; машиналарга бирдан жон кирди, ҳарбийлар ўзларига тегишли машина томон қараб кедишди; барваста йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими ола-була таёқчасини кўтариб, йўл очиқ дегандай ишора қилди: машиналар сели бирдан ҳаракатга келди - троллейбус бирдан силкиниб юриб кетди; бизнинг орқамизда яна бояги таниш қаҳқаҳалар эшитилди - талабалар ўрта эшик олдида туришар ва ўзларича нималардир деб хихилашар, гўё улар ярим соатдан кўпроқ йўлда тўхтаб қолганларини ҳам, бояги бир жуфт гулга ўхшайдиган қизларни ҳам унутгандай, бамайлихотир кулишар, машиналар сели эса тобора шиддат билан шаҳар ичига қараб югурар ва секин аста сийраклашиб, шаҳарнинг турли бурчакларига тарқаб кетишмоқда, гўё улар ҳам ярим соатдан ортиқ йўлда ҳаракатсиз қолиб кетганларини унутишгандай, тезлик билан кетиб боришарди.

www.ziyouz.com

2008